

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

РАДЖАБОВА МАРЖОНА АХМАДОВНА

**ОНОМАСТИК КОМПОНЕНТЛИ
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНИ**

Илмий монография

**«Дурдона» нашриёти
Бухоро – 2022**

УЎК 81'373.2

81.2-3

Р 15

Раджабова, Маржона Ахмадовна

Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвистик талқини
[Текст] / М.А. Раджабова.-Бухоро: "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona,
2022. -168 б.

КБК 81.2-3

Ушбу монография турли тизимли инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг қиёсий-чоғиштира тадқиқига бағишланган бўлиб, мазкур тадқиқотда уларнинг шаклланиш омиллари, компонент таснифи, семантик хусусиятлари ва гендер жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш орқали уч тил кесимидаги миллий бўёқдор лисоний бирликларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланган.

Монографиянинг назарий умумлашма ва таҳлилларидан тилшунослар, тадқиқотчилар, магистрлар ҳамда филологлар фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

О.М.Файзуллаев - филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

М.Б.Баротова - филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

**Монография БухМТИ кенгашининг 2022 йил 29 январдаги
6-сонли йиғилиш қарори билан чоп этишга тавсия қилинган.**

ISBN 978-9943-7992-6-4

*Падари бузрукворим –
Жабборов Аҳмад Жабборовичнинг
хотираларига бағишлайман.*

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликлар ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий тил ва нутқ хусусиятларини намоён этиши жиҳатидан доимий эътиборни тортиб келмоқда. Фразеологиянинг бир қисми бўлган ономастик компонентли ибораларнинг миллий-маданий хусусиятларини инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий-типологик аспектда очиб бериш, таркибини семантик ва структур таҳлил қилиш, этимологик манбаларини аниқлаш ва таснифни амалга ошириш, эквивалентлиги ҳамда ўзига хос тизим эканлигини асослаш лингвокультурология, таржимашунослик йўналишларини антропоцентризм назариялари билан бойитиш имконини беради ҳамда тиллараро, маданиятлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликларнинг лингвистик хусусиятлари ва уларнинг шаклланиш омилларини лингвомаданий аспектда ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу маънода халқларнинг маданияти, диний тафаккури ва кундалик турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи ономастик компонентли фразеологик бирликларни илмий-назарий асослаш, уларнинг лингвомаданий ва гендер хусусиятларини семантик жиҳатдан очиб бериш, қардош бўлмаган тиллардаги эквивалентлик ҳодисасини аниқлаш ва муқобилларини таржима орқали беришда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш лексикография ҳамда гендерология соҳалари юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида давлат тилини ривожлантириш билан бир қаторда хорижий тилларни ўргатишга, жумладан, ўзбек тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан ўзбек тилига бевосита таржима қила оладиган мутахассисларни тайёрлашга, шунингдек,

чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик муаммолари тадқиқига катта эътибор берилмоқда. «Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди»¹. Бу борада таржима орқали тиллараро маданий мулоқотни шакллантиришда ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг таржима муаммолари, лингвомаданий ва гендер хусусиятларини, этимологияси ва уларнинг юзага келиш омиллари, компонент ҳамда семантик таҳлилини текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Фразеологик бирликлар бўйича жаҳон тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Фразеология соҳасининг фан сифатида дунёга келишида рус олимларидан В.В.Виноградов, Н.Н.Амосова, А.В.Кунин, В.М.Мокиенко, Н.И.Чернышева ва М.Т.Тагиевлар²нинг хизматлари каттадир.

Н.Р.Норрик, Б.Альтенберг, А.П.Кави, А.Де Ла Гранжа, Р.Глэзер, Г.Кнаппе, А.Начишоуни, М.Л.Бешай, А.Врбинц, М.Врбинц³ каби Ғарб олимларининг монография ва мақолалари

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 майдаги чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2021. – 7 май. – № 92 (348).

²Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – Москва, 1977. – 267 с.; Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Ленинград, 1963. – 227 с.; Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – Москва, 1972. – 288 с.; Мокиенко В.М. Славянская фразеология – Москва, 1980. – 207 с.; Чернышева Н.И. Фразеология современного немецкого языка. – Москва, 1970. – 200 с.; Тагиев М.Т. Глагольная фразеология современного русского языка. – Баку: Маариф, 1966. – 150 с.

³Norrick N.R. How proverbs mean: semantic studies in English proverbs / Norrick N.R. – Berlin; New York: Mouton, 1985. – 213 p.; Altenberg B. On the phraseology of spoken English // The evidence of recurrent word-combinations // Phrasology. Cowie A.P. – Oxford: Clarendon Press, 1998. – P. 101-121.; Álvarez de la Granja, María (ed.). Fixed expressions in cross-linguistic perspective // a multilingual and multidisciplinary approach. – Hamburg: Verlag Dr. Kovac, 2008. – 382 p.; Gläser Rosemarie. The Stylistic potential of phraselological units in the light of genre analysis // Phrasology. Ed. A.P.Cowie. – Oxford: Clarendon Press, 1998. – P. 25-45; Knappe Gabriele. Idioms and Fixed Expressions in English Language Study before 1800. – Peter Lang, 2004. – 664 p.; Naciscione A. Stylistic Use of Phraseological Units in Discourse. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 2010. – 309 p.; Beshaj Ma. Lediana. Phraseological Units Used in the Functional Styles in English and Albanian Language // Mediterranean Journal of Social Sciences// pub. by MCSER-CEMAS-Sapienza University of Rome: Vol – 4 № 2 May, 2013.

фразеологик бирликларнинг умумлингвистик ва маданий хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Ўзбек олимларидан Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Бердиёров, М.И.Умарходжаев, Б.Йўлдошев, А.Э.Маматов, М.Содиқова, Қ.М.Ҳакимов, Ш.Р.Усмонова, М.К.Халикова, К.Т.Бозорбоев, Ш.Д.Абдуллаев, Ш.Т.Алмаматовалар¹ фразеологик бирликларнинг шаклланиш масалалари, функционал-услубий хусусиятлари, компонент ва семантик таҳлили сингари муаммоларини ўрганиб, ўзбек фразеологиясининг ривожига муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Фразеологик бирликларнинг таржимасига оид масалалар Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Ю.Пўлатов, Ў.С.Абидходжаева, Г.К.Одилова, И.Ғафуров, О.М.Мўминов, Н.М.Қамбаров, Ш.С.Сафаров² каби олимларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган.

– P. 453-456.; Vrbinc A., Vrbinc M. Phraseological units with onomastic components: The case of English and Slovene // Revista de Lingüística Teórica y Aplicada. Concepción (Chile), 52 (1), I Sem. 2014, P. 133-153.

¹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 1966. – 46 б.; Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 1977. – 38 б.; Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 1972. – 27 с.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1993. – 297 с.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1999. – 312 б.; Содиқова. М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати. – Тошкент, 1993. – 259 б.; Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.; Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 1998. – 160 б.; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картины мира (на материале русского и узбекского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1999. – 142 с.; Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 2001. – 22 б.; Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент: ЎЗРФА А. Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, 2007. – 157 б.; Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б.

²Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 145 б.; Мусаев Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг стилистик масалалари: Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 1967. – 140 б.; Пўлатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 68 б.; Абидходжаева Ў.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2002. – 128 с.; Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик

Замонавий тилшуносликда фразеологик бирликларни бошқа тиллар билан қиёсий ўрганиб, уларнинг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилиш кенг тус олди. Бу жиҳатдан Л.Кулиева, К.Мусаев, И.С.Степанова, О.О.Чўпонов, И.Н.Исабеков¹ сингари тилшунос олимларнинг ишлари бири-бирига қардош бўлмаган икки тил доирасида олиб борилган тадқиқотлар юзасидан аҳамиятлидир.

Ономастик компонентли фразеологик бирликларни ўрганиш жаҳон тилшунослигида XX асрнинг ўрталаридан бошланган. Мазкур бирликларнинг айрим аспектлари Г.П.Манушкина, В.Д.Бояркин, Е.Н.Бетехтина, Е.В.Сафронова, И.П.Назарова, А.В.Уразметова, О.К.Мжельская, Г.Р.Ганиева, О.А.Головкина² каби тилшунос олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

муаммолари: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2011. – 153 б.; Гафуров. И., Мўминов О.М., Қамбаров Н.М. Таржима назарияси // Олий ўқув юртлар учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012. – 280 б.; Сафаров Ш.С. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти // Хорижий филология (Мақолалар тўплами). – Самарқанд: СамДЧТИ, 2018. – Б. 9-21.

¹Кулиева Л. Принципы фразеологизации в русском и английском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Баку, 2004. – 26 с.; Мусаев К. Перевод лексических и фразеологических единиц как проблема частной теории перевода (на материале переводов русского и узбекского языков): Автореф. дисс. докт. филол. наук. – Тбилиси, 1988. – 42 с.; Степанова И.С. Английские фразеологические единицы с флористическим компонентом (в сопоставлении с русским языком): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Киев, 1987. – 24 с.; Чупонов О.О. Образное выражение идеи жизни и смерти во фразеологии современного русского языка (опыт комплексного анализа): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 21 с.; Исабеков И.Н. Фразеологизмы и проблемы их перевода (на материале киргизского и русского языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Бишкек, 2004. – 24 с.

²Манушкина Г.П. Фразеологические единицы с компонентом – «имя собственное» в современном английском языке: Дисс. канд. филол. наук. – Рязань, 1973. – 241 с.; Бояркин В.Д. Фразеологические единицы с ономастическим компонентом в современном русском литературном языке: Дисс. канд. филол. наук. – Ленинград, 1987. – 361 с.; Бетехтина Е.Н. Фразеологические библеизмы с ономастическим компонентом в современном русском языке: (на фоне английского): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 1995. – 16 с.; Сафронова Е.В. Структура и семантика фразеологических единиц с ономастическим компонентом библейского происхождения в современном английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Киев, 1997. – 21 с.; Назарова И.П. Функционирование библеизмов в русском и немецких языках и лингвопрагматические особенности вариантов перевода: Дисс. канд. филол. наук. – Краснодар, 2001. – 167 с.; Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – 196 с.; Мжельская О.К. Семантическая специализация и концептуализация заимствований (на материале ономастических

XXI асрга келиб, фразеологик бирликларнинг лингвомаданий аспектда гендер ҳамда миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш юзасидан ҳам бир неча тадқиқотлар амалга оширилди. Хорижий олимлардан К.Кристин, М.Хайдук¹, рус олимларидан З.В.Корзюкова, В.С.Самарина, З.М.Рамазанова, В.А.Хохловалар², ўзбек тилшунослардан эса Г.И.Эргашева, Л.Э.Холмурадова, Н.З.Насруллаева, М.А.Абдувахабова ҳамда Г.С.Қурбоновалар³ ўз тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг лингвомаданий, гендер ва лисоний хусусиятларини турли тиллар, жумладан, инглиз, немис, француз, рус, ўзбек ҳамда икки тил доирасида ўрганган бўлсалар-да, ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг

компонентов библейской фразеологии): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Барнаул, 2008. – 20 с.; Ганиева Г.Р. Фразеологические единицы с компонентом именем собственным в английском, русском и татарском языках: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Казань, 2010. – 22 с.; Головкина О.А. История ветхозаветных фразеологизмов в русском и английском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2014. – 29 с.

¹Christie Christine. Gender and Language: Towards a Feminist Pragmatics. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2000. – 386 p.; Haiduk M. Linguistic and ethnocultural peculiarities of phraseological units with onomastic components in English language // Humanity, Computers and Communication. – Lviv, 2015. – P. 164-165.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке (национально-культурная специфика): Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 234 с.; Самарина В.С. Гендер во фразеологии: когнитивно-лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ставрополь, 2010. – 22 с., Рамазанова З.М. Сопоставительное исследование гендерной фразеологии в лакском, русском и английском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2011. – 25 с.; Хохлова В.А. Фразеологические единицы с топонимическим компонентом в английском и украинском языках (лингвокультурологический аспект): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Донецк, 2017. – 26 с.

³Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий - типологик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2011. – 170 б.; Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (лингвомаданий аспект): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 50 б.; Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Филол. фан. докт. дисс. афтореф. – Тошкент, 2018. – 71 б.; Абдувахабова М.А. Инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида гендернинг тил воситаларида ифодаланиши: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.; Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) афтореф. – Тошкент, 2019. – 50 б.

лингвомаданий жиҳатлари, семантик ҳамда компонент таҳлили, шунингдек, таржима муаммоларига бағишланган тадқиқотлар уч қардош бўлмаган тиллар кесимида қиёсий усулда ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари ва уларнинг тиллараро таржимаси тамойилларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ономастик компонентли фразеологик бирликларга оид илмий-назарий қарашларни ёритиб бериш;

ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг шаклланиш манбалари асосида уларнинг этимологик таснифини ишлаб чиқиш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятларини қиёсий таҳлил этиш орқали ўхшаш ва фарқли хусусиятларини аниқлаш;

ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг гендер (жинс) белгиларини аниқлаш ҳамда лингвомаданий жиҳатларини очиб бериш;

инглиз тилидан рус ва ўзбек тилларига ономастик компонентли фразеологик бирликларни таржима қилишда юзага келадиган муаммоларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари ва таржима муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотда чоғиштира, этимологик, лингвистик, концептуал, компонент, миқдорий ва кросс-маданий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг шаклланиш манбалари антик мифология, диний дунёқараш, фольклор, халқнинг тарихи, кундалик турмуш тарзи каби лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар асосида вужудга келиши исботланган;

қиёсланаётган тиллар кесимида ономастик компонентли фразеологик бирликлар таркиби жиҳатидан антропоним, топоним, этноним, зооним, астроним, космоним, хрононим, фалероним, геортоним, документоним, эргоним, идеоним, хрематоним ва библионим тузилишли гуруҳларга ажратилган ҳамда номлар ҳар бир халқнинг тарихи ва маданияти билан боғлиқлиги мисоллар асосида далилланган;

ҳар учала тилда ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари нуқтаи назаридан хотиржамлик, севги, садоқат, дўстлик каби ижобий; маккорлик, сотқинлик, ўғрилиқ, дангасалиқ каби салбий коннотация касб этадиган универсалиялар аниқланган; миллий-маданий қирралари халқларнинг диний тафаккури, турмуш тарзи, урф-одатларини акс эттириши нуқтаи назаридан муштараклиги; тарихий-ижтимоий шароити, географик жойлашуви омилининг таъсири жиҳатдан фарқланиши асосланган;

инглиз, ўзбек, рус тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг гендер хусусиятлари эркакларга хос жасурлик, донолик, уддабуронлик; аёлларга хос вафодорлик, меҳрибонлик, жозибадорлик каби сифатларда намоён бўлиши асосланган ва мазкур бирликлар таржимасида маданий мулоқот таъсирида эквивалентлик, муқобиллик, образлилик каби мувофиқ ҳамда номувофиқ муносабатларнинг воқеланиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз, ўзбек ва рус тилларида мавжуд ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг этимологияси, семантикаси, лингвомаданий, гендер хусусиятлари, эквивалентлик даражасини ёритиб беришга оид назарий хулосалардан фразеология ва ономастика йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Чоғиштира тилшунослик», «Таржима назарияси», «Фразеология», «Лингвомаданият-шунослик» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда; инглизча-русча-ўзбекча ономастик компонентли фразеологик бирликлар луғатини тузишда; фразеологик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

I БОБ. ОНОМАСТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

§ 1.1. Дунё тилшунослигида ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг илмий-назарий талқини

Дунё миқёсида ҳар бир халқнинг дунёқараши, турмуш тажрибаси, яшаш тарзи, урф-одатлари, дини сингари жиҳатларни қамраб олувчи ва умумистеъмолда кўп қўлланувчи тил бирликлари мавжуд. Шулар орасида тилимизда энг кўп истеъмолда бўлган фразеологик бирликлар алоҳида тизимни ташкил этади. Чунки мазкур бирликлар миллийлик асосида шаклланиб, жамият ривожлангани ва миллатлар орасидаги алоқалар мустаҳкамлангани сайин уларга хос ментал хусусиятлар кенгайиб боради. Замонавий тилшуносликда фразеологик бирликларни лингвомаданий аспектда ўрганиш тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, бундай барқарор бирикмалар тилнинг бошқа луғавий бирликларига қараганда халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг кўп асрлик турмуш тажрибаси, анъаналари, урф-одатлари негизида шаклланган ва ҳозирда ҳам тараққий этиб бормоқда. Шу боис уларда ментал хусусиятлар аниқ кўзга ташланиб туради.

Фразеологик бирликлар миллий-маданий бирлик сифатида дунё тилшунослигида муҳим ўрин эгаллайди. Кишиларнинг сўзлашув нутқида кўп ишлатиладиган бундай бирликларнинг шаклланиш тарихи ҳар бир халқнинг маданияти ва узоқ асрлик тарихи билан боғлиқ. Хусусан, ономастик таркибли фразеологик бирликлар Ғарб ва Шарқ манбалари, миллатнинг турмуш тарзи, халқ оғзаки ижоди ва диний манбаларга бориб туташади.

Замонавий тилшуносликда ономастик компонентли фразеологик бирликларга хос лисоний хусусиятларни қардош бўлмаган тиллар тизимида ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш манбаларини очиб бериш, компонент таркибига кўра таснифни амалга ошириш ва ягона лингвистик тизимга солиб, умумлаштириш жаҳон тилшунослигида долзарб масалалардан

бирига айланди. Бу борада ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб фразеологик бирликларнинг муаммоларига бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Фразеолог олима Н.Н.Амосова тўғри таъкидлаганидек, «бу лингвистик соҳанинг шаклланиши ва тараққиёти кўплаб фразеолог олимларнинг турли тиллар бўйича олиб борган тадқиқотлари самарасидир»¹. Жумладан, тилшунос олим С.Е.Чернобай ҳам ўзининг тадқиқотларида шундай дейди: «Ҳозирги босқичда фразеология тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида шаклланганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Тилнинг фразеологик қатлами лингвوماданиятшунослик, когнитив тилшунослик ва фанлараро тадқиқотларни ўрганишда бой манба ҳисобланади»². В.В.Виноградов эса «фразеологик бирликларнинг асосий хусусияти уларнинг шакл жиҳатдан барқарорлигида бўлиб, улар нутқ жараёнида пайдо бўлмай, балки, инсон онгида тайёр ҳолда шаклланади ва камида иккита мустақил сўзнинг яхлит маъно англатишидан юзага келади», - деб таъкидлайди³. У рус тили материалида фразеологизмлар таснифини ишлаб чиқади ва уларни *фразеологик чатишма*, *фразеологик бирлик* ва *фразеологик бирикмаларга* бўлади⁴. Унинг бу таснифи кўпгина жаҳон фразеолог олимлари томонидан тан олинади. В.В.Виноградовнинг таснифидан фойдаланиб, Н.М.Шанский фразеологизмларнинг тўртинчи тури этиб *фразеологик ифода* (фразеологик ибора)ларни кўрсатади⁵. Н.М.Шанский фразеологизмларни лексик таркибига кўра

¹Амосова Н.Н. Теоретическое и практическое значение фразеологии как особой отрасли языкознания // Проблемы фразеологии и задачи ее изучения в высшей и средней школе. Тезисы докладов межвузовской конференции. – Череповец, 1965. – С. 3.

²Чернобай С.Е. Определение идиомы в современной фразеологии: «Филология. Социальные коммуникации». – Украина, Симферополь, – 2011 г. – Том 24 (63). № 3. – С. 317.

³Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – Москва, 1977. – С. 118-139.

⁴Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. Избранные труды. – Москва, 1977. – С. 140-161.

⁵Молоткова А.И. Фразеологический словарь русского языка – Москва: Прогресс, 1986. – С. 8.

ажратиб, фразеологик ибораларни структуравий келиб чиқиш ва экспрессив-стилистик хусусиятлари нуқтаи назардан таърифлайди¹.

А.В.Кунин эса фразеологик бирликларни барқарорлик жиҳатидан 5 та гуруҳга бўлиб чиқади²: 1) қўлланилишдаги барқарорлик; 2) структур-семантик барқарорлик; 3) семантик барқарорлик; 4) лексик барқарорлик; 5) синтактик барқарорлик.

А.В.Кунин фразеологик бирликлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар учун асосий манба бўлиб хизмат қилган «Инглизча-русча фразеологик луғат»ини («Англо-русский фразеологический словарь») тузган. Муаллиф мазкур луғатда инглиз тили фразеологик бирликларининг келиб чиқиши, уларнинг рус тилидаги эквивалентларини кўрсатиб ўтади. Қолаверса, унда Инжил китобида келтирилган мисоллар асосида фразеологик бирликлар алоҳида библиеизмлар номи остида тилга олинган. Унинг фикрича: «Фразеологик бирликлар – тўлиқ ёки қисман кўчма маъно англатувчи лексемаларнинг барқарор бирикмаларидир»³.

Демак, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган, қисман ёки тўлиқ кўчма маънода ишлатиладиган барқарор бирикмалар фразеологик бирлик (кейинги ўринларда ФБ)лар дейилади.

Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларнинг назарий таърифига доир ягона ва мукамал қараш мавжуд эмас⁴. Шу боис ФБлар хусусида дунё олимлари ўз қарашларини турлича баён этадилар. Масалан, Д.О.Добровольский «таркибида компонентлар тўлиқ ёки қисман кўчма маъно англатган турли

¹Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – Москва: Выс. школа, 1969. – С. 173.

²Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – Москва: Международные отношения, 1972. – С. 6-8.

³Ўша манба. – Б. 8.

⁴Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий маданий хусусиятлари: Филол. фан. докт. дисс. афтореф. – Тошкент, 2016. – Б. 13.

хилдаги структур-семантик барқарор бирикмаларни идиома сифатида» тушунади¹.

А.Г.Николенко эса фразеологияга мансуб «идиома» термини «аниқ асосга эга бўлмаган, лекин иборага хос характер касб этган фразеологик бирликларнинг муайян бир турига тегишлидир. Ғарб олимлари учун барқарор бирикмаларнинг турли гуруҳларига нисбатан «идиома» терминини қўллаш кенг тус олди», деб таъкидлайди².

Ғарб олимлари орасида Р.Глэзер ўзининг тадқиқот ишларида барқарор бирикмаларнинг барча турига нисбатан «фразеологик бирлик» терминини қўллайди. Унинг фикрича, «камида икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлган, синтактик ва семантик турғунликка эга барқарор бирикмалар фразеологик бирликлардир»³.

М.Алексеевко эса турли тил бирликларини уч гуруҳга бўлади:

1. Идиомалар; 2. Фраземалар; 3. Паремалар.

«Лекин ушбу бирликлар ўртасида аниқ чегаралар йўқ», деб изоҳлайди у⁴.

Демак, бу фикрларни боғлаб турувчи асосий кўприк – ФБларнинг тилда тайёр ҳолда бўлиши, яхлит ҳолда кўчма маъно билдириш ва барқарорлиги билан боғлиқ. Шу учун ФБларни турли тизимли тиллар билан қиёсий ўрганишда уларга доир илмий фикрларнинг мунозарали эканлиги бу соҳада яна тадқиқотлар олиб бориш кераклигидан дарак беради.

Рус тилшуноси А.В.Кунин бу соҳада муносиб ўз ҳиссасини қўшди. У «Английская фразеология» (1970), «Фразеология современного английского языка» (1972), «Англо-русский

¹Dobrovol'skij D. Phraseological universals: theoretical and applied aspects / D. Dobrovol'skij // Meaning and grammar: cross-linguistic perspectives / ed. by Michel Kefer, Johan van der Auwera. – Berlin; New York: Mouton de Gruyter, 1992. – P. 298.

²Николенко А.Г. Лексикологія англійської мови – теорія і практика / А. Г. Ніколенко. – Вінниця: Нова Книга, 2007. – С. 272.

³Gläser Rosemarie. The Stylistic Potential of Phraseological Units in the Light of Genre Analysis / Rosemarie Gläser // Phraseology: theory, analysis, and applications / ed. by A. P. Cowie. – Clarendon Press: Oxford, 1998. – P. 25.

⁴Алексеевко М. Еще раз о неразрешенных проблемах фразеологии / М. Алексеевко // Slavica stetinensia. – Szczecin, 1999. – № 8. – С. 95-96.

фразеологический словарь» (1984) каби китоб ва луғатларида инглиз тилида мавжуд ФБларнинг хусусиятларини ўрганади. Шунингдек, ФБларнинг келиб чиқиш манбалари, семантик структураси, компонент таркиби сингари масалаларни ёритиб берди. Жумладан, олим замонавий инглиз тили ФБларининг пайдо бўлиш манбаларини уч гуруҳга бўлади: 1. Қадимий ФБлар (улар халқ томонидан, унинг донишмандлиги ва лисоний сезгирлиги асосида яратилади; жуда кўп фразеологизмларда инглиз маданияти, реалиялари, урф-одатлари, анъана ва эътиқодлари акс этади; бир қатор ибораларнинг илдизлари касб-хунар лексикаси билан боғлиқлигини аниқлайди). 2. Чет тиллардан ўзлашган ФБлар. 3. Америка инглиз тили вариантыдан ўзлашган ФБлар¹.

Ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев дастлабки фразеолог олим сифатида ўзининг номзодлик диссертациясини замонавий ўзбек тилидаги феъл образли фразеологик бирликларнинг грамматик хусусиятларини ўрганишга бағишлаган бўлса², кейинчалик, «Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари»³ номли монографияси билан ўзбек тилидаги фразеологик бирликларни луғавий бирлик сифатида намоён бўлишини асослаб берди. Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»⁴, «Ўзбек тилининг фразеологик луғати»⁵ ҳамда «Ҳозирги ўзбек ва рус тилларида фразеологик антонимлар»⁶ номли бир қатор луғат ва рисоаларининг нашр қилиниши ўзбек тилшунос олимларининг фразеология соҳасида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганишларига туртки бўлди.

¹Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – Москва: Международные отношения, 1972. – С. 22.

²Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс. – Москва, 1952. – 350 б.

³Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Тошкент: Фан, 1966. – 264 б.

⁴Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи., 1978. – 408 б.

⁵Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент, 1992. – 363 б.

⁶Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек ва рус тилларида фразеологик антонимлар. – Тошкент: Университет, 2000. – 32 б.

Шунингдек, М.И.Умарходжаев¹ ва Б.Йўлдошевларнинг² олиб борган илмий тадқиқотлари ўзбек фразеологиясининг ривожланишида ўзига хос улуш бўлиб қўшилди.

А.Э.Маматов ўзбек тили лексик ва фразеологик бирликларининг норма муаммоларини тадқиқ этган бўлса М.Й.Вафоева ўзбек тилидаги фразеологик синонимларни³, У.М.Рашидова ўзбек соматик ибораларини илмий изланишларида ўрганиб чиқди⁴.

А.Г.Назарян ўзининг «Фразеология современного французского языка» асарида мақол ва маталларни ФБлар таркибига киритиб, уларни «мақол-фразеологизмлар» («пословичные фразеологизмы»), деб атади⁵.

ФБлар масаласида ҳар бир тил нуктаи назаридан турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Б.Йўлдошев ўзининг докторлик ишида анъанавий тилшунослик назариясига таяниб, «фразеологик бирлик», «ибора» ва «фразеологизм» атамаларини ўзаро синоним сифатида қўллайди⁶. Ғ.Саломов ҳам ФБлар таркибига мақол, матал ва идиомаларни киритади⁷.

Н.Р.Норрик ҳам кўчма маъно англатган мақолларни иборалар таркибига киритади⁸.

¹Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент, Фан, 1983. – 136 с.; Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеологии. – Ташкент: Фан, 1977. – 104 с.

²Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. № 3-4. – Б. 37-42.; Йўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: «Сўғдиёна» нашриёти, 1998. – 110 б.; Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1999. – 200 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеологиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти (монография). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 108 б.

³Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.

⁴Рашидова У.М. Ўзбек тилидаги соматик ибораларининг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б.

⁵Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. – Москва, 1987. – С. 33–39.

⁶Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1993. – Б. 4.

⁷Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 118.

⁸Norrick N. R. How proverbs mean: semantic studies in English proverbs/ N.R.Norrick. – Berlin; New York: Mouton, 1985. – P. 3.

Хорижий луғатларда икки ёки ундан ортиқ сўзнинг синтактик жиҳатдан боғланган, лекин фақат бир лексик маъно англатган «барқарор бирикма»ларга «ибора» деб таъриф берилади¹.

Кўринадики, тилшуносликда турли номлар билан аталувчи, бироқ, мантиқан бир маънони билдирувчи фразеологизм, ибора ва фразеологик бирликларни боғлаб турувчи асосий хусусият кўчма маъно билдириши, барқарорлиги ва тилда тайёр ҳолда учраши билан боғлиқ. А.Э.Маматовнинг қарашлари бу фикрларга шу жиҳатдан яқин ясайди: «Ҳозирги босқичда алоҳида расмийлашган, таркибининг барқарорлиги, яхлитлигича қўлланиладиган, тайёр ҳолда мавжудлик, образлилик, семантик қайта шаклланиш кабилар фразеологизмларнинг асосий белгилари сифатида кўрсатилади»².

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ғарб фразеологиясида ҳам иборалар таърифига оид аниқ ёндашиш мавжуд эмас. Кўпгина олимлар таркибидаги компонентлар тўлиқ кўчма маъно англатган мақолларни ҳам иборалар туркумига киритишади..... Ибораларнинг таърифи ва таснифи мезонлари ҳанузгача фразеолог олимлар учун ҳар томонлама очиқ масала бўлиб қолмоқда ва уларда қизиқиш уйғотмоқда. Ибораларни мураккаб тил белгиси сифатида кўриб чиқиш уларнинг ўрганиш доирасини кенгайтиради ва лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик ҳамда социолингвистика соҳалари доирасида кўп йўналишли тадқиқотлар ўтказишга имкон беради³.

Охирги йилларда тилшуносликда ФБларни провербиал фразеологизмлар таркибига киритиб ўрганиш кенг тус олди. Рус тилшуноси В.О.Черношчекованинг фикрича, «proverbial» термини кенг маъноли бўлиб, мақол, матал ва юмуқ ибораларни мувофиқлаштирибгина қолмай, балки, миллий-маданий

¹Matthews P.H. The Concise Oxford dictionary of linguistics / P.H.Matthews. – Oxford; New York: Oxford University Press, 1997. – 410 p.

²Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмлариинг шаклланиш масалалари: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – Б. 20.

³Чернобай С.Е. Определение идиомы в современной фразеологии. «Филология. Социальные коммуникации». Украина, Симферополь, – 2011 г. Том 24 (63). № 3. С. 320-321.

хусусиятлар акс этган алоҳида лексемаларни ҳам ўз луғавий доирасига қамраб олади¹. А.А.Носиров ҳам ФБларни провербиал фразеологизмлар (ПФ) деб атайти².

Шунингдек, Г.С.Қурбонова ҳам ФБларни кенг ва тор маънода изоҳламасдан, кўчма маънога эга турғун ибораларни, идиома, мақол-маталлар, яъни, провербиал фразеологизм (ПФ)ларни ФБлар таркибида ўрганади³.

Биз ҳам олимларнинг юқоридаги фикрларига қўшилиб, инглиз, рус ҳамда ўзбек тилида учрайдиган мақол, матал, ҳикматли сўз, турғун бирикма ёки иборани кенг ва тор маънода гуруҳларга ажратмасдан, тўлиқ ёки қисман кўчма маъно касб этиб, тилда тайёр ҳолда учрайдиган, эмоционаллик хусусиятларига эга бўлган барқарор бирикмаларни провербиал фразеологизм (ПФ)лар деб ҳисоблаб, уларни ФБлар таркибига киритамиз ҳамда В.В.Виноградов, А.В.Кунин, А.Г.Назарян, О.В.Чернощекова, Ғ.Саломов, Б.Йўлдошев, А.Э.Маматов, А.А.Носиров ва Г.С.Қурбоноваларнинг фикрларига таяниб, тадқиқотимизда ономастик компонентли инглиз, рус ва ўзбек тиллари ФБларига доир дунё тилшунослигида бу соҳада мавжуд илмий-назарий фикрларга муносабат билдирамиз.

Ўзбек тилшунослигида ҳам миллий бўёқдор ФБларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш ва уларнинг таржимадаги ўзига хос хусусиятларини ёритиш охириги йилларда олимларнинг олиб борган тадқиқотлари асосида яққол кўзга ташланади. Масалан, Ф.С.Азизова⁴ ўзининг илмий изланишларида инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг структуравий ўзига хосликларини ўрганиб, уларни лингвомаданий хусусиятларига

¹Чернощекова В.О. Лингвокультурный аспект пословиц: Язык и культура, 2009. cyberleninka.ru. – С. 83.

²Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2016. – Б. 14.

³Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2019. – Б. 11.

⁴Азизова Ф.С. Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2018. – 56 б.

кўра таснифлаган. Шунингдек, фразеологизмларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни аниқлаган. Унинг фикрича, «Фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари уларнинг экстралингвистик омилларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Экстралингвистик омиллар деганда, ижтимоий, иқтисодий, маданий шарт-шароитлар, функционал ва тилнинг ички структуравий ривожланиши шароитлари, фразеологик бирликларнинг ривожланиши ва ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга бўладиган, уларнинг миллий характери кўрсатиб беришга сабаб бўладиган омиллар йиғиндиси тушунилади. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кўпгина фразеологизмлар халқнинг турмуш тарзини, анъаналарини, урф-одатларини, миллий хусусиятларини ифодалайди»¹.

ФБлар нафақат ички омиллар, балки, ташқи омиллар асосида ҳам тилда истеъмолда қўлланилиши мумкин. Тарихий ҳодисалар сабаб ёки маданиятларнинг ўзаро таъсири остида бошқа тилдан ўзлашган ФБлар таркибида ҳам ўша замон муҳитидан дарак берувчи ономастик компонентлар қатнашганлиги кузатилади.

Бу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилган бўлса-да, ФБларнинг лингвомаданий аспектини ўрганиш долзарб мавзулардан бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда ФБларни компонент таркибига кўра лингвомаданий нуқтаи назардан текшириш, уларнинг миллий-маданий хусусиятларини ёритиб бериш ва қиёсий таҳлил этиш замонавий тилшуносликда кўп тадқиқ этилаётган масалалардан бирига айланди. Айниқса, бундай ФБлар таркибида халқнинг ментал характери акс эттирувчи ономастик сўз (компонент)ларнинг мавжудлиги улардаги миллийлик сифатини кучайтириб, мазкур тилда гаплашувчи халқнинг миллий маданияти билан танишиш имконини беради.

Ономастик бирликлар халқнинг кечаги ва бугунги ҳаёти орасидаги кўприқдир. Айниқса, бундай бирликлар ФБлар таркибида қўлланса, улардаги ментал хусусият янада

¹Ўша манба. – Б. 10-11.

ёркинлашиб, халқнинг кўп асрлик тарихи ва маданиятини тил орқали ифодалаш имконини беради. Шу боис бундай бирликлар муайян халқнинг тарихи, бадий мероси ва дунёқараши билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Айтиш мумкинки, улар деярли барча халқлар тилида фаол лексикани ташкил этади. Рус тилшуноси Г.П.Манушкина замонавий инглиз тилида ономастик компонентли ФБларни рус ва немис тиллари билан қиёсий тадқиқ этган¹. У ФБлар семантикасида ономастик компонентларнинг вазифасини, структуравий хусусиятларини ўрганган. Олиманинг фикрича, атоқли отлар фразеологик бирликларнинг сўз-компоненти сифатида структуравий-семантик хусусиятларга эгадир². В.Д.Бояркин эса замонавий рус адабий тилидаги ономастик компонентли ФБларни тадқиқ этган³. Е.Н.Бетехтина рус тилида мавжуд ономастик компонентли ФБларни библеизмлар асосида текширган бўлса⁴, О.К.Мжельская эса ФБлар таркибидаги ономастик библеизмларни инглиз ва рус тиллари материалида қиёсий таҳлил қилган⁵. О.К.Мжельская Инжилдан ўзлашган атоқли отлар ҳақида шундай фикр билдиради: «Инжилдан ўзлашган атоқли отларнинг аксарият қисми рамзий тимсол касб этиб, кўчма маънодорлик хусусиятига эга»дир⁶. Дарҳақиқат, атоқли отлар дастлаб ўз маъносида истеъмолда ишлатилиб, кейинчалик ФБлар таркибида тимсолий маъно касб эта борган.

¹Манушкина Г.П. Фразеологические единицы с компонентом – «имя собственное» в современном английском языке: Дисс. канд. филол. наук. – Рязань, 1973. – С. 36.

²Ўша манба. – Б. 37.

³Бояркин В.Д. Фразеологические единицы с ономастическим компонентом в современном русском литературном языке: Дисс. канд. филол. наук. – Ленинград, 1987. – 361 с.

⁴Бетехтина Е.Н. Фразеологические библеизмы с ономастическим компонентом в современном русском языке: (на фоне английского): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 1995. – 16 с.

⁵Мжельская О.К. Семантическая специализация и концептуализация заимствований (на материале ономастических компонентов библейской фразеологии): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Барнаул, 2008. – 20 с.

⁶Мжельская О.К. Семантическая специализация и концептуализация заимствований (на материале ономастических компонентов библейской фразеологии): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Барнаул, 2008. – С. 8-9.

Рус тилшуноси О.А.Леоновичнинг фикрича, «фразеология муайян тилда сўзлашувчи халқнинг тарихи, маданияти, анъаналари ҳамда адабиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мазкур боғлиқлик таркибида ономастик компонент қатнашган фразеологик бирликларда яққол намоён бўлади»¹.

Эслатиб ўтиш жоизки, ФБлар таркибидаги ономастик бирликлар рўйхатида антропоним ва топонимлар бошқаларига нисбатан қадимийроқ бўлиб, уларда халқнинг миллий характери ва тарихи акс этган бўлади. Антропонимлар орқали тарихий образларни, топонимлар орқали тарихий ҳодисаларни ўрганиш имконияти мавжуд. Т.Н.Кондратьева ҳам антропоним компонентли мақол-маталларнинг тадқиқига бағишланган мақоласида мақоллар таркибидаги антропонимларнинг асосини қачонлардир яшаб ўтган, алоҳида бир характери билан ажралиб турадиган шахс номи билан боғлайди². Е.Н.Бетехтинанинг фикрича, христиан динига оид персонажларнинг номлари билан келган ономастик компонентли (асосан антропонимлар) фразеологик бирликларнинг келиб чиқиши албатта, генетик жиҳатдан бири бири билан алоқадордир³.

Таъкидлаш керакки, ономастик компонентли ФБлар дунё тилшунослигида ўзига хос лексик тизимни ташкил этади. Инглиз, рус ва ўзбек тиллари ФБларини бир тизимда ўрганиш анча мураккаб. Чунки инглиз ва рус тилларидаги ономастик таркибли ФБлар Ғарб халқлари дунёқараши, дини, турмуш тарзи, урф-одатларини акс эттириши нуқтаи назаридан муштаракдир. Аммо, ўзбек тили ономастик компонентли ФБларида Шарқ халқларига хос хусусиятлар ўз аксини албатта топган. Бу энг аввало, инглиз, рус ва ўзбек тилларида сўзлашувчи халқларнинг оғзаки ижоди ва бадий мероси билан ҳам боғлиқдир. Сабаби, инглиз ва рус

¹Леонович О.А. Очерки английской ономастики. Пособие для преподавателей. – Москва: Интерпракс, 1994. – С. 28.

²Кондратьева Т.Н. Собственные имена в пословицах, поговорках и загадках русского народа // Вопросы грамматики и лексикологии русского языка. – Казань, 1964. – С. 38 – 47.

³Бетехтина Е.Н. Фразеологические библеизмы с ономастическим компонентом в современном русском языке: (на фоне английского): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 1995. – С. 8.

тиллари ономастик компонентли ФБлари қатламида ибора, мақол, матал ва ҳикматли сўзларнинг барчаси учраса, ўзбек тили ономастик компонентли ФБлари қатламида аксарият қисмни мақол ва маталлар ташкил этади. Шунга қарамасдан, ономастик компонентли ФБларни қардош бўлмаган тиллар доирасида ўрганиш, уларга хос миллий хусусиятларни кўрсатиш, ягона лингвистик тизимга солиб таҳлил этиш ҳамда уларнинг таснифини ишлаб чиқиш анча мураккаб масалалардан ҳисобланса-да, бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилган.

Сўнгги йиллар жаҳон тилшунослигида ономастик компонентли ФБлар чоғиштира ўрганилган бўлиб, бу тадқиқотларда миллий тил бирликларининг ўзига хос лингвомаданий хусусиятлари янада чуқурроқ ёритиб берилган. А.Врбинц ва М.Врбинцлар ўзларининг ономастик компонентли ФБларга бағишланган тадқиқотларида инглиз ва славян тилларидаги мавжуд бирликларни қиёсий таҳлил қилишган¹. Шунингдек, ушбу тадқиқотда инглиз ва славян тиллари ономастик компонентли ФБларнинг компонент таркиби, уларнинг келиб чиқиш манбалари, миллий-маданий хусусиятлари, шунингдек, ҳар иккала тилда учрайдиган маданиятларнинг ўзаро таъсири остида шаклланган ФБлар ўрганилган. Олимларнинг таъкидлашича, «маданий универсаллик ва маданий ўзига хослик нима эканлиги аниқлашдан олдин, ФБларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда таркибида ономастик компонент қатнашган ФБларнинг шаклланиши айнан атоқли отларнинг келиб чиқиш тарихи орқали ифода этилади»².

Шунингдек, ономастик компонентли ФБлар дунёнинг бошқа тилларида ҳам қиёсий тадқиқ этилган. Масалан,

¹Vrbinc Alenka., Vrbinc Marjeta. Phraseological units with onomastic components: The case of English and Slovene // Revista de Lingüística Teórica y Aplicada. Concepción (Chile), 52 (1), I Sem. 2014. – P. 133-153.

²Vrbinc Alenka., Vrbinc Marjeta. Phraseological units with onomastic components: The case of English and Slovene // Revista de Lingüística Teórica y Aplicada. Concepción (Chile), 52 (1), I Sem. 2014. – P. 142.

М.В.Осыка¹ рус ва француз тиллари материалида топоним компонентли ФБларни ўрганган бўлса, таркибида антропоним мавжуд бўлган ФБларнинг лингвомаданий хусусиятларини З.Р.Загирова² ўзининг номзодлик диссертациясида инглиз, француз, рус ва татар тиллари доирасида қиёсий таҳлил этган. Бундан ташқари В.А.Хохлова³ ҳам инглиз ва украин тилларида топоним компонентли ФБларнинг лингвомаданий аспектини тадқиқ қилган. В.А.Хохлованинг фикрича, «топонимлар халқ ҳаётининг тарихий, ҳудудий ва табиий-географик шароитининг ўзига хос томонларини намоён этибгина қолмай, балки, муайян жамиятнинг урф-одат, анъана ва фольклорида акс этган миллий турмуш тарзидан дарак беради»⁴. Дарҳақиқат, топонимларда миллатнинг кўп асрлик тарихи, орзу-истак ва кечинмалари намоён бўлади. Чунки, топонимлар муайян халқнинг тарих зарварақларидан «гувоҳлик берувчи» миллий тил бирликлари ҳисобланади.

ФБлар таркибида топонимларнинг лингвомаданий аспектини ўрганиш масаласи З.Б.Уразметованинг тадқиқотларида ҳам инглиз ва француз тиллари доирасида қиёсий таҳлил қилинган⁵. У ўзининг изланишларида фразеология соҳасини лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб, инглиз ва француз тилларидаги топоним компонентли ФБларнинг таснифини амалга оширган⁶. Олима ономастик фразеология ҳақида шундай дейди: «Ономастик фразеология муайян тилда

¹Осыка М.В. Топономические фразеологизмы в национальной концептосферы (на материале русской и французской лингвокультур): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Белгород, 2010. – 25 с.

²Загирова З.Б. Лексико-семантические и функциональные параметры антропонима в составе фразеологической единицы в английском языке (в сопоставлении с французским, русским и татарским): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2003. – 26 с.

³Хохлова В.А. Фразеологические единицы с топонимическим компонентом в английском и украинском языках: лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Донецк, 2017. – 26 с.

⁴Ўша манба. – Б. 8.

⁵Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – 196 с.

⁶Ўша манба. – Б. 138-167.

гаплашувчи халқнинг тафаккури, дунёқараши ва афсоналари ҳақида «бўёқдор номлар» орқали маълумот берувчи тил бирликлари қатламидир. Рус, инглиз, француз тилларининг ономастик фразеологияси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар сонига қарамасдан, топоним компонентли фразеологик бирликлар масаласи, хусусан, лингвомаданий аспекти ҳанузгача олимлар эътиборидан четда қолиб келмоқда»¹.

Бундан ташқари, ономастик компонентли ФБлар яна бир қатор рус олимларининг тадқиқот ишларида ҳам ўрганилган бўлиб, уларда ФБларнинг структуравий - семантик, лингвопрагматик ва миллий-маданий хусусиятлари текширилган. Масалан, Е.В.Сафронова² ўзининг номзодлик ишида библеизмлар асосида шаклланган замонавий инглиз тилидаги ономастик компонентли ФБларнинг семантик ва структуравий жиҳатларини, З.В.Корзюкова³ инглиз тилидаги атоқли отлар билан келган ФБлар вазифасидаги асосий аспектлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишган. З.В.Корзюкова ўзининг тадқиқот ишида 900 та инглиз ва 900 та рус тилидаги атоқли отлар қатнашган ФБларнинг этимологиясини аниқлаб, уларнинг лингвомаданий жиҳатларини аниқлаган. Шунингдек, олима таркибида атоқли отлар иштирок этган инглиз тили ФБларининг семантик ва стилистик хусусиятларини атрофлича ўрганган. У инглиз ва рус тилларида мавжуд ибора, мақол, матал, ҳикматли сўзларни, қолаверса, бир компонент (сўз)дан иборат рамзий маъно касб этган бадиий асар, эртаклар қаҳрамонлари ва тарихий шахслар ҳамда давлат арбобларининг исмларини ҳам ФБлар таркибига киритади. А.В.Корзюкова А.В.Куниннинг тадқиқотлари асосида миллий бўёқдор ФБларнинг этимологиясини очиб беради. Кузатишларимиз З.А.Корзюкова

¹Ўша манба. – Б. 90.

²Сафронова Е.В. Структура и семантика фразеологических единиц с ономастическим компонентом библейского происхождения в современном английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Киев, 1997. – 21 с.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 234 с.

тадқиқотларида кўрсатилган бир сўздан иборат бирликларни ФБлар таркибига киритиб бўлмаслигини кўрсатди.

ФБлар таркибидаги атоқли отларнинг маъноларини ўрганишга қизиқиш ҳозирги тилшуносликда ономастик фразеологиянинг юзага келишига йўл очди. В.В.Ловянникова¹ немис тили материали асосида ономастик фразеологизмларни лингвомаданий жиҳатларини ўрганган. У тил ва маданият боғлиқлиги асосида немис тили ономастик фразеологизмлари таснифини амалга ошириб, икки тилнинг лексикографик манбалари ҳамда немис бадиий адабиёти намуналарининг рус тилига таржималари асосида ономастик компонентли ФБларнинг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил қилган. Унинг фикрича: «Тил маданиятнинг компоненти сифатида уни сақлаб, авлодан-авлодга етказишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Тилда айнан фразеология лисон ва маданиятнинг алоқалари туташган жойда яққол намоён бўлади»², дейди.

Ономастик компонентли ФБларнинг миллий-лисоний хусусиятлари Г.С.Қурбонованинг илмий тадқиқот ишида ҳам ўз аксини топган бўлиб, олима француз ва ўзбек тиллари доирасида ономастик компонентли ФБларнинг келиб чиқиш манбаларини таҳлилга тортган³. Олиманинг фикрича, «исмлар билан боғлиқ фразеологик бирликлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, жамиятнинг маданияти ва ижтимоий ҳаётини акс эттиради»⁴. Лекин, Г.С.Қурбонова таркибида фақат антропоним ва топоним иштирок этган ФБларни қиёсий ўрганган ва таснифлаган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки, қисман ва тўлиқ кўчма маъно касб этиб, тилда тайёр ҳолда истеъмолда қўлланиладиган барқарор бирикмалар хоҳ у матал, мақол, ибора ёки ҳикматли сўз бўлсин, уларнинг барчаси ФБлар таркибида ўрганилади ва ҳар бир тилнинг миллий бўёқдор

¹Ловянникова В.В. Ономастическая фразеология в лингвокультурологическом аспекте: на материале немецкого языка: Дисс. канд. филол. наук. – Владикавказ, 2008. – 260 с.

²Ўша манба. – Б. 15.

³Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2019. – 50 б.

⁴Ўша манба. – Б. 38.

лисоний бирликлари ҳисобланади. Ономастик компонентли ФБлар эса тилшуносликнинг фразеология ва ономастика бўлимлари орасидаги лингвистик ҳодисадир. Қолаверса, ономастик компонентли ФБларда миллий-маданий хусусиятларнинг намоён бўлиши ономастика ва фразеологиянинг лингвомаданиятшунослик йўналиши билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Шунинг учун инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик таркибли ФБларни ягона тизимга солиб, махсус тадқиқ этиш, уларнинг этимологияси, таркиби, семантикасини очиб бериш ва таснифини ишлаб чиқиш тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Қардош бўлмаган уч тил доирасида миллий бўёқдор ФБларнинг ментал хусусиятларини ўрганиб, уларнинг таржимада берилишида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш, фразеология, ономастика, лингвомаданиятшунослик ва таржимашунослик йўналишларида қиёсий тадқиқотлар олиб бориш керак бўлади.

§ 1.2. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг шаклланиш омиллари

Дунё тиллари тизимида ономастик компонентли ФБларнинг бир неча таснифи амалга оширилган. Бу таснифлар асосан, ФБларнинг шаклланиш омиллари асосида таҳлил қилинган. ФБларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқламасдан туриб, уларнинг лисоний ва миллий-маданий хусусиятларини ўрганиб бўлмайди. Албатта, миллий ФБларнинг ижодкори халқ бўлиб, улар бевосита халқнинг турмуш тарзи, анъана ва урф-одатлари билан боғлиқ бўлади. ФБлар миллат тарихи ва маданиятини тил орқали ўрганишда ўтмишдан акс-садо берувчи кўприк вазифасини ўтайди. ФБларнинг шаклланиши узок ўтмишга бориб тақалади. Инглиз, рус ва ўзбек тиллари қардош бўлмаганлиги сабабли уларни ягона лингвистик тизимга солиб, ҳар учала тилларда учрайдиган ономастик компонентли ФБларнинг шаклланиш омилларини ўрганиш ва уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонларини аниқлаш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалардан бири сифатида қаралади.

Ономастик бирликлар манбаи дунё халқларининг қадим тарихи, турмуш тажрибаси, яшаш тарзи, дунёқараши билан

боғлиқ ҳолда ФБлар таркибида «яшаб келади». Бундай миллий-маданий ФБлар шу жиҳатдан ўзининг келиб чиқиш асосларига эга. Масалан, рус тилшуноси Л.А.Булаховский ФБларнинг пайдо бўлиш манбаларини қуйидагича кўрсатади¹:

1. Мақол ва маталлар асосида шаклланган;
2. Касб-ҳунарга оид сўзлар асосида келиб чиққан;
3. Латифа ва ҳазиллар асосида истеъмолга кирган;
4. Инжилдаги образ ва парчалар орқали юзага келган;
5. Антик дунё мамлакатлари маданиятининг таъсири остида вужудга келган;
6. Хорижий ифодалар таржимаси асосида шаклланган;
7. Ижодкорларнинг ҳикматли сўзлари билан истеъмолга кирган;
8. Машҳур кишиларнинг ҳаётий фикрлари орқали кириб келганлигини таъкидлайди.

А.М.Бабкин эса ФБларнинг келиб чиқиш манбаларини сўзлашув нутқи (асосий манба), ёзувчи тили, фольклор ва чет тили материалларига боғлайди².

Н.Д.Фомина ва М.А.Бакиналарнинг фикрича, бир қатор фразеологизмларнинг келиб чиқиш манбалари кундалик турмуш, қадриятлар, урф-одатлар ва диний эътиқодлар билан боғлиқ. Фразеологиянинг бой манбаси сифатида халқ оғзаки ижоди, хурнармандларнинг нутқи ва халқнинг турмуш тарзи ҳисобланади. Муаллифлар ўзлашган ФБларнинг манбаларини эски славян тили, Ғарб-Европа тили ва адабиёти ҳамда халқаро доирадаги фразеологизмлар гуруҳи билан боғлайдилар³.

Юқорида айтиб ўтилганидек, А.В.Кунин замонавий инглиз тилидаги ФБларнинг келиб чиқиш манбаларини ўрганиб, уларни 3 та гуруҳга бўлди⁴:

¹Булаховский Л.А. Курс русского литературного языка. В 2-х томах. Т.1. – Киев: Рад. Школа, 1952. – С. 102-103.

²Бабкин А.М. Русская фразеология, ее развитие, источники и лексикографическая разработка: Автореф. докт. дисс. филол. наук. – Ленинград, 1968. – С. 12.

³Фомина Н.Д., Бакина М.А. Фразеология современного русского языка. – Москва: Изд-во университета дружбы народов, 1985. – С. 23-26.

⁴Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – Москва: Международные отношения, 1972. – С. 22.

1. Қадимий инглиз ФБлари: *according to Cocker; Hobson's choice*;

2. Чет тилларидан ўзлашган ФБлар: *Cassandra warning; the Trojan horse*;

3. Америка инглиз тили шевасидан ўзлашган ФБлар: *according to Gunter; Harvey Wallbanger*.

Ономастик компонентли ФБларни немис, инглиз ва рус тиллари материали асосида қиёсий тадқиқ қилган ўзбек олимларидан бири К.Назаров бўлиб, у таркибида атоқли отлар мавжуд инглиз тили ФБларининг этимологик характеристикасини ишлаб чиққан¹. Бу этимологик кўриниш қуйидагича таснифланган:

1. Қадимий инглиз ФБлари:

А) бадиий асарлар, публицистика, шунингдек, болалар шеърлари, ўйинлари ва эртаклари асосида;

Б) тарихий шахслар, воқеа-ҳодисалар, фактлар асосида;

В) ҳар хил фаолият турлари асосида шаклланган ФБлар.

2. Ўзлашган ФБлар:

А) инглиз тилининг Америка шевасидан ўзлашган;

Б) бошқа тиллардан ўзлашган ФБлар (библеизмлар, антик мифология, тарих ва адабиёт билан боғлиқ, шунингдек, лотин, француз тилларидан ва бошқа турли йўллар билан ўзлашган ФБлар).

А.Э.Маматовнинг фикрича, «Ўзбек тилида фразеологизмларнинг кўпи инсоннинг ҳаёти, турмуш тарзи, фаолияти, жисмоний ҳолати билан боғлиқ равишда яратилади ... Фразеологизмлар нолисоний ва лисоний омиллар асосида шаклланади. Нолисоний омиллар ташқи таъсир бўлиб, бунда тил жамоасининг у ёки бу ҳодиса, ҳолат, характерларни образли экспрессив ифодалаш эҳтиёжидир»².

Дарҳақиқат, ономастик компонентли ФБлар муайян халқ ижодининг маҳсули бўлганлиги учун ҳам уларнинг

¹Назаров К. Сопоставительное исследование фразеологических единиц с ономастическим компонентом немецкого, английского и русского языков: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – С. 89-90.

²Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 38.

семантикасида ўша тилда сўзлашувчи жамият кишиларининг ижтимоий ҳаёти, тарихи, маданияти, халқ оғзаки ижоди ва урф-одатлари ифодаланиб, миллий хусусиятлар касб этади ва жамият ривожлангани сайин лисоний ва нолисоний омиллар сабаб улардаги семантик ва структуравий ўзгаришлар кузатилади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий тузум ўзгариши билан эски номлар, исмларнинг ўрнига янгилари юзага келади.

Таркибида атоқли отлар қўлланган ФБларнинг қиёсий таҳлилини ўз тадқиқотларида ўрганган рус олималаридан яна бири Г.Р.Ганиева бўлиб, у инглиз, рус ва татар тилларида таркибида атоқли отлар мавжуд бўлган ФБларнинг келиб чиқиш асосларинини этимологик нуқтаи назардан таснифлаган¹:

1. Миллатнинг кундалик турмуш тарзи, халқ оғзаки ижоди, тарихи ва адабиёти билан боғлиқ ономастик компонентли ФБлар;

2. Инжил ва Қуръони Каримдан ўзлашган атоқли отлар билан келган ФБлар;

3. Антик мифология билан боғлиқ ономастик таркибли ФБлар.

З.В.Корзюкова ҳам инглиз ва рус тили материали асосида А.В.Куниннинг қарашларига таяниб, таркибида атоқли от қатнашган фразеологизмларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

I. Қадимий инглиз ФБлари.

II. Ўзлашган ФБлар.

III. Америка ва Австралия инглиз тилларидан ўзлашган ФБлар².

Шуни айтиб ўтиш жоизки, тилда ономастик таркибли ФБларнинг компонентини аксарият ҳолларда киши ва жой номлари ташкил этади. Айрим тадқиқотлар таркибида киши номлари иштирок этган ФБларни ўрганишга бағишланган бўлиб, уларнинг келиб чиқиш асослари алоҳида манбалар асосида таҳлил қилинган³.

¹Ганиева Г.Р. Фразеологические единицы с компонентом именем собственным в английском, русском и татарском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 2010. – С. 14-15.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национальная культурная специфика: Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 152.

³Раджабова М.А. Инглиз тилида киши номлари билан келган фразеологизмларнинг келиб чиқиш тарихи // БухДУ Илмий ахбороти. – Бухоро, 2011. – №2 (8). – Б.70-73.

ФБларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишдан олдин шу тилда сўзлашувчи миллатнинг миллий маданиятини ўрганиш зарурдир.

Киши номлари билан ифодаланган ФБлар келиб чиқиш тарихини ўрганишда уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Таркибида тарихий шахсларнинг номлари учрайдиган ФБлар:

А) «**Honest (or old) Abe**» – «*ростгўй (ёки қари) Эйб*», Америка президенти Авраам Линкольн (1809-1865 йиллар)нинг тахаллуси¹.

Б) «**A banquet of Lucullus**» (ёки Lucullan, Lucullean, Lucullian banquet) – «*тўкин зиёфат*», «*ажойиб ҳадя*». Келиб чиқиши қадимий латин тилидан. Милоддан аввал II-I асрларда қадимги Римнинг бой одами ва қўмондони номидан келиб чиққан².

2. Инжилда номлари тилга олинган инсонларнинг исмлари билан келган ФБлар:

А) «**Adam's ale**» (ёки wine) – «*ҳазил*», «*Адам шароби*» (*виноси*), «*сув*». Мазкур ФБ «Адам» – Ер юзидаги биринчи одамзот «Одам» (Одам Ато) номи билан боғлиқ³.

В) «**Daughter of Eve**» (**Eve's daughter**) – «*аёл*», «*қиз бола*». «Ева» (Момо Ҳаво) – худо томондан яратилган биринчи аёл бўлиб, у тақиқланган мевани қизиққонлиги туфайли еб, оқибатда жаннатдан ҳайдалган⁴.

3. Инглиз халқи оғзаки ижодидаги шахс номлари акс этган ФБлар:

А) «**A smart Aleck**» (оғзаки нутқда учрайди) – 1) «*ўзига ишонган*», «*сурбет*». «*Smart-alecky*» шаклида дастлаб америкаликларнинг оғзаки нутқда ишлатилган, 2) «*бемаъни ўспирин*», «*танбал*», «*такасалтанг*»; 3) «*маҳмадона*» маъносида⁵.

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 25.

² Ўша манба. – Б. 64.

³ Ўша манба. – Б. 30.

⁴ Ўша манба. – Б. 197.

⁵ Ўша манба. – Б. 37.

Б) «Cousin Betty» – «ақли паст», «ахмоқ», «тентак» маъноларида инглизларнинг оғзаки нутқида учрайди¹.

4. Таркибида шахс номлари акс этган ва ўзга тиллардан кириб келган ФБлар:

А) «Bacchus has drowned more men than Neptune» – «Бахус Нептундан кўра кўпроқ одамларни сувга чўктирди» ёки «май денгиздан кўра кўпроқ одамларни нобуд қилди». Бу мақолнинг этимологик келиб чиқиши француз халқига тегишли бўлиб, «Bacchus a noye plus d’hommes que Neptune»²дир.

Б) «Jack in the low cellar» – «ҳали тугилмаган чақалоқ», «она қорнидаги бола». Бу ФБни дастлаб голландияликлар ишлатган³.

5. Таркибида киши номлари бўлган, лекин эскириб қолган ФБлар:

А) «Merry Andrew» (шунингдек, Merry-Andrew ёки merry-andrew) – «қизиқчи», «масхарабоз». Айни пайтда мазкур ФБ инглиз тилида истъмолдан қолган⁴.

6. Афсонавий шахсларнинг номлари билан боғлиқ бўлган ФБлар:

А) «In the arms of Morpheus» – «Морфейнинг қучоғида», «уйқуда». Ушбу ФБ ҳазил тариқасида ишлатилади. Морфей – қадимги юнон афсоналарига кўра, «уйқу ва туш худоси» сифатида талқин этилади⁵.

Б) «The Hermatic art» – «алкимё». Ўрта асрларда оддий металлларни олтин ёки кумушга айлантирувчи «ҳикмат тоши» – иксир излаш билан шуғулланадиган хаёлий фан, бу ФБ «сеҳрли тамға орқали идишни ҳаво ўтказмайдиган қилувчи қадимги юнон худоси» – Гермес номидан келиб чиққан⁶.

7. Инглиз халқи санъати ва адабиётида учрайдиган шахс номлари билан боғлиқ ФБлар:

¹ Ўша манба. – Б. 184.

² Ўша манба. – Б. 56.

³ Ўша манба. – Б. 413.

⁴ Ўша манба. – Б. 43.

⁵ Ўша манба. – Б. 48.

⁶ Ўша манба. – Б. 50.

А) «**Laugh like little Audrey**» – «кичкиной Одри каби кулмоқ» (сўзма-сўз таржима), «юракдан кулмоқ», «бепарво бўлиб кулмоқ». Мазкур ФБ У.Шекспирнинг «Бу сизга қандай ёқади?» комедиясида иштирок этувчи персонаж номидан келиб чиққан¹.

Б) «**Barkis is willin**» – «Баркис жон деб турибди» (сўзма-сўз таржима), «ҳеч қандай эътироз йўқ» маъносида. Мазкур ФБ Ч.Диккенснинг «Давид Копперфилд» романидан олинган бўлиб, инглизларнинг оғзаки нутқида учрайди. Аравакаш Баркис бир неча бор хизматкор қиз Пеготтига уйланишни таклиф қилганда, у ўз қалб сўзларини шу ибора билан бошлаган².

8. Келиб чиқиши номаълум шахс номлари билан боғлиқ ФБлар:

А) «**Davy Jones**» – «ёвуз денгиз арвоҳи», «денгиздаги қабр», «денгиз тубидаги қабр» маъноларида. Ушбу ФБнинг келиб чиқиши аслида ноъмалум. Бруэр(Brewer)нинг фикрича, Гарбий Ҳиндистон аҳолисининг тасаввурига кўра, «*Duffy*» ёки «*Duppy Jones*» – ёвуз арвоҳ. Ушбу ФБ илк бор Т.Смоллетт томонидан 1751 йилда адабиётга киритилган³.

Келтирилган таснифлардаги мисолларнинг рақам ва фоиз кўрсаткичлари А.В.Куниннинг «Англо-русский фразеологический словарь» (1984) манбаси асосида қуйидаги жадвалда акс этди:

1-жадвал

1.	Таркибида тарихий шахсларнинг номлари учрайдиган ФБлар	58	21,6%
2.	Инжилда номлари тилга олинган инсонларнинг исмлари билан келган ФБлар	30	11,2 %
3.	Инглиз халқи оғзаки ижодидаги шахс номлари акс этган ФБлар	71	26,4 %
4.	Таркибида шахс номлари акс этган ва ўзга тиллардан кириб келган ФБлар	19	7 %
5.	Таркибида киши номлари бўлган, лекин	14	5,2 %

¹ Ўша манба. – Б. 53.

² Ўша манба. – Б. 66.

³ Ўша манба. – Б. 198.

	эскириб қолган ФБлар		
6.	Афсонавий шахсларнинг номлари билан боғлиқ бўлган ФБлар	31	11,5 %
7.	Инглиз халқи санъати ва адабиётида учрайдиган шахс номлари билан боғлиқ ФБлар	44	16,3 %
8.	Келиб чиқиши номаълум шахс номлари билан боғлиқ ФБлар	2	0,7 %

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, инглиз тилида шахс номлари иштирок этган ФБларнинг аксарият қисми тарихий кишиларнинг номлари ҳамда халқнинг оғзаки нутқида учрайдиган исмлар билан боғлиқ.

Юқорида турли тилларда ФБларнинг шаклланиш манбаларини ўрганиш бўйича олимларнинг ишлаб чиққан бир неча таснифлари келтирилди. Қуйида инглиз, рус ва ўзбек тилларида ономастик компонентли ФБларнинг шаклланиш манбаларини, ягона лингвистик тизим асосида уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини мисоллар орқали аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Айтиб ўтилганидек, З.В.Корзюкова инглиз ва рус тиллари материали асосида А.В.Куниннинг қарашларига таяниб, таркибида атоқли от қатнашган ФБларни 3 гуруҳга бўлади¹. Айни пайтда олима уларнинг ҳар бирини яна ички турларга ажратиб ўрганган. Жумладан, **І. Таркибида атоқли отлар қатнашган қадимий инглиз ФБлари.**

1. Инглиз реалиялари билан боғлиқ ФБлар, бунга олима келиб чиқиши соф инглизча бўлган исмлар, инглиз графликлари, ороллар, ярим ороллар, шаҳар ва дарёлар, диққатга сазовор жойлар, шунингдек, таркибида London, England, English каби сўзлар қатнашган ибораларни киритади: *live in Bermudas, in plain English*;

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 153-165.

2. Инглиз олимлари, қироллар ва машҳур кишиларнинг номлари билан боғлиқ ФБлар: *queen Ann (Elizabeth) is dead; mother Bunch;*

3. Инглиз адабиёти намуналарида учрайдиган персонажлар ва ҳикматли сўзлар муаллифларининг номлари билан боғлиқ ФБлар: *Vox and Cox; British lion; Canterbury story; Cheshire cat;*

4. Инглиз халқининг анъаналари ва урф-одатларини ифода этувчи ФБлар: *East or West home is best; an Englishman's home (house) is his castle;*

5. Инглиз ривоятлари билан боғлиқ ФБлар: *Fortunatus's cap; king Log;*

6. Тарихий фактлар билан боғлиқ ФБлар: *Kilkenny cats; the Newgate Calendar;*

7. Ҳарбийлар ва денгизчиларнинг касбига оид жаргонлардан кириб келган ФБлар: *Big Berta; British warm; mother big John;*

8. Таркибида астронимлар қатнашган ФБлар (шунингдек, сайёралар, Ер юзи томонлари, ой ва ҳафта номлари): *black Friday; full of the Moon/*

II. Таркибида атоқли отлар қатнашган ва ўзлашган ФБлар. Бу гуруҳ ФБлари ҳам ўз навбатида, майда гуруҳларга ажратилади.

1. Библизмлар: а) таркибида Адам (Одам алайҳиссалом) исми қатнашган ФБлар: *Adam's rib; son of Adam;* б) Иусус Христос (Исо алайҳиссалом) номи билан келган ФБлар: *Christ be with you! for Christ's sake!;* в) Инжилда тилга олинган қахрамонларнинг номлари билан боғлиқ бўлган ФБлар: *Aaron's rod; sham Abraham;* г) Инжилдан келтирилган халқ номлари билан боғлиқ ФБлар: *Egyptian darkness; Gog and Magog;* д) Инжилда учрайдиган топоним компонентли ФБлар: *(the) tower of Babel; bull of Bashan.*

2. Турли тиллардан (тиллараро) ўзлашган атоқли отлар билан келган ФБлар. Олиманинг таъкидлашича, бу каби ФБларнинг катта қисми антик мифология, тарих ва адабиёт билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Бу гуруҳни ҳам З.В.Корзюкова қуйидагича таснифлайди: а) қадимий Юнонистон афсона ва ривоятларидан кириб келган инглиз ФБлари: *Achilles' heel (the heel of Achilles);* б) латин тили ва қадимий Рим афсоналаридан

кириб келган инглиз ФБлари: *Cupid's bow; Lares and Penates*; в) персонажларнинг исмлари, бадий асарларнинг номлари, шунингдек, чет эл муаллифларининг ҳикматли сўзлари билан боғлиқ инглиз ФБлари: *Aladdin's palace; Attic salt*; г) тарихий фактлар ва машҳур инсонларнинг исмлари билан боғлиқ инглиз ФБлари: *Aesopian (Aesopic) language; (the) Augustan age*; д) француз тили ва адабиётидан ўзлашган инглиз ФБлари: *Arcadia (Arcadyf; Arcadian) simplicity; Buridan's ass*; е) бошқа тиллардан ўзлашган инглиз ФБлари: *glory to Allah!; Arabian bird; Lucullean banquet*.

III. Тилнинг ички имкониятлари асосида шаклланган ФБлар. Ушбу гуруҳдаги ФБлар АҚШ ва Австралия инглиз тили вариантидан кириб келган:

1. Келиб чиқиши жиҳатидан инглиз тилининг Америка вариантыга мансуб ономастик компонентли ФБлар. Бу гуруҳ ФБлари ҳам уч хил кўринишга эга: а) Америка реалиялари билан боғлиқ ФБлар: *Acapulco gold; American plan*; б) АҚШнинг машҳур кишилари номлари билан боғлиқ ФБлар: *father Abraham; according to Gunter*; в) Америка адабиёти намуналари ва персонажлари номлари билан боғлиқ ФБлар: *(a wise) man of Gotha; to keep up with the Joneses*.

2. Инглиз тилининг Австралия варианты асосида келиб чиққан ФБлар: *Botany Bay; not for all tea in China*.

Эътибор берилса, З.Корзюкова ономастик компонентли ФБларни тасниф этишда инглиз халқи менталитети, фольклори, дини, урф-одатлари, географияси сингари деярли барча жиҳатларни инобатга олган. Шунинг учун ҳам бу йўналишда яхлит тизим юзага келган. Айни пайтда олима рус тилшунослиги нуқтаи назаридан ҳам ономастик компонентли ФБларни ўрганган ва уларнинг асосли таснифини амалга ошираган¹:

I. Атоқли отлар билан келган қадимий рус ФБлари:

1. Рус реалиялари асосида келиб чиққан ФБлар. Ушбу гуруҳга олима келиб чиқиши жиҳатидан соф рус тилига мансуб исмлар, фамилиялар, шаҳарлар, губерниялар, вилоятлар, дарёлар, диққатга сазовор жой номлари ва шунингдек, таркибида «рус» сўзи қатнашган ФБларни киритади. Бу ФБлар ҳам ўз навбатида

¹Ўша манба. – Б. 235-249.

яна ички гуруҳларга бўлинади: а) таркибида асл рус антропонимлари қатнашган ФБлар: *тётка Арина надвое говорила; Ванька дома – шапки нет, шапка дома – Ванки нет; показать Кузькину мать;* б) таркибида рус топонимлари ва этнонимлари қатнашган ФБлар: *язык до Киева доведет; русская рулетка;* в) соф рус бўлмаган ФБлар: *петь с Вавилонами; Китайские церемонии.*

2. Олимларнинг исмлари ва мамлакатнинг машҳур кишилари номлари билан боғлиқ рус ФБлари: *шапка Мономаха; Шемякин суд;*

3. Рус адабиёти намуналарида исмлари тилга олинган персонажлар, эртакларнинг номлари ҳамда машҳур инсонларнинг ҳикматли сўзлари билан боғлиқ ФБлар: *доктор Айболит; Эллочка – людоедка;*

4. Рус халқи урф-одатлари ва анъаналарини тасвирловчи ФБлар: *играть на Демидов счёт; брось Емеля, не твоя неделя;*

5. Ривоятлар билан боғлиқ ФБлар: *Иван-царевич; куда Макар телят не гонял;*

6. Тарихий фактлар билан боғлиқ ФБлар: *Белгородский кисель; Казанская (казанский) сирота; от копеечной свечи (свечки) Москва сгорела;*

7. Таркибида астронимлар қатнашган ФБлар: *быть между небом и Землей; как (будто/словно/точно) сквозь Землю провалился.*

II. Ўзлашган рус ФБлари. Бу гуруҳдаги ФБларни олима яна қуйидагича таснифлайди:

1. Библизмлар: а) таркибида Адам номи қатнашган ФБлар: *ветхий Адам; сын Адама;* б) Иусус Христос (Исо а. с.) номи қатнашган ФБлар: *Христова невеста; Христос с тобой;* в) Инжил қахрамонларининг номи қатнашган ФБлар: *в костюме Евы; мудрый как Соломон;* г) Инжилдан келтирилган халқ номлари билан келган ФБлар: *Гог и Магог (Гога и Магога); добрый Самаритянин;* д) Инжилда тилга олинган топоним компонентли ФБлар: *казнь Египетская; переправиться через Стикс.*

2. Турли тиллардан (тиллараро) ўзлашган атоқли отлар билан келган ФБлар: а) қадимий Юнонистон афсона ва ривоятларидан кириб келган рус ФБлари: *Авгиевы конюшни; Геркулесов труд; огни св.Эльма;* б) лотин тили ва қадимий Рим

афсоналаридан кириб келган рус ФБлари: *до Греческих календ; колесо Фортуны*; в) персонажларнинг исмлари, бадий асарларнинг номлари, шунингдек, чет эл муаллифларининг ҳикматли сўзлари билан боғлиқ рус ФБлари: *Арабские сказки; Британский лев*; г) тарихий фактлар ва машҳур инсонларнинг исмлари билан боғлиқ рус ФБлари: *век Августа; Американский дядюшка*; д) француз тили ва адабиётидан ўзлашган рус ФБлари: *Бальзаковский возраст; Татарен из Тараксона*; е) бошқа тиллардан ўзлашган рус ФБлари: *слышать крылья Азраила; туманный (коварный) Альбион; Китайский синдром*.

Ички тил имкониятлари асосида шаклланган ФБлар эса рус тилида мавжуд эмас. Мазкур манбаларга эътибор берилса, инглиз ва рус тиллари лексик қатламида ономастик компонентли ФБларнинг шаклланиш асослари деярли бир хил. Фақат, рус тилида тилнинг ички имкониятлари асосида шаклланган ҳамда ҳарбийлар ва денгизчиларнинг касбига оид жаргонлардан кириб келган ФБлар мавжуд эмас, чунки рус ва инглиз тилларининг фразеологик қатлами қанчалик ўхшаш бўлмасин, географик жойлашиш ҳамда халқларнинг ўзига хос ментал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тиллар орасида биров фарқлар кузатилади. Яна бир жиҳатга диққат қаратиш зарур, З.В.Корзюкова ономастик компонентли фразеологизмларнинг мукамал таснифини ярата олган ва ўз тадқиқотида бу ФБларнинг келиб чиқиш омилларини тўғри изоҳлаган. Бунда рус ва инглиз халқларига хос муштарак хусусиятлар ва миллий тафовутлар инобатга олинган. Шу ўринда бир мулоҳаза: маълумки, ФБ деганда икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топиб, маъноси бир сўзга тенг келадиган ва тўлиқ ёки қисман кўчма маъно англатувчи барқарор бирикмалар тушунилади. Бироқ, З.В.Корзюкова бир сўздан иборат (*Barabbas, Azazel, Bony*) бирликларни ҳам ФБ сифатида талқин этади. Бунга қўшилиш қийин. Бизнингча, олима бунда бир сўз (компонент)дан иборат бирликни ибора деб мисол келтирганда, унинг рамзий кўчма маънода ишлатилишини назарда тутган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ФБлар чуқур ўранилган бўлса-да, ономастик компонентли ФБлар деярли тадқиқ этилмаган. Фақатгина Г.С.Қурбонованинг илмий изланишларида ўзбек

тилидаги ономастик компонентли ФБларнинг миллий-маданий хусусиятлари аниқланганлиги ва келиб чиқиш манбаларининг асосланганлигини кўришимиз мумкин¹. Аксарият ФБлар таркибида ономастик компонент сифатида киши исмлари ва жой номлари келганлиги боис олима антропоним ва топоним компонентли ФБларнинг таҳлили билан чекланиб қолади, холос. Лекин, ўзбек тилининг илдизлари ўзининг қадимий халқ оғзаки ижоди ва тарихи билан узоқ ўтмишга бориб тақалгани боис, унинг фразеологик қатламида мавжуд ономастик компонентли ФБларнинг фонди жуда бой ва биз бу серқирра қатламнинг шаклланиш манбаларини таснифлашга ҳаракат қиламиз (қуйидаги таснифларда ўзбек тилидаги мисолларнинг аксарият қисми Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг «Маънолар махзани»² китобидан, Ҳ.Бердиёров, Р.Расуловларнинг «Ўзбек тилининг паремиологик луғати»³ ҳамда М.Абдурахимовнинг «Краткий узбекско-русский фразеологический словарь»⁴ луғатидан олинди).

I. Таркибида атоқли отлар иштирок этган ўзбек ФБлари:

1. Ўзбек реалиялари билан боғлиқ ФБлар. Бу гуруҳга кирувчи ФБларга таркибида асл ўзбек исмлари, жой номлари қатнашган ибораларни киритишимиз мумкин: *Ҳазил, ҳазилни тушунмаган – кал Фозил; Илёсхўжа – кечаги жўжа; Пашиша «гинг-гинг» этади, Марғилонга этади; Мард бўлсанг, Эскижўвада ҳангра* (Эскижўва – қадимда Тошкентнинг энг катта бозори жойлашган жой номи)⁵.

¹Курбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2019. – Б. 13-20.

²Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – 448 б.

³Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 237 б.

⁴Абдурахимов М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент: Ўқитувчи, 1990. – 184 с.

⁵Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 207.

2. Ўзбек олимлари, подшоҳлар ва машҳур кишиларнинг номлари билан боғлиқ ФБлар: *Асфандиёр хон бўлди, оғзи-бурним қон бўлди; Келинлик Бедилхонликдан қийин¹; Маҳмуднинг қадами етган ерларда ўт ўсмас.*

3. Ўзбек адабиёти намуналари ва халқ оғзаки ижодида учрайдиган персонажларнинг номлари билан боғлиқ ФБлар: *Лайлини кўриш учун Мажнуннинг кўзи керак; Оти бор – Алтомиш; Қишлоқда одам қолмаса, эчкининг оти «мулла Норқўзи» бўлади; Сувдан кетгунча эчкига «Рустам достон» дерлар.*

4. Ўзбек халқининг урф-одатлари асосида шаклланган ФБлар: *Рамазон айтган билан тўяманми, бурунгининг одатини қўяманми; Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.*

5. Ўзбек ривоятлари билан боғлиқ ФБлар: *Аёз, кўрган кунинг унутма, кўн чирогинг қуритма; Аямажуз-олти кун, қаҳр айласа қаттиқ кун; Бир қўйликни минг қўйлик қилган - Арслондининг ери, минг қўйликни бир қўйлик қилган - Арслондининг ели.*

6. Тарихий шахслар ва тарихий фактлар билан боғлиқ ФБлар: *Бўжи келди, Бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди; Мирзаи азимда минг Хоруннинг хазинаси-ю, туман Жамшиднинг давлати бор.*

7. Чорвачилик ва деҳқончилик касби билан боғлиқ ФБлар: *Савр кирди – экинларга давр кирди; Сунбуланинг кўраги – гўсаланинг хўраги; Саратон – сара экиш, қолаверса – тариқ экиш.*

8. Таркибида астронимлар ва космонимлар қатнашган ФБлар (шунингдек, сайёралар, юлдузлар, Ер юзи томонлари, ой, ҳафта ва бурж номлари): *Хулкар уйдан кўринса, уч ойдан сўнг – ёз; Қароқчининг суянгани – «Олтин қозик» («Олтин қозик» бу ерда Қутб юлдузи маъносида)²; Жавзо кирмай ёз бўлмас, қавс кирмай қиш бўлмас; Ой чалқанча тугса – ой бўйи аёз.*

¹Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 122.

²Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 245.

II. Таркибида атоқли отлар қатнашган ва ўзлашган ФБлар. Бу гуруҳ ФБлари ҳам ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинади.

1. Диний тушунчалар билан боғлиқ ФБлар:

а) таркибида Аллоҳнинг номи иштирок этган ФБлар: *жонини Жабборга бериб*¹ (бу ерда Жаббор – Аллоҳнинг номларидан бири); *Даъвогаринг подшоҳ бўлса, арзингни Аллоҳ эшитсин; Аллоҳга ёқайин десанг, азонинг бўлсин, қозига ёқайин десанг, қозонинг бўлсин; Ота ризоси – Аллоҳ ризоси;*

б) пайғамбарларнинг номлари билан келган ФБлар: *Исо ҳам ўз йўлига, Мусо ҳам ўз йўлига; Исонинг аламини Мусодан олмоқ; Сулаймон ўлди, девлар қутилди;*

в) авлиё ва айрим бошқа теонимларнинг номлари иштирок этган ФБлар: *Сувдан ўтгунча ё Баҳовуддин, сувдан ўтгач, қоч Баҳовуддин; Кўнда Хизр бор; «Қизил»ни кўрса, Хизр ҳам йўлдан озади; Мол молга етгунча Азроил жонга етади;*

г) Қуръони Карим ҳикоятларида тилга олинган персонажлар номи билан келган ФБлар: *Борида Ҳотам, йўғида мотам*²; *Абу Жаҳл тарвузи*³;

д) Қуръони Каримда учрайдиган топоним компонентли ФБлар: *Минг Макка зиёратидан бир кўнгил иморати яхши*⁴; *Эшак Маккага боргани билан ҳалол бўлмас, яхши сўз кўп айтилса ҳам, малол бўлмас*⁵; *Онангни уч марта Маккага опичиб оборсанг ҳам, оқ сутини оқлолмайсан; Амри надар – Аршдан аъло* (бу ерда Арш – осмоннинг саккизинчи қавати, жаннатнинг энг юқори қисми)⁶.

¹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 98.

²<https://ziyouz.uz/hikmatlar/ozbek-xalq-maqollari/imkon-va-imkonsizlik-haqida-maqollar/>

³Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири (қайта ишланган 5-нашри). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – Б. 259.

⁴Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 144.

⁵Ўша манба. – Б. 238.

⁶Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 14.

2. Турли тиллардан ўзлашган атоқли отлар билан келган ФБлар:

а) Марказий Осиё халқлари тилларидан кириб келган ФБлар: *«Палов» деса, Пайшанбага чопади, «дўлма» деса, Душанбага чопади* (Пайшанба, Душанба – Тожикистондаги шаҳарлар номи)¹; *Эшонбозорда ит ўлса, «йигирма»сидан қуруқ қолмайди* (Эшонбозор – Жанубий Қозоғистондаги катта бир қишлоқнинг номи)²; *Отбоши, Арпа еринда ҳориди от, от отанг бўлса, қозиқни қоқ-да, ёт* (Арпа – Қирғизистон ҳудудида жойлашган яйловнинг номи)³; *Одам билан одам тенгму, Арис билан Бодом тенгму?* (Арис – Чимкент яқинидан ўтадиган кичик бир дарё, Бодом – Чимкент шаҳрининг ичидан ўтадиган анҳор)⁴;

б) Яқин Шарқ халқларининг оғзаки ижоди ҳамда афсона ва ривоятлари асосида шаклланган ономастик компонентли ФБлар: *Бир ақлсизга ақл бергандан, Қоф тоғини эгов билан ун қилган осон* (Қоф –Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида тилга олиган афсонавий тоғнинг номи)⁵; *Алоуддиннинг сеҳрли чироғи*⁶; *тухуми Богдоддан келган*⁷; *Насиб қилса – келур Шому Ироқдин, насиб қилмаса кетур қошу қовоқдин; Ҳар кимнинг ўз юрти – ўзига Миср*;

в) Узоқ Шарқ халқлари оғзаки ижоди билан боғлиқ ФБлар: *Хитой девори*⁸; *Фил тушида Ҳиндистонни кўрар*⁹; *Отаси шаҳар кўрмаганнинг боласи Шанхай кўрибди (Шанхай – Хитойдаги шаҳар)*¹⁰;

¹Ўша манба. – Б. 293.

²Ўша манба. – Б. 294.

³Ўша манба. – Б. 265.

⁴Ўша манба. – Б. 239-240.

⁵Ўша манба. – Б. 70.

⁶<https://kitobxon.com/uz/kitob/alovuddinining-sehrli-chirogi>

⁷Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2019. – Б. 20.

⁸Ўша манба. – Б.18.

⁹Ўша манба. – Б. 197.

¹⁰Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 267.

г) чет эл шоир ва ёзувчилари асарларининг таржималари асосида кириб келган ФБлар: *Американи кашф этмоқ*¹; *Эзон тили*²;

д) бошқа тиллардан ўзлашган ўзбек ФБлари: *Пулинг бўлса халтада дам оласан Ялтада*³; *Бойлик десанг қоп-қоп, бир пул десанг Аштархондан топ.*

Юқоридаги олиб борилган таҳлил ва таснифлар асосида шуни айтиш мумкинки, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБларнинг аксарият қисми халқнинг ўтмиш тарихи, қадимий урф-одат ва анъаналари, бадий мероси, миллат фольклори, кундалик турмуш тарзи, диний қарашлари асосида шаклланиб, ўзга халқлар билан ўрнатган маданий алоқалари орқали ҳам кириб келган. Инглиз ва рус тилларидаги ономастик компонентли ФБларнинг шаклланиши деярли фарқланмайди. Айтиб ўтганимиздек, рус тилида ҳарбий ва денгизчиларнинг касбига оид жаргонлардан кириб келган ва тилнинг ички имкониятлари асосида шаклланган ФБлар учрамайди. Бунинг сабаби, инглиз халқи ўтмишда бир неча қитъаларга ҳарбий юришлар қилиб, ўз мамлакати ҳудудини кенгайтиради. Ҳарбий юришлар океан йўли орқали амалга оширилгани ва бир неча қитъаларда инглизларнинг ҳукмронлиги тарихда асрлар давомида давом этгани боис инглиз тилининг Америка, Британия ва Австралия шевалари мавжуд. Шунинг учун ҳам инглиз тилидаги ономастик компонентли ФБлар рус ва ўзбек тилларига қараганда сон жиҳатдан кўпроқ. Рус ва инглиз миллатлари қардош бўлмаса-да, бу икки тилдаги ФБлар деярли фарқланмайди. Чунки Ғарб халқлари анъаналари ва диний қарашларнинг муштараклиги мазкур халқларнинг маданий алоқалари қадимдан мавжуд эканлигидан дарак беради. Гарчи, ўзбек тили инглиз ва рус тилларига генетик боғланмаган бўлса-да, қардош бўлмаган ушбу тиллардаги ономастик компонентли

¹Садыкова М. Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений. – Ташкент: Ўқитувчи, 1994. – С. 69.

²<http://idum.uz/archives/9952>

³Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2019. – Б. 17.

ФБларнинг шаклланиш омиллари ягона лингвистик тизим асосида тасниф этилди. Сабаби дунё тиллари бир-биридан қай даражада фарқ қилмасин, уларнинг лексик қатламидаги ФБлар халқнинг маданияти ва кўп асрлик тарихи асосида шаклланиб, сайқалланиб бораверади ва ёрқин миллий хусусиятлар касб этади.

§ 1.3. Ономастик компонентли фразеологик бирликлар таснифи

Тилшуносликда ономастик бирликлар алоҳида ўрин эгаллайди, чунки ҳеч қайси бир даврда инсоният ва жамият исмларсиз ҳамда номларсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қайси тил, миллат ва давлат ўзининг миллий ономастик бирликлари, яъни, атоқли отларига эга. Айниқса, тилнинг фразеологик қатламида ономастик бирликларнинг мавжудлиги халқнинг тарихий-маданий меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ономастик компонентли ФБларнинг ўзига хос семантик ва миллий-маданий хусусиятларини текшириш улар таркибидаги ономастик компонентнинг таҳлил ва таснифини амалга оширишни тақозо этади.

Рус олимаси А.В.Суперанская ономастик бирликларнинг масалаларига доир бир неча тадқиқотларнинг муаллифи ҳисобланиб, рус тилидаги ономастик бирликларнинг таснифини амалга оширади ва луғатини тузади¹. У ономастик бирликларни қуйидагича гуруҳлайди²: *антропонимлар, зоонимлар, фитонимлар, топонимлар, шамоллар, табиий офатларнинг номи, космонимлар, хромонимлар, байрамлар, тадбирлар ва ташиқлотларнинг номлари, муассаса, корхона ва жамоалар номлари, ҳаракат воситалари номлари, матбуот нашрлари,*

¹Суперанская А.В. Имя – через века и страны. Отв. ред. Э.М. Мурзаев (2-е изд., испр). – Москва: Изд-во ЛКИ, 2007. – 192 с.; Суперанская А.В. Общая теория имени собственного (2-е изд., испр). – Москва: Изд-во ЛКИ, 2007. – 368 с.; Суперанская А.В., А.В. Сулова. О русских именах. – Москва: Азбука, 2010. – 304 с.; Суперанская А.В. Словарь русских личных имен. – Москва: Эксмо, 2006. – 384 с.; Суперанская А.В., Сулова А.В. Современные русские фамилии. – Москва: Наука, 1981. – 176 с.; Суперанская А.В. Структура имени собственного / Фонология и морфология. – Москва: Наука, 1969. – 206 с.

²Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва: Наука, 1973. – С. 159.

хужжатлар ва қонунлар номи, турли предметлар, қурол-аслаҳалар (хремадонимлар), товарлар, машиналар номи, мифонимлар: парилар (демон), теонимлар, мифотопонимлар, тахмин қилинувчи, аммо, амалда мавжудлиги исботланмаган ҳаёлий объектлар номи, рассом-иҷодкорлар томонидан яратилган санъат асарлари номини фиктонимлар, деб ҳисоблайди.

Г.Ю.Сызранова эса ўзининг «Ономастика» деб номланган китобида ономастик бирликларнинг назариясига оид муаммоларни ўрганиб, уларни ўрганишнинг тадқиқот усулларини кўрсатиб ўтади¹. Шунингдек, у ономастик бирликларни антропоним, топоним, космоним, астроним, зооним, этноним ва теонимларга ажратади².

Ўзбек тилшунослигида ономастик бирликлар бўйича бир неча изланишлар олиб борган олимлардан Э.Бегматов бўлиб, унинг ишлари ўзбек номшунослигида илмий тасаввурларнинг кенгайиши ва бу соҳада салмоқли тадқиқотларнинг дунёга келишида пойдевор бўлиб хизмат қилди³.

Охириги йилларда ўзбек тилининг ономастик кўламини монографик тарзда тадқиқ этган тилшунослардан бири Я.И.Авлакуловдир. У «ономастик кўлам», «ономастик бирлик» тушунчаларини ва ўзбек тили ономастик кўламига кирувчи атоқли отларнинг турлари, уларнинг ҳажми, тарқалиш чегараларининг тадқиқ этиш муаммоларини ўрганади⁴.

¹Сызранова Г.Ю. Ономастика. – Тольятти: ТГУ, 2013. – 248 с.

²Ўша манба. – Б. 171-194.

³Бегматов Э. Антропономика узбекского языка: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 27 с.; Бегматов Э. Киши номлари имлоси. – Тошкент: Фан, 1970. – 116 б.; Бегматов Э., Дўсимов З., Нафасов З., Қораев С. Ўзбек номшунослиги: тадқиқ йўналиши ва усуллари. – Хива, 1991. – № 1., Б. 12.; Бегматов Э. Исм чиройи. – Тошкент: Фан, 1994. – 152 б.; Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: ЎзМУ, 1998. – 608 б.; Бегматов Э., Улуқов Н.М. Ўзбек ономастикаси терминлари изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – 88 б.; Бегматов Э., Кенжаева С. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Фан, 2007. – 95 б.

⁴Avlakov Ya.I. O'zbek tilining onomastik ko'lam. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2017. – 138 b.

Шунингдек, Б.Э.Қиличев¹ ҳам ўзбек ономастикасининг ривожига муносиб ҳисса қўшган олимлардан бири саналади.

Ономастик компонентли ФБлар бўйича тилшуносликда бир қанча изланишлар олиб борилган бўлишига қарамасдан, уларнинг қиёсий-чоғиштира тадқиқи қардош бўлмаган инглиз, рус ва ўзбек тилларида ягона лингвистик тизим сифатида ўрганилмаган. Фақатгина охириги йилларда ФБларнинг миллий-маданий хусусиятларига бағишланган айрим тадқиқотларда қиёсий-чоғиштира ишларни кузатишимиз мумкин. Масалан, Ф.С.Азизова ўзининг инглиз тили фразеологизмларининг лингвомаданий хусусиятларига бағишланган тадқиқот ишида инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларни *географик номлар, тарихий иборалар, миллий либослар, ҳайвон ва ўсимлик номлари, ранглар* бўйича тематик гуруҳларга ажратган².

А.В.Уразметова инглиз ва француз тиллари мисолида топоним компонентли ФБларнинг таснифини амалга оширган. Унинг таснифига кўра, топоним компонентли ФБлар қуйидагича гуруҳланади: 1. **Ойконим** компонентли ФБлар: *to be born in Trumplington; boite de Nuremberg*; 2. **Хороним** компонентли ФБлар: *Everything, which is good, is made in England; plus qu'il n'y a de pommes a Normandie*; 3. **Урбаноним** компонентли ФБлар: *to go to Canossa; neveu a la mode du Marais*; 4. **Гидроним** компонентли ФБлар: *cross the Styx; jette Vhomme chanceux le Nil, et il remontera avec un poisson dans la bouche*; 5. **Ороним** компонентли ФБлар: *valley of Baca; pile Ossa on Pelion*; 6. **Дримоним** компонентли ФБлар: *aller au Bois* (инглиз тилида бундай birlikлар мавжуд

¹Қиличев Б.Э. Атоқли отларнинг трансонимизацияси // БухДУ илмий ахборотлари журнали. Бухоро, 2008. – № - 2, Б. 58-60.; Қиличев Б.Э. Ономастик birlik, сўз ва атама ҳақида // Тил тараққиётининг лексик ва грамматик муаммолари мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2011. – Б. 89-90.; Қиличев Б.Э. Атоқли отларда сўз ясалишининг бир усули // Научный журнал «Интернаука». – Москва, 2017, № 3 (7(11), С. 80-81.; Қиличев Б.Э. Антрополоксемаларнинг тизимий хусусиятлари //Филология фанларининг долзарб масалалари. – Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2017.–Б.59-62.

²Азизова Ф.С. Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2018. – Б. 11-12.

эмас); 7. **Тўқима** топоним компонентли ФБлар: *The land of Cockaine; marquis d'Argencourt*¹.

Д.А.Тошева инглиз, рус ва ўзбек тилларининг мақоллар таркибидаги зоонимлар таснифини ишлаб чиқиб, уларни статистик жиҳатдан таҳлил қилган: *уй ҳайвонлари номи; ёввойи ҳайвонлар номи; сувда яшовчи жонзотлар номи; судралиб юрувчи жонзотлар номи; қушлар номи; паррандалар номи; ҳашаротлар ва қумурсқалар номи*². Гарчи, мазкур гуруҳлар ономастик бирликлар деб талқин қилмаса-да, уларнинг зооним компонент сифатида мақоллар таркибида ўрганилиши тилнинг фразеологик қатламини бойитишда хизмат қилади.

В.А.Хохлова топоним компонентли ФБларни инглиз ва украин тиллари мисолида ўрганиб, уларни компонент составига кўра таснифлаган: 1. **Топоним** (ном сифатида) компонентли ФБлар; 2. **Астионим** компонентли ФБлар; 3. **Хороним** компонентли ФБлар; 4. **Гидроним** (барча сув ҳавзалари, кўл ва денгизларнинг номлари) компонентли ФБлар; 5. **Ойкодоним** компонентли ФБлар; 6. **Агороним** (майдонларнинг номлари) компонентли ФБлар; 7. **Ойконим** компонентли ФБлар; 8. **Годоним** (кўчаларнинг номлари) компонентли ФБлар; 9. **Ороним** компонентли ФБлар; 10. **Дромоним** компонентли ФБлар³.

Юқорида номлари тилга олинган олимларнинг тадқиқотларида ФБлар таркибидаги аксарият компонентларнинг таснифи амалга оширилган бўлса-да, улар ономастик бирликларнинг классификацияси нуқтаи назаридан тўлиқ эмас. Шу сабабдан биз куйида бу соҳада изланишлар олиб борган тилшуносларнинг илмий қарашларига таяниб, ономастик бирликлар ва ономастик компонентли ФБларнинг таснифини амалга оширдик ҳамда уларни куйидагича таснифладик:

¹Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – С. 47-53; 138-167.

²Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – Б. 10.

³Хохлова В.А. Фразеологические единицы с топонимическим компонентом в английском и украинском языках: лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Донецк, 2017. – С. 11.

1. Антропоним компонентли ФБлар (кишиларнинг номлари);

2. Топоним компонентли ФБлар (давлат, вилоят, шаҳар ва географик объект: тоғ, тоғ тизмалари, океан, дарё, денгиз ҳамда барча сув ҳавзаларининг номлари);

3. Этноним компонентли ФБлар (халқ ва миллатларнинг номлари);

4. Зооним компонентли ФБлар (ҳайвонларнинг номлари);

5. Астроним компонентли ФБлар (юлдуз, сайёра ва осмон jismlarining номлари);

6. Космоним компонентли ФБлар (бурж ва юлдузлар туркуми номлари);

7. Хрононим компонентли ФБлар (тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг номлари);

8. Фалероним компонентли ФБлар (танга, орден ва медалларнинг номлари);

9. Геортоним компонентли ФБлар (байрам номлари);

10. Документоним компонентли ФБлар (ҳужжатларнинг номлари);

11. Эргоним компонентли ФБлар (ижтимоий гуруҳ номлари);

12. Идеоним компонентли ФБлар (инсон томонидан яратилган маънавий асарларнинг номлари);

13. Хрематоним компонентли ФБлар (одамзот яратган маҳсулотлар: машина, қурул-аслаҳа, идиш, мусиқа асбобларининг алоҳида номлари);

14. Библионим компонентли ФБлар (илмий, бадиий, диний китоб ва асарларнинг номлари).

Дунё тилшунослигида энг кўп учрайдиган ономастик бириклардан антропонимлар ва топонимлар ҳисобланиб, уларнинг ўзи бир неча турларга бўлинади. Инглиз, рус ва ўзбек тилларида учрайдиган ономастик компонентли ФБларни компонент таркибига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Антропоним (кишиларнинг номлари) компонентли ФБлар:

А) **Анъанавий исмлар** (миллатнинг ўзига хослигини англатиб турадиган реал шахсларнинг номлари) билан келган

ФБлар. Масалан, инглиз тилида: «**Jack at a pinch (Jack-at-a-pinch)**»¹. Бу ибора «*фақатгина керакли бўлган пайтда хизмат кўрсатадиган шахс*» (никоҳ ўқитиш ёки дафн қилишда хизмат қилувчи рухоний) маъносида ишлатилиб, ФБ таркибидаги **Jack** исми инглизларда учрайдиган энг кўп исмлардан биридир. «**Old Harry**» ёки «**old Nick**» – ҳазил тариқасида ишлатиладиган ушбу ФБ «*одамзод душмани*», «*шайтон*» маъносини беради ва **Harry, Nick** номлари инглиз тилида гаплашувчи халқлар учун анъанавий ҳисобланади². Рус тилида: «**пойти к Ивану Ивановичу**» – «*ҳожатга чиқмоқ*»³, «**перекрывать Енисей**» – «*фойдасиз иш билан шугулланмоқ*»⁴ мазмунидаги мазкур ФБлардаги **Иван** ва **Енисей** рус халқининг энг кўп тарқалган исмларидан ҳисобланади. Ўзбек тилида: «**Ишни қилар Машариф, муштни ейди Миршариф**»⁵. Ушбу мақолдаги **Машариф, Миршариф** исмлари одатда ўзбекларда бир оилада туғилган ака-укаларга қўйилиб, «*ёмонликни бири қилиб, ноҳақ калтак еган бошқаси*» деган маънода ишлатилади. Шу билан бирга мақолда оҳангдорликни таъминлаш мақсадида ҳам бу исмлар қўлланилган.

Б) **Тарихий шахсларнинг номлари** келган ФБлар. Бу гуруҳга кирувчи антропонимлар тарихда яшаб ўтиб, ҳозирги кунда ҳам исмлари тилга олинган тарихий шахсларнинг номларидан келиб чиққан. Инглиз тилида: «**Annie Oakley**» – «*чинта*» деб таржима қилинадиган мазкур ФБ америкалик цирк артисти, снайпер **Annie Oakley** (1860-1926 йй.) номидан келиб чиққан. У учиб турган ўйин картасини отишга муваффақ бўлган⁶. Рус тилида: «**как (будто, словно, точно) Мамай прошел (воевал)**» иборасида «*тартибсизлик*», «*ағдар-тўнтар қилиш*»

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 413.

²Ўша манба. – Б. 552.

³Мокиенко В.М., Никитина Т.Г. Большой словарь русских поговорок. – Москва, 2007. – С. 263.

⁴Ўша манба. – Б. 223.

⁵Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 114.

⁶Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 44-45.

мазмунни англашилади¹. Маълумки, 1237 йилда Чингизхоннинг ўғли, мўғуллар хони Ботухон бостириб келганидан кейин Россияда татар-мўғуллар тартиб-қоидалари ўрнатилади. Рус князлари солиқ тўлашга ва уларга чидашга мажбур бўладилар. 1380 йилда янги хон Мамай мўғул жангчиларини Москвага олиб келиб, ҳамма жойни вайронага айлантиради². Ибора мўғуллар хони **Мамай** билан боғлиқ. Ўзбек тилида: «**Маҳмуднинг қадами етган ерда ўт ўсмас**» мақолида Ўрта асрларда Марказий Осиёда ҳукмдорлик қилган Ғазнавийлар давлати ҳукмдори **Маҳмуд Ғазнавий**нинг бешафқат юришлари ва золимлиги назарда тутилган³. «**Соғ одамга Сукротнинг кераги йўқ**»⁴ мақолида эса «*соғ одамга ҳеч қандай табиб керак эмас*» маъноси ифода этилган. Унда қадимги юнон файласуфи **Сукрот** тилга олинган.

В) **Мифоним** (афсонавий шахсларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**Aeson's bath**» ибораси «*тетиклаштирувчи, ёшартирувчи даво усули*» маъносида ишлатилади. Юнон афсоналарига кўра, **Эсон** – қирол Ясоннинг отаси. Сеҳргар Медея Эсонни сеҳрли дамламалар билан тўлдирилган ваннага солиб ёшартирган⁵. ФБда шунга ишора мавжуд; «**hundred-eyed Argus**» ибораси «*ўта зийрак васий*» маъносини билдиради. Юнон афсоналарида ёзилишича, **Аргус** – кўп кўзли баҳайбат одамнинг исми. Аргус подшонинг қизи – Герага кўрикчилик қилиб, уни ухламасдан кўриклаган. Гера Зевснинг севгилисига бўлган⁶. Ўзбек тилига «*минг кўзли Аргус*» деб сўзма-сўз таржима қилинадиган мазкур ФБ «*ҳушёрлик*»,

¹Мокиенко В.М., Никитина Т.Г. Большой словарь русских поговорок. – Москва, 2007. – С. 383.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 168.

³Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 211.

⁴Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. иловаси. – Тошкент, 2019. – Б. 177.

⁵Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 5.

⁶Ўша манба. – Б. 8.

«*эхтиёткорлик*» маъноларини ҳам беради. Рус тилида: **«жить (прожить) Аредовы веки»** ибораси «*жуда узоқ вақт*» мазмунини беради. Инжил афсоналарига кўра, **Аредова** 962 ёшгача яшаган қариядир, «*узоқ умр кўриши*» маъносида ибора таркибида мазкур мифоним ишлатилган¹. **«Ахиллесова пята»** ибораси «*қалтис, ожиз, заиф томон*» маъносида ишлатилади. Юнон мифологиясига кўра, **Ахилл (Ахиллес)** – Гомернинг «Илиада» достонининг қаҳрамони. Ривоятда ёзилишича, Фетида ўғлининг мангу яшаши учун уни Стикс(дарё)нинг муқаддас сувларига чўмилтирган. Лекин, унинг товони сувга тегмай қолган. Шунинг учун Ахиллеснинг товони унинг «*заиф томони*» деб айтилади. Ахилл Троя урушида қатнашган ва доим ғолибликни қўлга киритган. Жангларнинг бирида саркарда Парис уни айнан товонидан ярадор қилади ва Ахилл қаҳрамонларча ҳалок бўлади². Юқоридаги ФБда шу воқеликка ишора мавжуд. **«Медуза горгона»** ибораси «*дарғазаб, ёвуз аёл*» деганидир. Юнон афсоналарида айтилишича, **Медуза** исмли аёл бўлиб, унинг бошида «соч ўрнига илон ўсган». У шу қадар ёвуз бўлганки, нигоҳи билан одамни тошга айлантирган. Персей унинг бошини танасидан жудо қилган, шу сабаб мазкур ибора юқоридаги маънони беради³. Ўзбек тилида: **«Қизилни кўрса, Хизр ҳам йўлдан озади»** мақолидаги **Хизр** мифологик образ бўлиб, у ўзбек фольклорида «*ҳомий, мададкор, чол қиёфасидаги гайриоддий кўмакчи*» вазифасида гавдаланади⁴. **«Сўзнинг Лукмон тилидан айтилгани – хўб»** мақолида **Лукмон** афсонавий файласуф, табиб бўлиб, унинг тилидан чиққан ҳар бир ширин сўз беморлар учун шифо вазифасини ўтаган⁵.

Г) **Теоним** (илоҳ ва фаришталарнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: **«Christ be with you!»** иборасида «*омад*»

¹Ашукин Н.С., Ашукина М.Г. Крылатые слова. – Москва, 1955. – С. 23.

² Ўша манба. – Б. 29.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 170.

⁴Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 414.

⁵Ўша манба. – Б. 326.

ва «оқ йўл тилаш» мазмунини ифода этилган¹. Маълумки, христиан динини қабул қилган халқлар Ииусус Христос (Исо алайҳиссалом)га худо сифатида сиғинадилар. Лекин, Инжил ва Қуръони Карим таълимотларига кўра, Ииусус Христос (Исо алайҳиссалом) инсон сифатида туғилиб, пайғамбар этиб тайинланган. Кейинчалик, унинг мўъжизавий йўл билан, яъни, отасиз, Жаброил фариштанинг пуфлашидан туғилганлиги аён бўлгандан сўнг ва мих урилган хочдан тирилиб, осмонга кўтарилганлигини кўрган одамлар унга илоҳ, худо сифатида сиғина бошлайдилар. Мазкур иборада ҳам **Christ** – Ииусус Христос илоҳ сифатида қўлланилган. Рус тилида: «**как у Христа за пазухой**» ибораси эса «*хавотирдан ҳоли*» маъносида ишлатилади². Христос (Исо а.с.)га юқорида айтилганидек, насронийлар илоҳ сифатида сиғинганлар. «**Дорого яичко к Христовому дню (во Христов день)**» – «*ҳар нарсанинг ўз вақтида бўлгани яхши*» маъносида ишлатиладиган ушбу ФБ таркибида **Христос** теоним компонент сифатида қатнашган³. Ўзбек тилида: «**Аллоҳга ёқайин десанг, азонинг бўлсин, қозига ёқайин десанг, қозонинг бўлсин**» мақолида **Аллоҳ** номи теоним сифатида ислом дини таълимотига кўра, Ер юзи ва осмонларни яратган ягона яратувчи маъносида қўлланилган⁴ ёки «**Яхшилик қил дарёга от, балиқ билар, балиқ билмаса, Холик билар**» мақолида **Холик** Аллоҳнинг сифатларини ифодалаб келадиган номларидан бири⁵. Мақолда «*агар яхшилик қилган инсонинг бунинг қадрига етмаса, унда буни ўйлаб юрма, барибир Холик бу савоб ишингни кўриб турибди*», деган маъно бор.

В) Агионим (пайғамбар ва авлиёларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**by George**» (Jove, Jupiter) иборасида «*ҳайрон қолиш*», «*зерикиш*» ҳолатлари ифода этилган. Мазкур ФБ авлиё **Георгий** номи билан боғлиқ бўлиб, «*Георгий*

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 19

²Ўша манба. – Б. 198.

³Ўша манба. – Б. 198.

⁴Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 414-415.

⁵Ўша манба. – Б. 394.

билан қасам ичаман», «худо ҳаққи, чин сўзим» деган мазмунни беради¹. **«If the mountain will not come to Mahomet (Muhammad), Mahomet (Muhammad) must go to the mountain»** ибораси «агар кутган нарсанг содир бўлмаса, унга қараб ўзинг ҳаракат қил» деган маънода қўлланилган². Мусулмонларнинг пайғамбари Муҳаммад (а.с.) ривоятларга кўра, ислом динининг ҳаққонийлигига ишонтириш учун инсонларнинг кўз олдида ёнига «тоғни чақиради» ва «тоғ жойидан жилмағунига» қадар шу иборани такрорлаб туради. ФБ шу ривоят асосида шаклланган. Рус тилида: **«сидеть (держать) на пище (вкусать от пищи) святого Антония»** ибораси «оч қолмоқ» маъносини билдириб келган. Мазкур ФБда иштирок этган **Антония** худо йўлида овқатланмасдан оч юрган авлиё номидан келиб чиққан³. Ўзбек тилида: **«Сув тиласанг, Сулаймондан тила»** мақоли «бир нарсани сўрасанг, уни ўз ҳомийсидан сўра» деган маънода келган. Ислом дини таълимотларига кўра, **Сулаймон** пайғамбарлардан бири. Бу ўринда Сулаймон набий ёки авлиё номи сифатида Хонқанинг жануб томонидаги каналлар тармоғининг ҳомийси, деб эътироф этилган⁴. **«Исонинг аламини Мусодан олибди»** ибораси «бирор мақсадига эриша олмай, хуноб бўлиб юрган кишининг аламини бошқа кишидан олиши» маъносида ишлатилган⁵. Мазкур мақолда **Исо (а.с.), Мусо (а.с.)**лар пайғамбарларнинг номлари сифатида агионим компонент ҳисобланади. Диний таълимотларга кўра, **Исо (а.с.)** насронийларнинг, **Мусо (а.с.)** яҳудийларнинг пайғамбари.

2. Топоним (давлат, вилоят, шаҳар ва географик объект: тоғ, тоғ тизмалари, океан, дарё, денгиз ҳамда барча сув ҳавзаларининг номлари)компонентли ФБлар. Бундай бирликлар сон жихатдан

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 309.

²Ўша манба. – Б. 516.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 132-133.

⁴Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 322.

⁵Ўша манба. – Б. 138.

кўп миқдорни ташкил этади ва ўз навбатида бир неча гуруҳларга бўлинади:

А) **Хороним** (давлат ва вилоятларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: **«not for all the coffee in Brazil»**¹ ибораси **Бразилия** давлати номи билан боғлиқ. Қаҳва ишлаб чиқариш саноатининг йирик марказларидан бири Бразилия давлатидир. ФБ таркибида Бразилия давлатининг номи шунга ишора тарзида қўлланилган. **«From China to Peru»** («Хитойдан Перугача» сўзма-сўз таржимаси) ибораси *«дунёнинг ҳамма жойида»* деган маънони беради². Чунки, **Хитой** ва **Перу** давлатлари дунёнинг турли бурчакларида жойлашган ва улар орасидаги масофа жуда узоқ. Шундан келиб, чиқиб ушбу ФБ *«дунёнинг ҳамма жойида»* деган маънода ишлатилади. Рус тилида: **«Египетский плен»**³ иборасида **Египет**, яъни **Миср** хороними қатнашган. Тарихдан маълумки, қадимги Мисрда милoddан аввал Фиръавн хукмронлиги даврида яҳудийлар асирликка тушганлар. Улар оғир қийноқларга солинган. *«Оғир меҳнат»* маъносида ишлатиладиган мазкур иборада шу тарихий воқеликка ишора бор. Ўзбек тилида: **«Гап десанг қоп-қоп, пулни Самарқанддан топ»** мақолида *«мақтанчоқ одамнинг доим мақтаниб, гап пулга келганида эса хасислик қилиши»* ҳақида айтилган⁴. Бу ерда **Самарқанд** хороними *«узоқ масофа»* маъносини ифодалаш учун қўлланилган. **«Минг Макка зиёратидан бир кўнгил иморати яхши»**⁵ мақолида **Макка** шаҳри ислом дунёсининг йирик зиёрат қилинадиган марказларидан ҳисобланиб, хороним сифатида иштирок этган. Бу ўринда мақол *«Маккага бориб зиёрат қилиб келгандан кўнгли*

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 15.

²Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 147.

³Ашукин Н.С., Ашукина М.Г. Крылатые слова. – Москва, 1955. – С. 177.

⁴Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 47.

⁵Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 144.

чўккан, синиқ инсоннинг кўнглини кўтариш афзалроқ» деган маънода келган.

Б) **Ойконим** (шаҳар, туман, қишлоқ ва аҳоли пунктларининг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**Arcadia (Arcady, Arcadian) simplicity**» ибораси «мукаммал, осойишта мамлакат», «саодатли жаннат», «бахтли чўпонлар мамлакати», «мутлақ роҳат-фароғат», «бахтли, ғамсиз ҳаёт» маъноларини билдиради. ФБ Пелопоннес (Греция) марказидаги тоғли шаҳар – **Аркадия** номидан келиб чиққан. Бу шаҳарнинг аҳолиси чорвачилик билан шуғулланган ва ўзининг гўзал одоб-ахлоқи ҳамда меҳмондўстлиги билан ажралиб турган. XVIII асрда Франция саройидаги ёзувчилар Аркадиянинг эртакона ҳаёти ҳақида ёзишган¹. Рус тилида: «**Кинешма да Решма кутит да мутит, а Солдогда убытки платит**» мақолида «икки кишининг ўртасида бошқа бировнинг гуноҳкор бўлиши» маъноси ифода этилган. **Солдогда – Кинешма** ва **Решма** шаҳарлари орасида жойлашган қишлоқ². Мазкур номлар юқоридаги маънони ифодалаш мақсадида қўлланилган. Ўзбек тилида: «**Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл**»; («**Тентакка Тўйтепа бир қадам**»), «**Аҳмоққа Қува – бир тош**»³ иборалари «яқин, унча узоқ бўлмаган масофа» маъносида ифода этилган. Мазкур ФБлар таркибидаги **Тўйтепа** тошкентликлар шевасида, **Қува** эса Фарғона аҳолисининг шевасида учрайди. Бу ўринда **Тўйтепа** ва **Қува** ойконимлари масофа маъносини билдириш учун қўлланилган.

В) **Агороним** (чўл ва яйловларнинг номлари) компонентли ФБлар. Ўзбек тилида: «**Бир қўйликни минг қўйлик қилган – Арслондининг ери, минг қўйликни бир қўйлик қилган – Арслондининг ели**» мақоли таркибида қўлланилган **Арслонди** Туркистон вилоятининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган яйлов номидир. Ривоят қилинишича, Арслонди ўт-ўланларга

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 8.

²Ўша манба. – Б. 159.

³Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 24.

жуда бой экан. Бир камбағал бу ерга бир кўй билан келиб, уни мингтага етказибди. Бир йили қиш қаттиқ келиб, кўйлар музлаб қолибди. Яна чўпон янги туғилган совлиқ билан қолибди¹. Юқоридаги мақолда бошқа юртга бориб мол-дунё орттирган, бироқ, охири хор-зор бўлган одамга қарата кўчма маъно ишлатилган, яъни, Арслонди бу ўринда «ўзга юрт» маъносини билдиради. Таҳлиллар натижасида ишонч ҳосил қилиндики, инглиз ва рус тилларида агороним компонентли ФБларга дуч келмадик.

Г) **Урбаноним** (кўча, майдон, ташкилот ва бозорларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**speak bandog and Bedlam**» – «бемаъни нарсаларни айтиш», «оғзига келган гапни гапириш» маъносида ишлатиладиган ушбу ФБ Лондондаги рухий касалхона номидан келиб чиққан². Рус тилида: «**крычать во всю Ивановскую**» ибораси сўзма-сўз таржима қилинганда «*бутун Ивановага бонг урмоқ*» маъносини билдиради. **Иваново** – Москванинг кўнғироқлари бонг уриб турадиган миноранинг номи. У ерда подшонинг фармонлари ўқилган³. Иборада шу жиҳатдан тарихий асос мавжуд. Ўзбек тилида: «**Мард бўлсанг, Эскижўвада хангра**» мақолида «*сен ўзингни зўрман деб ўйласанг, зўравонлигингни одам кам жойда эмас, одам кўп жойда қил*» маъноси ифода этилган⁴. Чунки қадимда **Эскижўва** Тошкентнинг энг катта бозори жойлашган сергавжум жой бўлган. Иборада **Эскижўва** урбаноним сифатида иштирок этган.

Д) **Ороним** (тоғ ва тоғ тизмаларининг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**open Sesame**» ибораси таржима орқали инглиз тилига кириб келган бўлиб, «*тўсиқларни бартараф этиш*», «*қандайдир сирни англамоқ*» маъноларини ифода этади. Мазкур ФБ таркибида араб халқларининг «Минг бир кеча» эртаклари тўпламидаги «Али Бобо ва қирқ қароқчи»

¹Ўша манба. – Б. 42.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 12.

³Тихонов А.Н., Ломов А.Г., Ломова Л.А. Фразеологический словарь русского языка. – Москва: Русский язык: Медиа, 2007. – С. 95.

⁴Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 207.

ҳикоясида хазина яширинган **Сезам** ғори тилга олинган. Шу сирли сўз ёрдамида Али Бобо ғорнинг эшикларини очишга эришиб, қароқчиларнинг хазинасига эга бўлади ва бу пуллар эвазига халқнинг тоза сув истеъмол қилиши учун ариқ қаздиради¹. Рус тилида: «**взлететь на Геликон**» иборасида **Геликон** номи иштирок этган. Қадимги юнон афсоналарига кўра, Геликон тоғи илҳомбахш макон ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Геликон «*шоир бўлмоқ*» маъносини билдириб келган². Ўзбек тилида: «**Гап десанг қоп-қоп, пулни Қоратоғдан топ**» мақолида «*бойлиги кўп бўлса ҳам, пул сўрасанг бермайди, аста ғойиб бўлади*» деган мазмун ифода этилган³. **Қоратоғ** номи шу маънони очиб беришга хизмат қилган.

Е) **Гидроним** (барча сув ҳавзалари, океан, денгиз ва кўлларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**try to sweep back the Atlantic with a broom**» ибораси «*кучи етмаган нарсага бош қотириши*», «*ойни орзу қилмоқ*» мазмунида қўлланилади⁴. Шу маънони ифода этиш учун **Атлантика** океани номи қўлланилган. «**Shoot Niagara**» ибораси «*хавфли ишга қўл уриши*», «*мушкул ишга қадам қўйиши*» маъносида⁵. Америкаликларнинг шевасидан келиб чиққан ушбу ФБ таркибидаги гидроним **Niagara** дунёдаги энг тез оқувчи ва узун шаршара номи билан боғлиқ. Рус тилида: «**пытаться вымести Атлантику метлой**», мазкур ибора рус тилига инглиз тилидан кириб келган⁶.

Ё) **Потамоним** (дарё номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**cross the Stygian (Styx) ferry**» ибораси «*ўлмоқ*», «*дунёдан кўз юммоқ*» мазмунида ишлатилади. Юнон

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 64.

²Мокиенко В.М., Никитина Т.Г. Большой словарь русских поговорок. – Москва, 2007. – С. 115.

³Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 47.

⁴Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 52.

⁵Ўша манба. – Б. 533.

⁶Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 9.

афсоналарига кўра, **Стикс** дарёси орқали ўлган инсонларнинг руҳи ўликлар дунёсига ўтган¹. Демак, дарё номи шу маънони ифодалаш мақсадида ФБ таркибида қўлланилган. Рус тилида: **«На словах Волгу переплывет, а на деле – ни через лужу»**² мақолида *«ёлгончи инсон»* маъносида **Волга** дарёси номи ифода этилган. Ўзбек тилида: **«Одам билан одам тенгму, Арис билан Бодом тенгму?»** мақолида **Арис** Чимкент шаҳри яқинидан ўтадиган кичик бир дарё бўлиб, Сирдарёнинг ирмоғи ҳисобланади. **Бодом** эса Чимкент шаҳрининг ичидан ўтадиган анҳор номидир³. Мазкур номлар орқали мақолда *«одамларнинг ҳаммаси ҳам бир хил бўлавермайди: бири яхши бўлса, бири ёмон бўлади»* деган маъно бор.

1. Этноним (халқ ва миллатларнинг номлари) компонентли ФБлар.

Мана шу ўринда этнонимлар ҳақида тилшунос олимларнинг айрим мунозарали фикрларини келтириш жоиз. Маълумки, ономастикада этнонимлар турли миллат, халқ ва элатларнинг номлари сифатида талқин этилади. Лекин, номшуносликда этнонимлар атоқли от эмас, балки, турдош от деган фикрлар ҳам бор. Масалан, тилшунос В.Д.Бондалетовнинг фикрича, *«этнонимларнинг ... тилдаги мавқеи ва ўрнини аниқлаш маълум қийинчиликларга эга. Баъзи тадқиқотчилар этнонимларни ономастик бирлик деб ҳисобласа, бошқа муаллифлар уларни апеллятив лексикага киритади. Функционал хусусиятига кўра, этнонимлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, тоғ жинслари, минераллар, кимё элементлари апеллятив лексикага яқин туради»*⁴. Аммо, озарбайжон тилшуноси А.М.Гурбанов ономастик лексиканинг таснифини ишлаб чиқиб, этнонимларни бош ҳарф билан ёзади⁵.

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 271.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 140.

³Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 239-240.

⁴Бондалетов В.Д. Русская ономастика. – Москва: Просвещение, 1983. – С. 35.

⁵Гурбанов А.М. Муасир азэрбайжан ономастыкасы. – Бақы: Маариф, 1986. – Б. 255.

Э.Бегматов этнонимларнинг моҳиятини ўрганган мақоласида уруғ, қабила, элат, халқ номларини яккалаб эмас, гуруҳлаб номлайди, шунинг учун улар атоқли от тизимига кирмайди, деб ҳисоблайди¹. Аммо, рус олимаси Г.Ю.Сызранованинг фикрлари Э.Бегматовнинг қарашларига тескари бўлиб, у ўзининг «Ономастика» деб номланган қўлланмасида этнонимларни ономастик бирликлар қаторига киритади ҳамда этнонимларнинг келиб чиқиши ва вазифаларини ўрганувчи ономастиканинг бўлимини «этнонимика» деб атайди². Унинг фикрича, «номлар ривожининг ўрганилишида этнонимлар муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, этнонимлар қадимий терминлар сифатида тарихий ва лингвистик ахборот етказувчи фактор вазифасида ҳам келади»³. Шуни айтиш жоизки, этнонимлар инглиз ва рус тиллари нуқтаи назаридан ономастик бирлик ҳисобланади. Лекин, ўзбек номшунослигида этнонимлар ҳақидаги мунозарали фикрлар ҳанузгача баҳсли бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби этнонимлар ўзбек тилида кичик ҳарф билан ёзилади, аммо, инглиз тилида этнонимлар бош ҳарф билан ёзилади. Я.И.Авлакулов айтганидек, «атоқли отларнинг келтирилган типлари барча тиллар учун, тилнинг барча даври учун бир хилда тегишли бўлмаслиги мумкин»⁴. Замонавий тилшуносликда этнонимлар хусусидаги янги фикрлар асосга эга бўлаётганини ва тадқиқотимиз уч тил доирасида қиёсий-чоғиштирма эканлигини инобатга олган ҳолда мазкур ишимизда этнонимларни ономастик бирликлар қаторига қўшишга қарор қилдик.

Инглиз тилида: «**French fries**» – «*қовурилган картошка*» маъносини берувчи ушбу ФБ таркибидаги **French** компоненти француз миллати маъносини англатади⁵. Бунда картошка дастлаб

¹Бегматов Э. Этнонимларнинг тил ономастик тизимига муносабати // Хоразм Маъмун академиясининг ахбороти. – Хоразм, 2007. – № 2, Б. 53-58.

²Сызранова Г.Ю. Ономастика. – Тольятти: ТГУ, 2013. – С. 181.

³Ўша манба. – Б. 180-181.

⁴Avlakulov Ya.I. O'zbek tilining onomastik ko'lam. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2017. – В. 6.

⁵Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 29.

французлар томонидан қовурилганлигига сабабли ФБ ушбу маънода ишлатилади; «**Englishman's home (house) is his castle**» – «ўз уйинг ўлан тўшагинг» маъносидаги мазкур мақолда «**Englishman**» компоненти этноним сифатида иштирок этган¹; «**when the Ethiopian changes his skin**» – «ҳеч қачон», «туянинг думи ерга текканда» мазмунидаги мазкур ФБда «**Ethiopian**» сўзи миллат номи сифатида қора ирқ маъносини ифодалайди, яъни, «табиатан қора танли бўлиб тугилган инсон қачон терисининг рангини ўзгартирибди» (сўзма-сўз таржима) деган мазмунда². Маълумки, Эфиопия – Африка қитъасининг тоғли ҳудудларидаги давлат. Мазкур давлатнинг халқи қора ирққа мансуб. Мақолда шунга ишора бор. Рус тилида: «**настоящий Англичанин**» – «гердайган», «кеккайган» маънодаги ФБ мазмунида инглиз халқининг характери ифода этилган³. «**Сущий Итальянец**» иборасида **итальянец** сўзи орқали «фирибгар», «қаллоб»⁴, «**незванный гость хуже Татарина**» иборасида **татар** компоненти орқали «кутилмаган, мавридсиз келган меҳмон»⁵ ёки «**пуганый Француз и козы боится**» мақолида «қўрқоқ одам»⁶ маънолари ифода этилган.

Юқоридаги ибораларнинг барчасида миллат, халқ номлари иштирок этган. Демак, этнонимлар ФБлар таркибида турли маъноларни ифодалашга хизмат қилган. Ўзбек тилида: «**Эшакка ортиқча аҳамият бериб юборсанг, у ўзини зотдор араб отиман, деб ўйлаб қолади**»⁷. Мазкур мақолдаги **араб** сўзи этноним компонент сифатида иштирок этган. Тарихда қадимдан маълумки, араб халқи отлари зотдорлиги билан машҳур бўлган. Ушбу ФБ «**бировга қилинган ортиқча эътибор туфайли у инсон ўзидан кетиб қолади**» деган маънода ишлатилган.

4. Зооним (хайвонларнинг номлари) компонентли ФБлар. Зоонимлар ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

¹Ўша манба. – Б. 27.

²Ўша манба. – Б. 27.

³Ўша манба. – Б. 131.

⁴Ўша манба. – Б. 156.

⁵Ўша манба. – Б. 191.

⁶Ўша манба. – Б. 197.

⁷<https://islom.uz/maqola/5903>

А) **Орнитоним** (куш номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**(the) bird of Minerva**» – «укки» маъносида ишлатиладиган мазкур ибора қадимги Рим афсоналарига кўра, **Минерва (Minerva)** – хунармандчилик, илм-фан, санъат маъбудаси номи билан боғлиқ¹. «**Rise like a Phoenix from the ashes**» ибораси «*яшариш*», «*янгилашиш*» маъносида ишлатилган². Бу ерда **Феникс (Phoenix)** Арабистон, Миср, юнон халқларининг қадимий ривоятларига кўра, оловда туғилиб, оловда яшайдиган куш бўлиб, у «*абдий тикланиш*» ва «*бахт*» тимсолидир³. ФБ таркибида шу маънони ифодалаш учун қушнинг номи қўлланилган. Рус тилида: «**птица Феникс**» – «*яшариш*, «*янгилашиш*» маъносида⁴. Рим империяси вақтида у «*Римнинг қатъиятлик тимсоли*» бўлиб, христианларда эса Исо пағамбарнинг «*туғилиш рамзи*»ни англатган. Ўзбек тилида: «**Анқонинг оти бор, ўзи йўқ**», **Анқо** – афсонавий қушнинг номи. Ниҳоятда ноёб ва мутлақо топилмайдиган нарсаларни «*анқонинг уруги*», «*анқонинг тухуми*» деб атайдилар⁵.

Б) **Мифозооним** (афсонавий махлуқларнинг номи) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**between Scylla and Charybdis**» – «*ўтдан қочиб, яшинга учрамоқ*», «*қордан қутулиб, ёмғирга тутилмоқ*», «*икки ўт орасида*» маъноларида⁶. **Сцилла ва Харибда** – юнон мифологиясида икки афсонавий махлуқларнинг номлари. Сицилия ороли ва Апеннин ярим ороллари ўртасидаги Мессин кўрфазида макон қурган бу икки ёвуз махлуқлар йўловчиларни қийноққа солиб, ўлдиришган: одамлар бир махлуқнинг тишларидан қочиб, иккинчисининг оғзига тушишарди. Гомернинг «Одиссея» достонида илк бор

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 82.

²Ўша манба. – Б. 51, 574.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 57.

⁴Бирх А.К., Мокиенко В.М., Степанова Л.И. Словарь русской фразеологии: историко-этимологический справочник. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 592-593.

⁵Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 15.

⁶Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 663.

тилга олинган мазкур номлар кейинчалик, иборага айланди. Хақиқатда эса гап Мессин кўрфазининг икки томонида жойлашган икки қоя хақида кетган¹. Рус тилида: **«загадка Сфинкса»** – *«сирли, гайриоддий»*, *«жуда қийин масала»* маъносида². Юнон ривоятларида айтилишича, **Сфинкс** деб, юзи ва кўкраги аёлларга мансуб, шернинг жуссаси, қушнинг қанотлари бўлган махлуқни айтишган. У Фив чўққиси ёнида яшаб, саёҳатчиларни кузатган ва уларга бир хил топишмоқ айтган: *«Ким эрта тонгда тўрт оёқда, кундузи икки оёқда, кеқурун уч оёқда юради?»* деб. Топишмоқни топмаган одамларга Сфинкс ташланган. Фақат Фиръваннинг ўғли шоҳ Эдип топишмоқнинг жавобини топган: *«Одам болаликда тўрт оёқлаб эмаклайди, кейин икки оёғида юради, қариганда таёққа таяниб юради»*, деб. Тўғри жавобни эшитиб, Сфинкс ўзини қоядан денгизга ташлаб ҳалок бўлади³. Ўзбек тилида: **«Илон юз яшаса, аждаҳо, минг яшаса – Юҳо бўлади»**, *«еб тўймас»*, *«баднафс»* кишиларга нисбатан ишлатиладиган мазкур мақолда **Юҳо** – одамлар ва ҳайвонларни тириклайин ютиб юборувчи афсонавий махлуқнинг номи. Айрим афсоналарда айтилишича, Юҳо ҳар хил қиёфага кириб (масалан, қиз қиёфасида), одамлар орасига келармишда, уларнинг бутун қонини сўриб, мадорини қуритармиш. Ҳаётда еб-тўймас, баднафс инсонлар шу қонхўр Юҳога ташбеҳ этилган⁴.

В) **Ит номлари** билан келган ФБлар. Инглиз тилида: **«fling (give/throw) a sop to Cerberus»** – *«пора бериб тинчитмоқ»*, *«огзини мойламоқ»* маъносида. **Цербер** – юнон афсоналарига кўра, шоҳ Аиднинг ер ости салтанатини кўриқлайдиган уч бошли ёвуз ит⁵. Рус тилида: **«задобрить Цербера»**¹ – инглиз тилидан

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 64.

²Мокиенко В.М., Никитина Т.Г. Большой словарь русских поговорок. – Москва, 2007. – С. 239.

³<https://www.fraze.ru/index.php/frazeologizm/na-bukvu-z/zagadka-sfinksa>

⁴Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 132.

⁵Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 18.

кириб келган мазкур ибора рус тилида ҳам «*пора бериб тинчитмоқ*», «*огзини ёпмоқ*» маъносида ишлатилади. Айрим манбаларда берилишича, бу ёвуз махлуқ жаҳаннам дарвозасини қўриқловчи ит сифатида тилга олинади. Рус тили луғатларида Цербер сўзининг ўзи «*ёвуз*», «*баджаҳл*» ва «*сергак қоровул*» маъноларида берилган. Ўзбек тилида: «**Ичгани оши йўқ – итининг оти Бойтеват**» мақолидаги **Бойтеват** (бойтева – уй хизматкори, чўри қиз) итларга нисбатан қўйиладиган номлардан бири бўлиб, агар бирор киши «*кўрпасига қараб оёқ узатмасдан*» тўй қилса-ю, тўйга бориб келган инсон сиқилиб ўтириб, оч қайтса, «*Тўй қандай ўтди?*» деб сўрашса, «*Э қандай бўларди, итнинг ўғли Бойтеватгача айтибди*», дея жавоб беради, яъни, «**Ичгани оши йўқ – итининг оти Бойтеват**» деб куруқ мақтанчоқларга нисбатан айтилади². Яъни, бунда «*ҳаммани тўйга айтибди*», деган истехзо ва киноя мавжуд. Бу мақолда кўпроқ ўзбек халқи менталитетини ифодалаш хусусияти устуворлик қилади.

Г) **От номлари** билан келган ФБлар. Инглиз тилида: «**ride Bayard of ten toes**» ҳазил тарзида ишлатиладиган бу ФБ мазмунида «*ўз оёғи билан*», «*пиёда*» деган маънолар ифода этилган. **Bayard** чаққон оёқли от номи бўлиб, Ўрта асрларда рицарлар ҳақидаги қиссалардан олинган³. Рус тилида: «**седлать (оседлать) Пегаса**» иборасида қўлланилган **Пегас** – юнон мифологиясига кўра, қанотли отнинг номи. Персей танасини бошидан жудо қилган Медуза Горгонанинг қон томирларидан туғилган. Персейни миндирмаган Пегас осмонга отилиб, Олимпга момақалди роқ улашиб, фақат Зевсга бош эгарди. Афсоналарга кўра, бир куни Парнас тоғида яшовчи илҳом парилари қўшиқ айтаётган пайтда Геликон тоғи «ўса бошлайди». Геликон тоғининг осмонларга қадар етиб боришини истамаган маъбудлар ёрдамга Пегасни чақиривади. Чунки Геликон тоғида яшовчи

¹Ўша манба. – Б. 199.

²Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 147.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 11.

оддий инсонлар маъбудларнинг маконидан даргоҳ қуришлари мумкин эди. Олимпда тўполон бўлишидан кўрққан худолар аҳволни яхшилаш учун Пегасни юборишади. У Геликонга тушиб, тоғни туёқлари билан ура бошлайди. Тоғ аввалги кўринишига қайтади ва булоқдан сеҳрли сув чиқа бошлайди. Бу Гипокрен бўлоғи эди, мазкур ном юнонча сўздан олинган бўлиб, «*гиппос*» – «от» ва «крэнэ» – «булоқ» деган маъноларни англатади. Булоқнинг суви шоирларга лирик кайфият ва илҳом бағишларди¹. ФБ мана шу афсонадан келиб чиққан.

5. Астроним (юлдуз, сайёра ва осмон жисмларининг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**like nothing on Earth**» – «*даҳшатли*», «*жирканч*» маъноларини берадиган мазкур ФБ таркибида **Earth** – Ер шарининг номи сифатида², «**be (jump) over the Moon**» – «*дўпписини осмонга отмоқ*», «*еттинчи осмонда бўлмоқ*» деб таржима қилинадиган ФБ таркибидаги **Moon** – Ой номи сифатида астроним ҳисобланади³. Рус тилида: «**спускаться (спуститься/опуститься) на Землю**» – «*реал ҳаётга қайтмоқ*», «*осмондан пастга тушмоқ*»⁴, «**вздохать на Луну**» – «*романтик кайфиятда бўлмоқ*»⁵ маъноларида келган мазкур ФБлар таркибидаги **Земля** ва **Луна** компонентлари астроним ҳисобланади. Ўзбек тилида: «**Ойга қараб адашсанг, отингни «Олтин қозик»қа боғла**» мақолида «**Олтин қозик**» Қутб юлдузи маъносида келган⁶. Қадимда компас бўлмаганлиги сабабли узоқ сафарга чиққан йўловчилар Қутб юлдузига қараб йўлларини давом эттирганлар. Қутб юлдузи кўпинча шимолий нуқтага яқин турган. «**Хулкар ботди – ер қотди**» мақолида **Хулкар** – **Сурайё** юлдузининг номини ифодалайди⁷. Одатда,

¹Ўша манба. – Б. 179-180.

²Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 541.

³Ўша манба. – Б. 514.

⁴Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 152.

⁵Мокиенко В.М., Никитина Т.Г. Большой словарь русских поговорок. – Москва, 2007. – С. 373.

⁶Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 245.

⁷Ўша манба. – Б. 231.

Хулкар ботгани сайин ҳаво совиб, ер музлайди. Шунинг учун мазкур мақол кўчма маънода ишлатилади.

6. Космоним (космик кема, бурж ва юлдузлар туркуми номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**Lunar module**» – «*Ой капсуласи*» маъносини ифода этган ушбу ФБ ойга учувчи ракетанинг бир қисми ҳисобланади. Астронавтлар Ойга ўша қисмдан тушишган¹. Ўзбек тилида: «**Мезон ўтиб Акраб кирса, қиш деган сўз**»². Маълумки, Шарқ йилномасига кўра, Мезон 12 та бурж номларининг бири. Айрим манбаларда Мезон тарози буржи сифатида ҳам тилга олинади. Мезон ҳар йилнинг 22 сентябрь кунидан 21 октябргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр куз фаслининг бошидан бошланиб, ўрталаригача давом этади. **Акраб** – мезондан кейинги бурж ҳисобланиб, 22 октябрдан 21 ноябргача давом этади. Юқоридаги мақолда «*Мезондан кейин Акраб келса, демак ҳавонинг совиши бошланади*», дейилмоқда. Рус тилида космоним компонентли ФБлар аниқланмади.

7. Хрононим (тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**the Augustan age**» – «*санъат ва адабиётнинг олтин даври*». Рим императори **Август**нинг ҳукмдорлик қилган йиллари Рим тарихида «*санъат ва адабиётнинг олтин даври*» ҳисобланади³. Аксарият ҳолларда қиролича Анна ҳукмдорлик қилган даврни ҳам Англиянинг «*олтин даври*» деб аташади. «**The Periclean age**» – «*адабиёт, илм-фан ва санъатнинг гуллаб яшнаган даври*». Мазкур ФБ император **Перикл** номидан келиб чиққан бўлиб, тарихда унинг ҳукмдорлик қилган йиллари «*Перикл асри*» номи билан машҳур⁴. Рус тилида: «**Варфоломеевская ночь**» 1) «*даҳшатли*», «*қўрқинчли*»; 2) «*ҳимоясиз инсонларни шавқатсиз жазолаш*»

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 48.

²Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 231.

³Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 33.

⁴Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 56.

маъносида келади¹. Мазкур ФБ 1572 йилнинг 24 август куни авлиё Варфоломей кунидан бир кун олдин Париждаги католик черковининг тарафдорлари протестант-гугенотлар қириб ташланган ҳодисадан кейин истеъмолга кирган. Бўлажак қирол Генрих IV билан Маргарита Валуанинг никоҳ маросими муносабати билан тўпланган курултойда ўн минглаб гугенотлар ҳалок бўлишган². Ўзбек тилида хрононим компонентли ФБлар мавжуд эмас.

8. Фалероним (танга, орден ва медалларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**Brummagen button**» – «*сохта танга*» (айниқса, мис хусусида). Brummagen – Birminghamнинг бузиб айтилган шакли. У ерда XVII асрда кумуш тангаларни сохталаштирганлар. Мазкур ибора Birmingham (тарихий жой) номи билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунга келиб истеъмолдан чиққан³. Рус ва ўзбек тилларида фалероним компонентли ФБларнинг борлиги кузатилмади.

9. Геортоним (байрам номлари) компонентли ФБлар. Ўзбек тилида: «**Наврўздан сўнг қиш бўлмас, Мезондан сўнг ёз бўлмас**» мақолида **Наврўз** байрам номи сифатида тилга олинади⁴. Қуёш йили ҳисобига кўра, ҳар йилнинг 21 март кунидан бошлаб янги йил бошланади. Чунки, 21 мартдан 20 апрелгача бўлган давр йилнинг биринчи ойи ҳисобланади. Бу давр баҳор фаслининг бошланишига тўғри келиб, ҳаво анча илиқ бўлади. Форс-тожик тилларида янги йил Наврўз деб номланиб, бу кунни барча Ўрта Осиё халқлари байрам сифатида нишонлайди. Мазкур иборада **Наврўз** компоненти байрам номи маъносида геортоним вазифасида иштирок этган. Инглиз ва рус тилларида геортоним компонентли ФБлар аниқланмади.

¹Тихонов А.Н., Ломов А.Г., Ломова Л.А. Фразеологический словарь русского языка. – Москва: Русский язык Медиа, 2007. – С. 25.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 139.

³Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 118.

⁴Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 229.

10. Документоним (хужжатларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**Drakonian laws**» – «*огир қонунлар*» ёки «*Дракон қонунлари*» маъносида. Милоддан аввалги асрларда яшаган Афина ҳуқуқшуноси каттиққўллиги билан машҳур бўлиб, қилинган жиноят учун ўлим жазоси тайинлаган. Ибора ҳуқуқшунос **Дракон** номи билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунга қадар истеъмолда қўлланилиб келинади¹. Рус тилида: «**Филькина грамота**» – «*кераксиз қогоз*», «*арзимас нарса*», «*ҳеч қандай кучга эга бўлмаган хужжат*»ни билдиради². Бу иборанинг келиб чиқиш тарихи Иван Грозний ҳукмронлик вақтига бориб тақалади. Москва митрополити Филипп зиёли ва ақлли одам бўлиб, подшонинг зўравонлик сиёсатига қарши чиқади. У бир неча бор Иван Грозний чиқарган қарорларни бекор қилиш ҳақида илтимоснома хатини ёзади. Подшо унинг гапларига кулоқ солгиси ҳам келмай, уни **Филька** деб, унинг илтимосномаларини эса «**Филькина грамота**», яъни, «*саводсизларча ёзилган, инобатга олиб бўлмас хужжат*» деб киноя қилган³. Ўзбек тилининг лексик қатламида эса документоним компонентли ФБлар аниқланмади.

11. Эргоним (ижтимоий гуруҳ номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**the three tailors of Tooley Street**» ибораси «*ўзини миллат вакили деб ҳисоблайдиган одамлар*» маъносида қўлланган. Бунда **Tooley Street** гуруҳ номини ифодалаб келади⁴. Рус тилида: «**сыновья лейтенанта Шмидта**» иборасида «*қаллоблар*» мазмуни ифода этилган. И.Ильф ва Е.Петровнинг «Олтин бузоқча» қиссасида тасвирланишича, бир гуруҳ қаллоблар ўзларини бойларнинг фарзандлари деб таништириб, «*Биз лейтенант Шмидтнинг ўғилларимиз*» дейишади. Иборада шунга ишора сифатида **Шмидт** номи

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 439.

²Мокиенко В.М., Никитина Т.Г. Большой словарь русских поговорок. – Москва, 2007. – С. 160.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 195.

⁴Ўша манба. – Б. 70.

кўлланган¹. Таҳлил натижалари ўзбек тилида эргоним компонентли ФБларнинг йўқлигини кўрсатди.

12. Идеоним (маънавий-маданий асарларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**cigar-store Indian**» – қадимда Ҳиндистондаги тамаки сотиладиган дўконлар олдида ўйиладиган ҳайкалларнинг номи. Бундай ҳайкаллар ҳозирги кунда ҳам АҚШда тамаки сотиш рамзи ҳисобланади². Иборада шу маъно ифода этилган. Рус тилида: «**Ты этого хотел, Жорж Данден**» ибораси «*ўйламай босилган қадам сабабли кўнгилсизликларга учрамоқ*» маъносида ишлатилади. Мольернинг «**Жорж Данден**» комедияси (1668 й.) шундай номланиб, унинг қаҳрамони Жорж Данден бой деҳқон, зодагоннинг қизига уйланган. Бундай нотенг оилада у ўзини ноқулай сезган ва ўзига «*Сен шуни ўзинг истадинг, Жорж Данден*» деб қайтарган. Кейинчалик, бу жумла ФБ сифатида истеъмолга кирган³. «**Татарен из Тараксона**» ибораси «*мақтанчоқ, ёлгончи, уйдирмачи*» маъносини билдиради. А.Доденинг «**Тараксондаги татар**» асарида (1872 й.) олинган⁴. Ўзбек тилида идеоним компонентли ФБларнинг борлиги кузатилмади.

13. Хремотоним (одамзот яратган маҳсулотлар: машина, қурол-аслаҳа, идиш, мусиқа асбобларининг алоҳида номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида: «**Big Berta**» ибораси «*узоқ масофага отадиган қурол*» маъносини билдиради. Немислар Биринчи Жаҳон урушида Парижни узоқ масофали қуролда ўққа тутадилар. **Big Berta** номи билан аталувчи ушбу қурол фабрика эгасининг хотини **Берта Круп фон Болен** номига атаб қўйилган⁵. Рус ва ўзбек тилларида хремотоним компонентли ФБлар мавжуд эмаслиги кузатилди.

14. Библионим (илмий, бадиий, диний китоб ва асарларнинг номлари) компонентли ФБлар. Инглиз тилида:

¹Ўша манба. – Б. 201.

²Ўша манба. – Б. 36.

³Ашукин Н.С., Ашукина М.Г. Крылатые слова. – Москва, 1955. – С. 551.

⁴Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 190.

⁵Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 77-78.

«**Canterbury story**» (ёки tale) ибораси ҳазил тарзида ишлатилиб, «узун зерикарли эртак», «*ҳақиқатга зид ҳикоя*» деган маънода келади. Д.Чосернинг сигир боласи ҳақидаги «**Кентербери ҳикоялари**» номли эртаклар тўплами номидан келиб чиққан¹. «**The house that Jack built**» ибораси «*такрорий эртак*» маъносини беради. Мазкур ФБ «**The house that Jack built**» («**Жек қурган уй**») эртаги номидан келиб чиққан². Рус тилида: «**Арабские сказки**» ибораси «*ёлгон*», «*уйдирма*» маъносида ишлатилиб, «Минг бир кеча» эртаклар тўпламининг русча таржимасидир³. «**Тайны (тайна) Мадридского двора**» ибораси «*катта аҳамиятга эга сир*» маъносида ишлатилади. Бу ибора ёзувчи Г.Борннинг «Мадрид саройининг сирлари» романи рус тилига таржима қилинганидан кейин истеъмолга кирган⁴. Ўзбек тилида: «**Мулла ҳалвони кўрса, Қуръонни унутади**», яъни, «*Ислом шариатидан хабардор мулла ҳам кези келганда, Қуръон қоидаларига риоя қилмай, шариатни унутади*», дейилмоқда. «**Ҳалво**» – бу ерда «*пул*», «*пора*» маъносида⁵. Мазкур ФБ таркибидаги **Қуръон** мусулмонларнинг муқаддас китоби сифатида библионим вазифасида иштирок этган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунга қадар олимларнинг ФБлар бўйича олиб борган тадқиқотларида компонент таркибига кўра ФБларнинг бир неча таснифлари амалга оширилган. Бироқ, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ФБлар ономастик компонент нуқтаи назаридан бир тизимда тасниф этилмаган. Юқоридаги таснифлардан келиб чиққан ҳолда қардош бўлмаган инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланди.

¹Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – С. 105.

²Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 402.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 133.

⁴Мокиенко В.М., Никитина Т.Г. Большой словарь русских поговорок. – Москва, 2007. – С. 656.

⁵Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи. – 1984. – Б. 147.

Инглиз тилидаги ФБлар таркибида ономастик бирликларнинг деярли барча турлари иштирок этган. Фақат *агороним*, *геортоним* компонентли ФБлар учрамайди. Рус тилидаги ФБлар таркибида *антропоним*, *мифоним*, *теоним*, *агионим*, *хороним*, *ойконим*, *урбаноним*, *ороним*, *гидроним*, *потомоним*, *этноним*, *орнитоним*, *мифозооним*, *астроним*, *хрононим*, *документоним*, *эргоним*, *идеоним* ва *библионим* компонентлари мавжудлиги аниқланди. Фақат *агороним*, *космоним*, *фалероним*, *геортоним* ва *хрематоним* компонентлари рус тили ФБлари таркибида мавжуд эмас. Ўзбек тилида *хрононим*, *фалероним*, *документоним*, *эргоним*, *идеоним* ва *хрематоним* таркибли ФБлардан ташқари қолган барча ономастик компонентли ФБлар турини учратиш мумкин.

Боб бўйича хулосалар

Жаҳон тилшунослигида ФБлар хусусида мунозарали фикрлар ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлиб, ўрганилган илмий-назарий қарашлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган, қисман ёки тўлиқ кўчма маъно англатган барқарор бирикмалар: мақол, матал, афоризм, ибора – буларнинг барчаси ФБлар таркибида ўрганилиб, улар таркибидаги ономастик бирликлар турли тиллар тизимида алоҳида ўрин тутди. ФБларда муайян халқнинг дунёқараши, урф-одатлари, турмуш тарзи, миллий-маданий хусусиятлари акс этади. Бинобарин, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик таркибли ФБлар ўз этимологияси, шаклланиш омилларига эга.

Таҳлил этилган мисоллар шуни кўрсатадики, инглиз, рус ва ўзбек тилларида бундай бирликлар антик мифология, диний манбалар, фольклор, бадий адабиёт, муайян халқнинг кундалик турмуш тарзи ва тарихи асосида шаклланган. Қолаверса, ономастик компонент сифатида ҳар учала тилнинг ФБлари таркибида ҳам реал, тарихий, тўқима шахсларнинг, бадий персонажларнинг, халқ оғзаки ижоди қаҳрамонларининг исмларини, шунингдек, илоҳларнинг, муқаддас китобларда тилга олинган пайғамбар ва жой номлари қатнашганлигини кузатиш мумкин.

Инглиз ва рус халқлари қадимдан диний жиҳатдан муштарак, урф-одатлари ҳам ўхшаш бўлиб келганлиги учун тиллардаги ономастик компонентли ФБлар мазмуни ва таснифида боғлиқлик кузатилади. Шу боис инглиз ва рус тиллари ФБларининг таснифи деярли бир хил. Ўзбек тилидаги бундай ФБлар эса туркий халқларнинг қадимги тарихи, дини ва қадриятлари асосида шакллангани боис ўзига хос яхлит тизимни ташкил этади. Гарчи инглиз, рус ва ўзбек тиллари қардош бўлмаса-да, таҳлил этилган мисоллар асосида ономастик компонентли ФБларни умуминсоний хусусиятлар бирлаштириб турганлиги намоён бўлган.

Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик таркибли ФБлар компонент тузилмасига кўра, антропоним, топоним, этноним, зооним, астроним, космоним, хрононим, фалероним, геортоним, документоним, эргоним, идеоним, хрематоним, библионим компонентли турларга ажратилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ФБлар таркибида деярли барча ономастик компонентларнинг тури борлигини кузатишимиз мумкин. Фақатгина, инглиз, рус ва ўзбек тилларининг қардош бўлмаганлиги ономастик компонентлар таснифини амалга оширишда тиллар орасидаги айрим фарқларда кузатилди. Шунга қарамасдан, ФБлар таркибидаги ономастик бирликлар таснифи яхлит бир лингвистик тизим сифатида қолипга солинди.

II БОБ. ОНОМАСТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

§ 2.1. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили

Ҳар бир халқ ҳаётий кечинмаларни, воқеликларни таъсирчан ва жозибали ифодалаш мақсадида ўз оғзаки ижодида ФБларни ишлатади. ФБларнинг семантик ифодаси истъмолда қўлланиши билан қардош бўлмаган тиллар тизимида бир-биридан фарқланиши мумкин.

Инглиз, рус ва ўзбек тиллари тизимида ономастик компонентларнинг ФБлар таркибида ўзига хос маъно ва мазмун ифодалашини шу тилда гаплашувчи халқларнинг бадиий ва халқ оғзаки ижоди, диний эътиқоди ҳамда кундалик турмуш тарзи билан боғлиқлиги уларнинг семантик хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. ФБлар халқнинг кундалик мулоқот жараёнига шунчалик сингиб кетганки, улар ўзининг асл маъносини аллақачон йўқотиб бўлган. Хусусан, ФБлар таркибидаги исм ва номлар ўтмишда яшаб ўтган ва тарихда қайсидир ҳодиса сабаб из қолдирган инсонлар ёки тарихий жой номи билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун ҳам ономастик компонентли ФБларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишдан олдин улар таркибидаги исм ва номларнинг шаклланиш сабабларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида С.Сушинскене¹, Р.М.Солано², А.Врбинц³ каби Ғарб олимлари ономастик компонентли ФБларнинг семантик, лингвомаданий ҳамда таржима хусусиятларини славян ва инглиз тиллари мисолида ўрганишган.

Рус тилшуносларидан Е.Ф.Арсентьева инглиз ва рус

¹Solveiga Susinskiene. Personal and Place Names in English Phraseology // Acta humanitarica universitatis Saulensis, 2011. – № 8, P. 320–328.

²Solano Ramon Marti. Phraseological Units in English: variation through lexical insertion. Rassegna Italiana di Linguistica Applicata, 2011. – P. 389-404.

³Vrbinc A. A Cross-linguistic and Cross-cultural Analysis of English and Slovene Onomastic Phraseological Units. Cambridge: Cambridge Scholars Publishing, – 2019. – 320 p.

тилларидаги инсон характери ифодаловчи ФБларнинг семантик жиҳатларини тадқиқ этган бўлса¹, Е.В.Сафронова номзодлик ишида замонавий инглиз тилида Инжилдан ўзлашган ономастик компонентли ФБларни семантик ва структуравий нуқтаи назардан², Г.Р.Ганиева эса инглиз, рус ва татар тиллари мисолида атоқли отлар билан келган ФБларнинг лексик, структур ва семантик хусусиятларини ўз тадқиқотларида чоғиштирма усулда ўрганишган³. Шунингдек, ономастик компонентли ФБларнинг семантик хусусиятлари инглиз тили мисолида З.В.Корзюкова томонидан атрофлича ўрганилган бўлиб, олима доминантлик мазмунига кўра, уларнинг бир неча семаларини ўз тадқиқот ишида кўрсатиб ўтади⁴. Олиманинг фикрига кўра, барча тилшунослар ФБларнинг икки хил семантик хусусиятини таъкидлаб ўтишади:

1. фразеологик маънонинг аниқ коннотатив ифода характери;
2. фразеологик маънонинг ёрқин антропоцентрик ифода характери.

Чунки, ҳар қандай тилнинг аксарият ФБлари инсоннинг характери, унинг ички ва ташқи фазилатлари, ижтмоий мақоми, ҳаракат ва ҳолатларини баҳолашда ишлатилади⁵.

Ўзбек олимларидан Р.И.Зарипова ижобий ва салбий коннотацияларга эга, оддий сўзлашув нутқига хос ФБларни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий усулда тадқиқ этган бўлса⁶, Г.М.Адашуллоева тожик ва ўзбек тилларидаги шахс

¹Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц выражающих характер человека в английском и русском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 1984. – 16 с.

²Сафронова Е.В. Структура и семантика фразеологических единиц с ономастическим компонентом библейского происхождения в современном английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Киев, 1997. – 21 с.

³Ганиева Г.Р. Фразеологические единицы с компонентом именем собственным в английском, русском и татарском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 2010. – 22 с.

⁴Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 234 с.

⁵Ўша манба. – Б. 84.

⁶Зарипова Р.И. Инглиз ва ўзбек тилларида оддий сўзлашув нутқига хос

хусусиятини ифодаловчи ФБларнинг грамматик ва семантик нуқсонларини¹, У.М.Рашидова ўзбек тили соматик ибораларининг², Р.И.Болтаева эса ўзбек бадий ва публицистик асарларидаги ФБларнинг семантик-прагматик, функционал-услубий жиҳатларини ўз тадқиқотларида ўрганишган³.

Шунингдек, Ш.А.Ганиева ўзининг илмий ишларида ўзбек фразеологизмларини шаклий ва мазмуний моделлаштириш асосида лексик ва фразеологик маъноларнинг дифференциал жиҳатларини тадқиқ этган бўлса⁴, Ф.С.Азизова инглизча ва ўзбекча ФБларни луғатлар асосида таҳлил қилиб, семантик жиҳатдан уларни гуруҳларга ажратади⁵.

З.Қ.Тешабоевнинг тадқиқот иши эса «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги ФБларнинг семантик, миллий-маданий хусусиятларини ўрганишга бағишланган бўлиб, олима Бобур лексикасида қўлланилган ибораларни қиёсий усулда текширган⁶. Қолаверса, Л.Э.Холмурадова ҳам ўз тадқиқотларида инглиз ва француз халқлари маданиятини ифодаловчи ФБларнинг этимологик ва семантик хусусиятларини тадқиқ этган⁷. ФБларнинг қиёсий-типологик аспектда ўрганилиши

фразеологизмларнинг адабий нормага муносабати: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Бухоро, 2020. – 50 б.

¹Адашуллоева Г.М. Тожиқ ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б.

²Рашидова У.М. Ўзбек тилидаги соматик ибораларининг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Самарқанд, 2018. – 52 б.

³Болтаева Р.И. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Самарқанд, 2019. – 48 б.

⁴Ганиева Ш.А. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Фарғона, 2017. – 50 б.

⁵Азизова Ф.С. Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвوماданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) афтореф. – Тошкент, 2018. – Б. 14-15.

⁶Тешабоева З.Қ. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

⁷Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (лингвوماданий аспект): Филол.

чоғиштира тилшунослик йўналишида олиб борилаётган кейинги изланишларда манба сифатида хизмат қилади. Юқорида номлари тилга олинган олимларнинг тадқиқотларида ФБлар лингвомаданий, семантик-прагматик, структур ва функционал-услубий жиҳатдан таҳлилга тортилган. Бироқ, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБлар семантик нуқтаи назардан яхлит бир тизимда ўрганилмаган. Биз ўз тадқиқотимизда турли тизимли тиллар мисолида ономастик компонентли ФБларни англатган маъно ва мазмунига кўра таҳлилга тортгамиз. Олиб борган кузатишларимиз натижасида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБлар қуйидаги маъноларни ифода этиши маълум бўлди:

1. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик, фаровонлик маъносида: инглиз тилида **«be safe and comfortable as if in Abraham's bosom»** – *«тинч, осойишта ҳаёт кечирмоқ»*, **«Olympian calmness»** – *«тинч-осуда, хавотирсиз ҳолат»*; **«heaven (paradise) on Earth»** – *«тинч ва осойишта ҳаёт»*, **«on Easy Street»** – *«фаровонлик»* маъноларида; рус тилида **«как у Христа за пазухой»** – *«тинч»*, *«осуда»*, *«хотиржам»* маъносида, **«Олимпийское спокойствие»** – *«тинч, осуда, хавотирсиз ҳолат»* ҳақида. Ўзбек тилидаги **«Хивада моли борнинг Бухорода кўнгли тўқ»** мақолида эса *«бой кишининг газнасида пули бўлса, ҳеч нарсани, эртанги кунини ўйламай, кўнгли тўқ, хотиржам юраверади»* деган мазмун бор.

2. Севги-садоқат, вафодорлик маъносида: инглиз тилида **«Darby and Joan»** (Г.Вудвольфнинг 1735 йилда чоп этилган балладасидаги кекса эр-хотин қаҳрамонларнинг номи), **«Stephen and Joan»** – *«севишганлар»*; рус тилида: **«Филемон и Бавкида»**, **«Ромео и Джульетта»**; ўзбек тилидаги **«Лайлини кўриш учун Мажнуннинг кўзи керак»**, **«Ишқда Тоҳир бўл, ишда моҳир бўл»** (**«Тоҳир ва Зухра»** номли халқ достони қаҳрамони Тоҳир чинакам севги, муҳаббат ва вафодорлик рамзи сифатида) каби ФБларда *«севги»* ва *«садоқат»* маънолари ифода этилган.

3. Орзу-истак маъносида: инглиз тилида **«Alnaschar dream»** – *«ушалмас орзулар»* маъносида. **«Минг бир кеча»**

эртаги қаҳрамони **Альнашир** номидан олинган; **«ask (cry) for the Moon»** – *«эришиб бўлмайдиган нарсани сўраш»*, *«Ойни олиб беришни сўраш»* маъноларида. Рус тилида **«ходит, что бык, вокруг Саввина огорода»** – *«ушалмас ниятлар ҳақида орзу қилмоқ»* маъносида; ўзбек тилидаги **«Фил тушида Ҳиндистонни кўрар»**, **«Сайёҳнинг орзуси – Довон ошмоқ»** каби ФБларда **«Ҳиндистон»**, **«Довон»** топонимлари *«орзу-истак»* маъноларини ифода этишга хизмат қилган.

4. Мақсад, интилиш маъносида: инглиз тилида **«Promethean fire»**; рус тилида **«Прометеев огонь»** – *«ўзининг олий мақсадлари сари интилмоқ»*, *«юксакликка интилмоқ»*. Ўзбек тилида **«Довон ошган чўқкиларни кўзлайди»** мақолидаги **«Довон»** қадимда Фарғона водийсида ташкил топган давлат номи бўлиб, мақолда шу жиҳатдан *«эришилган ютуқ билан кифояланиб қолмасдан, олга интилишда давом этиш керак»*, деган маъно ифода этилган. **«Излаганга – Эзид ёр»** мақолига синоним сифатида **«Интилганга тоъле ёр»** варианты ишлатилади. Қадимги аждодлармизнинг эътиқодий тушунчасига кўра, **Эзид** – яхшилик худосининг номини англатади. *«Изланган, ҳаракат қилган киши албатта муродига етади, унга Худо ёр бўлади»*, деган маъно яширинган ёки **«Қидириб – қидириб, Маккани топса бўлур»** мақолида ҳам *«агар мақсад астойдил бўлса, ҳаракат қилиб, интилиб узоқ марраларга эришиш мумкин»*, деган мазмун бор. Бу ўринда **«Макка»** топоними *«узоқ марра»*, *«мақсад»* маъносида қўлланилган.

5. Бойлик, мўл-кўлчилик маъносида: инглиз тилида **«(as) rich as Croesus»** – *«жуда бой инсон»*, *«Круз каби бой»* (сўзма-сўз таржима). Мазкур ФБ қадимги Лидия давлатининг охирги қироли тўғрисида; **«to make one's Jack»** – *«кўп пул топиш»*, *«бой бўлмоқ»* маъноларида ишлатилади. Рус тилида **«Фома – большая крома»** – *«бой-бадавлат одам»* ҳақида. Ўзбек тилидаги **«Мирзаи азимда минг Хоруннинг хазинаси-ю, туман Жамшиднинг давлати бор»**, **«Савр кирди – экинларга давр кирди»**, **«Савр ёмғири – сариқ олтин»** мақолларида **«Хорун»**, **«Жамшид»**, **«Савр ойи»** каби ономастик бирликлар *«бойлик»*, *«мўл ҳосил»* маъноларини ифодалашга хизмат қилган.

6. Дўстлик маъносида: инглиз тилида **«Damon and Pythias»**

– «ажралмас икки дўст» (афсоналарга кўра, Дамон ва Пифиас исмли дўстларнинг номларидан келиб чиққан); «**David and Jonathan**» – «қил ўтмас дўстлар» маъноларида ишлатилади. Рус тилида «два Аякса» – «икки ажралмас дўст», «Давид и Ионафан» – «қил ўтмас дўстлар» маносида. Ўзбек тилида: «Дўст тоғи – Қоф тоғи» (мифологик қарашларга кўра, Қоф – оламнинг чегараси – Ҳиндистонда жойлашган); ФБ таркибида қўлланилган «дўстлик тоғи» Қоф тоғига ташбеҳ қилинган.

7. Ҳазилкашлик маъносида: инглиз тилида «**April fish**» – «*I апрел ҳазили*», «**Tom fool**» – «*ҳазилкаш*»; рус тилида «**Алешки подпускать**» – «*ҳазиллашмоқ*» маъноларида; ўзбек тилида «**Ҳазил, ҳазилни тушунмаган – кал Фозил**» ибораси ҳазил, мутойиба тарзида ишлатилади.

8. Бахт, омад маъносида: инглиз тилида «**Jack pot**»; рус тилида «**колесо Фортуны**» – «*бахт*», «**делать (сделать) Фортуну**» – «*омад, бахтга эришмоқ*» маъноларида; ўзбек тилида «**Давлат қуши қўнса чивин бошига, Семурғ келар кунда унинг қошига**» ФБлари қўлланилади.

9. Донолик, ақл-заковат маъносида: инглиз тилида «**(as) wise as Solomon**»; рус тилида «**как Соломон мудрый**» – «*доно, ақлли, мулоҳазали одам*»; ўзбек тилида «**Сўзнинг Лукмон тилидан айтилгани – хўб**» ФБлари ишлатилади. Инглиз ва рус тилларидаги ФБлар таркибида қўлланилган «**Solomon**» («**Соломон**») – Сулаймон (а.с.) пайғамбар, бу инсон Инжил ва Қуръони Каримда доно, файласуф шахс сифатида тилга олинади. Лукмони ҳаким – Шарқ халқлари орасида тенги йўқ ҳаким ва донолик тимсоли ҳисобланган афсонавий шахс¹.

10. Адолат, одиллик, ҳақиқат маъноларида: инглиз тилида «**Daniel came to judgment**» – «*адолатли ҳакам*», «**(the) law of Lycurgus**»; рус тилида «**Ликурговы законы (закон Ликурга)**» – «*шавқатсиз, лекин, адолатли қонун*» маъносида. Ўзбек тилида «**Даъвогаринг хон бўлса, арзингни Аллоҳ эшитсин**» – мазкур ФБ таркибида «**Аллоҳ**» номи «*адолатли*», «*одил*» маъносини ифодаб келган.

¹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекситон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 326.

11. Ватанпарварлик маъносида: инглиз тилида «**East or West home is best**», «**an Englishman's home (house) is his castle**»; рус тилида «Дон, Дон, а лучше дом», «Ерема, Ерема, сидел бы ты дома да точил веретена» – «*ўз ўйинг – ўлан тўшагинг*» маъносида; ўзбек тилида «Бир қўйликни минг қўйлик қилган – Арслондининг ери, минг қўйликни бир қўйлик қилган – Арслондининг ели», «Хар кимнинг ўз юрти – ўзига Миср», «Туркистоннинг туби – жаннат», «Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ Маккадан келади», «Қаршининг арпасини еган эшак Самарқанддан ҳанграб келади» сингари мақолларда тилга олинган жой номлари орқали Ватанга муҳаббат маъноси ифода этилган.

12. Айёрлик, муғомбирлик, алдов, иккиюзламачилик маъноларида: инглиз тилида «**(the) Arabian nights**» – «*ёлгон гапирмоқ*», «**have kissed the Blarney stone**» – «*алдамоқ*», «ёлгон гапирмоқ», «**come (put) Yorkshire over somebody**» – «*кимнидир алдамоқ*», «**two-faced Janus**», «**nice Nellie**» – «*иккиюзламачи*», «**Tom pepper**» – «*ёлгончи*»; рус тилида «наш Авдей (Андрей) никому не злодей» – «*ёлгончи ва айёр инсон*», «в людях Ананья, а дома каналья» – «*мунофиқ, иккиюзламачи инсонлар*» ҳақида; ўзбек тилида «Сувдан кетгунча эчкига «Рустам достон» дерлар». Бунга синоним сифатида «Сувдан ўтгунча ё Баҳовуддин, сувдан ўтгач, қоч Баҳовуддин», «Бўйин тузалгунча: Салом алайкум, ғоз ака, бўйин тузалгач, қоч нари тур, ғоз ака» кабилар қўлланилади. Кўчма маънода охирги икки мақолда қўлланган антропонимлар «*иши битгунча ҳождати бор одамга иззат-ҳурмат қилиб, атрофида парвона бўлиб юрувчи, иши битгандан кейин эса тескари қараб кетувчи одамлар*»га нисбатан ишлатилган.

13. Сафсата, қуруқ ваъда маъноларида: инглиз тилида «**double Dutch**» – «*сафсата*», «**(an) Irish bull**» – «*сафсата, бемаънилик*», «**promise the Moon**» – «*мумкин бўлмаган нарсани ваъда қилмоқ*», «ойни олиб беришни ваъда қилмоқ» (сўзма-сўз таржима) маъноларида ишлатилади. Рус тилида «**разводить Вавилоны языком**» – «*сафсата гапларни гапирмоқ*», «**Андроны едут**» – «*беъмани, сафсата*» маъноларида. Ўзбек тилида «Ойни олиб бераман»га бола ишонар» мақоли «*сен бировнинг қуруқ*

ваъдасига ишонма, бундай гапларга эси кирмаган болалар ишонади» мазмунида ишлатилади.

14. Кўрқитиш, азоб-уқубат, шавқатсизлик маъносида: инглиз тилида «**give smb. the Willies**» – «бировни қўрқитмоқ»; рус тилида «**Панический страх**» – «саросимага соладиган қўрқув» маъносида; ўзбек тилида «**Асфандиёр хон бўлди, оғзи – бурним қон бўлди**», «**Оллоҳ**» дегунча уриб ўлдирмоқ» каби ФБлар мазмунида «*шавқатсизлик*», «*жабр-зулм*» маънолари ифодаланади.

15. Очкўзлик ва хасислик маъносида: инглиз тилида «**Tom (Tommy) Tucker**» (**Tom (Tommy) Tucker** – инглиз тилидаги болалар шеърининг қаҳрамони номи), «**Billy Bunter**» – «*еб тўймас*», «*очофат*» (ФБ Фр.Ричардснинг ҳикояларидаги ўқувчи номидан келиб чиққан) маъноларида; ўзбек тилида «**Палов**» деса – **Пайшанбага чопади**, «**дўлма**» деса – **Душанбага**» (Пайшанба, Душанба – Тожикистондаги шаҳарлар номи), «**Эшонбозорда ит ўлса, «йигирма»сидан қурук қолмайди**»¹ ёки «**Тўй, зиёфат, марака оши деса – «Хирот» боради**» каби ФБлари *текинтомоқ*, *очкўз*, *ебтўймас* кишиларга нисбатан киноя тарзида ишлатилади. «*Хасислик*» маъносида ўзбек тилидаги «**Бойлик десанг қоп-қоп, бир пул десанг Аштархондан топ**» мақоли «*бойлиги кўп бўлишига қарамай, зарурат юзасидан сўралганда ўзини олиб қочади*» мазмунида қўлланилади.

16. Тентаклик, аҳмоқлик маъноларида: инглиз тилида «**Bess o'Bedlam**» – «*аҳмоқ*», «*тентак*», «**Tom (Jack) o'Bedlam**» – «*тентак*», «*ақлдан озган*»; рус тилида «**Аноху подпускать**» – «*ўзини аҳмоқ сингари тутмоқ*», «**Иван, без имени – болван**» – «*аҳмоқ инсон*» ҳақида; ўзбек тилида «**Бир ақлсизга ақл бергандан – Қоф тоғини эгов билан ун қилган осон**» мақолида «*аҳмоқ одамга гапириб, насиҳат берсанг ҳам бефойда*», дейилмоқчи ёки «**Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл?**», «**Аҳмоққа Қува – бир тош**» мақолларида «*аҳмоқ инсон Тўйтепа ёки Қувага ҳам нодонлиги туфайли ниёда бораверади*», деган маъно бор.

¹Ўша манба. – Б. 293-294.

17. Жанжалкашлик, жиннилик маъносида: инглиз тилида «**talk Billingsgate**», «**(fight like) Kilkenny cats**»; рус тилида «**воскресить Каина**» – «урушмоқ», *жанжаллашмоқ*» маъносида; ўзбек тилида «**Али жинни, Али жиннининг бари жинни**» – «*жиннилик, жанжалкашликда бир-биридан қолишмайдиган ака-укалар*» ҳақида; «**Алиёр овга чикди, кетидан ғавго чикди**» – «*жанжалалакашлиги туфайли доим ғавго келтириб чиқарадиган инсон*» ҳақида.

18. Ишончсизлик маъносида: инглиз тилида «**Cassandra warnings**» – «*башоратига ҳеч ким ишонмайдиган фолбин*»; рус тилида «**один сынище, и тот Фомище**» – «*ишончни оқламаган одам*» ҳақида; ўзбек тилида «**Ишонмагин Алитозга, Алитоз кўяр ёзга**» каби ФБлар киноя тарзида ишлатилади.

19. Кўнгилсизлик, хавф-хатар маъносида: инглиз тилида «**the sword of Damocles**», «**Vatican roulette**», «**black Friday**»; рус тилида «**Дамоклов меч**» – «*ҳар дақиқада содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатар*», «*бироваклар учун хавфли ҳодиса*», «*кўнгилсизлик содир бўлган кун*» мазмунида; ўзбек тилида «**Кончи конига тушди, Азроил ёнига тушди**» (кончиларнинг хатарли касби назарда тутилган), «**Сафар ойи – хатар ойи**» каби ФБлар мазмунида «*ҳар бир дақиқада содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатар*» маъноси ифодаланади.

20. Нодонлик, фаҳмсизлик маъноларида: инглиз тилида «**dumb Dora**» – «*нодон қиз*», «**Tom Noddy**» – «*ақлсиз*», «*нодон*», «**silly Billy**» – «*нодон*», рус тилида «**прикидываться Мирошкой**» – «*ўзини тентакдек тутмоқ*», «**не смыслит Вавила ни уха, ни рыла**» – «*ҳеч нарсани тушунмайдиган нодон инсон*» ҳақида, «**толкуй, Фетинья Савишна, про ботвинью давешнюю**» – «*бефаҳм гапларни гапирадиган одам*» мазмунида. Ўзбек тилида «**Мен Аштдан келсам, у даштдан келади**» мақоли (варианти: «**Мен боғдан келсам, у тоғдан келади**», «**Мен нима дейману, у нима дейди**»)да «*бир одам бировга дардини айтиб маслаҳат олмоқчи бўлса-ю, тинглаб турган одам ўзини гўлликка солиб, бефаҳмдай тутишига*» ишора қилинган.

21. Адолатсизлик, ноҳақлик маъноларида: инглиз тилида «**Dutch reckoning**» – «*адолатиз ҳисоб*»; рус тилида «**это Сидорова правда, да Шемякин суд**» – «*адолатсизлик*» ҳақида.

Ўзбек тилидаги «**Ишни қилар Машариф, муштни ейди Миршариф**» мақол мазмунида ҳам ноҳақлик иллатига ишора мавжуд ёки «**Ма санга, ма санга, нима қолди Ҳасанга**» мақолига синоним сифатида «**Ариқни кимлар қазийди, сувни кимлар ичади**» варианты қўлланилади. Бунда исмнинг қўлланилиши шеърий қофияни таъминлашга қаратилган бўлса-да, мазмунидан *адолатсизлик* маъноси англашилади.

22. Ишёқмаслик, дангасалик маъносида: инглиз тилида «**to Jack around**» – «дангасалик қилмоқ», рус тилида «**девушка Гагула села прясть, да и заснула**», «**что Машка напярля, то мышка скрала**» – «бекорчи», «дангаса» ҳақида. Ўзбек тилида «**Гап десанг қоп-қоп, пулни Олатоғдан топ**» мақолининг «**Гап десанг қоп-қоп, пулни Қоратоғдан топ**», «**Гап десанг қоп-қоп, пулни Самарқанддан топ**», «**Гап десанг қоп-қоп, пулни Кўҳи Қофдан топ**», «**Гап десанг қоп-қоп, пулни Ҳиротдан топ**», «**Гап десанг қоп-қоп, иш десанг, Самарқанддан топ**» сингари бир неча синонимлари мавжуд. Эътибор берилса, мақоллар таркибидаги Қоратоғ, Олатоғ, Кўҳи Қоф оронимлари, Самарқанд, Ҳирот сингари хоронимлар *дангасалик, ишёқмаслик* семасини ифодалаб келади. Шеърий тарзда яратилган ушбу мақолларда тилга олинган топонимлар узоқ масофани билдириб келган ва ишёқмаснинг важию, баҳонасини очиб беришга хизмат қилган.

Таҳлил этилган мисоллар асосида шуни айтиш мумкинки, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБлар семантикасида ижобий ва салбий коннотация касб этувчи универсалияларнинг аниқланганлиги ҳар учала тилнинг фразеологик қатламида ўхшаш жиҳатларнинг борлигини исботлади. Шунга қарамасдан, инглиз, рус ва ўзбек тиллари қардош бўлмаганлиги сабабли фақат инглиз ва рус тиллари ҳамда фақат ўзбек тилида ўзига хос маъноларни англатувчи ономастик компонентли ФБларнинг мавжудлигини қуйида таҳлил этилган мисоллар асосида кўришимиз мумкин. Масалан:

1. Ростгўйлик маъносида: инглиз тилидаги «**honest Abe**» ибораси АҚШ президенти Авраам Линкольннинг лақабидан келиб чиққан (1809-1865 йй.). Ўзбек тилига ушбу ибора «*ростгўй ёки қари Эйб*» тарзида деб таржима қилинади; «**honest Injun**» – «*чин сўзим*» мазмунидаги мазкур ФБ даставвал америкаликлар

томонидан истеъмолга кирган бўлиб, «*Injun*» «*Indian*» сўзининг қадимий шаклидир. Рус тилида ҳам «наш Демид прямо глядит» ибораси «*ҳеч қачон алдамайдиган, тўғри сўз инсон*» маъносида ишлатилади.

2. **Ҳуқуқбузарлик, ўғрилик, қотиллик маъноларида:** инглиз тилида «**desperate Dick**» – «*каллакесар*», «*қотил*», «**Jack the ripper**» – «*қотил*»; рус тилида «**Ванька-Каин**» – «*огир жинойтчи*», «*ўғри*», «*қўли эгри инсон*» маъносида (рус халқи эртақларида ўзининг саргузаштлари билан машҳур бўлган ҳикоя қаҳрамони «**Ванька**» номидан келиб чиққан).

3. **Ожизлик, заифлик маъноларида:** инглиз тилида «**Achilles' heel**» («**the heel of Achilles**») – «*ожиз жой*», «*заиф томон*», «**weary Willie**» – «*ожиз, суст инсон*»; рус тилида «**Флору не тяжело тянуть своё тягло, да скоро Флор устанет, как два тягла потянет**» – «*кучи етмайдиган ишга қўл урмаслик кераклиги*» мазмунида.

4. **Гуноҳкорлик, лаънат маъноларида:** инглиз тилида «**the curse of Adam**», «**(the) curse of Cain**», «**man (ёки son) of Belial**»; рус тилида «**Адамов грех**» – «*лаънатланиш*», «*гуноҳга ботган инсон*» мазмунида ишлатилади.

5. **Мағлубият маъносида:** «**meet one's Waterloo**» – «*энг сўнгги зарба (мағлубият)га учрамоқ*» маъносидаги мазкур ибора *мағлубият* мазмунини англатади. 1815 йилда француз қўмондони Наполеон Ватерлу олдида энг сўнгги қақшатқич зарбага учрайди. Шу тарихий ҳодиса сабаб, XIX асрдан бошлаб «**meet one's Waterloo**» ибораси «*энг сўнгги зарба (мағлубият)га учрамоқ*» маъносида инглиз тилига истеъмолга кирган¹. Рус тилида «**Марий на развалинах Карфагена**» – «*инқирозга учрамоқ*» маъносида ишлатилади.

6. **Бузуқлик, ахлоқсизлик маъносида:** инглиз тилида «**lady of Babylon**» – (шунингдек, «**the whore of Babylone**»; «**the Babylonian whore**»; «**the fornicatress of Babel**») – «*суюқоёқ аёл*», «*жуда енгилтак аёл*» маъноларида. Инжил ривоятларига кўра,

¹Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – С. 104.

Вавилон, яъни, **Бобил** вилояти жуда ҳам гуноҳга ботган мамлакат ҳисобланган. Қадимда у ерда фахш, зино авжига чиққан. Бу ҳақида Қуръони Карим оятларида ҳам изохлар келтирилган. **«Jack of hearts»** – «жазман» маъносида, **«dusty Laurence»** – «нияти бузуқ одам», **«Sodom and Gomorrah»** – «гуноҳлар макони»; «зинокорлик макони» маъноларида. Рус тилида **«Вавилонская блудница»** – «суюқоёқ аёл», **«ветхий Адам»** – «инсон табиатининг бузуқлиги» маъносида.

7. Ичкилик, маст ҳолат ҳақида: инглиз тилида **«Bacchus has drowned more men then Neptune»**, **«kiss black Betty»**, **«as drunk as Chloe»**; рус тилида **«поклоняться Вакху»** – «спиртли ичимликларни истеъмол қилмоқ», **«майга ружу қўймоқ»**; **«Ванюха - свиное ухо, Мартын свалился под тын»** – «маст инсонлар» ҳақида.

8. Қайсарлик маъносида: инглиз тилида **«colonel Blimp»**; рус тилида **«нашего Мины не проймешь в три дубины»** – «қайсар инсон» ҳақида.

9. Беқарорлик маъносида: инглиз тилида **«Buridan's ass»**; рус тилида **«Буриданов осёл»** – «жуда беқарор инсон»; **«Геркулес на распутье»** – «икки қарордан бирини танлашга қийналган инсон» мазмунида.

10. Умидсизлик, тушкунлик маъносида: инглиз тилида **«by (the) lord Harry!»**; **«Вавилонская тоска»** – «чуқур тушкунликка тушмоқ».

11. Сотқинлик маъносида: инглиз тилида **«Benedict Arnold»**, **«Judas kiss»**; рус тилида **«поцелуй Иуды»**.

12. Ифлослик, тартибсизлик маъносида: инглиз тилида **«the Augean stables»**, **«(the) confusion of Babylon»**; рус тилида **«Авгиевы конюшни»** «последний день Помпеи» каби ФБлар ишлатилади.

13. Сабр-тоқат маъносида: инглиз тилида **«(as) patient as Job»**, **«poor Job»**; рус тилида **«терпеливый как Иов»** – «жуда сабрли одам» маъносида.

Ўзбек тилидаги ономастик таркибли ФБлар ҳам семантик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Айтиш мумкинки, бу хусусиятлар миллий-маданий жиҳатлар орқали юзага чиқади.

Мазкур бирликларни маъносига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Мақтанчоқлик, манманлик маъносини ифода этувчи ономастик компонентли ФБлар: **«Ейишинг – шолғом-у, ётишинг Марғилоннинг сирли саройи»** мақолининг халқ орасида **«Ейишинг кепак, кийишинг ипак»** варианты ҳам ишлатилади. Киноя мазмунидаги бу мақол *«еб-ичишдан ўзини тийиб, бор-будини кийинишга сарфлайдиган олифталар»*га нисбатан қўлланилади. **«Марғилон»** топоними киноя маъносини кучайтириш учун қўлланилган.

2. Яхшилик ва савоб ишлар маъносида: **«Бир кўнгил иморати – минг Макка зиёрати»**. Бу мақолда *«бир кишининг кўнглини шод этиш иморат солиш, Маккага минг марта зиёрат қилиш билан тенг эканлиги»* назарда тутилган. Бу ўринда **«Макка»** топоним сифатида Арабистондаги муқаддас шаҳар номини ифодалаб келади. Бу ҳақда Алишер Навоий *«Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлағай»* деб ёзади. Мазкур сатрлар юқоридаги мақол мазмунига мосдир.

3. Соддалик, камтаринлик маъносида: **«Мулла Мирашир, қилмишига ярашир»**, **«Мулла Мирашир, топганини бизга ташир»**, **«Ашир, Ашир топганини бизга ташир»** тарзида ишлатиладиган мақолларда *«жудаям содда, топганини доим бировларга берадиган, айёрликнинг «кўчасидан ҳам ўтмаган»* одамларга нисбатан истехзоли, ҳазил-мутойиба тариқасида қўлланилади.

4. Ваҳима маъносида: **«Ёмон сомонхона куйди деса, Самарқанд куйди дейди»**, **«Ёмон лоф деса, ола Қоф дейди»** каби ФБлардаги **«Қоф»** – бутун ер юзини ўраб олган тоғ, деб хаёл қилинади. Мазкур мақолда *«ёмон, ваҳимачи одам бир гапни бўрттириб, ваҳима қилиб гапиради»*, дейилмоқчи.

5. Мақтов маъносида: **«Дамачининг қовунини емабсиз – дунёга келмабсиз»**. **Дамачи** – Тошкент яқинидаги (Зангиота туманидаги) қишлоқ. Дамачи ўзининг қовунлари билан машҳур бўлиб, дамачилик деҳқонлар кўпинча қовун сотаётганларида шу мақолни ишлатишади. Бунда шу жойнинг қовуни мақталган.

6. Гина маъносида: «Ноз-ноз, кал-Ниёз» (варианти: «**Бошим кал-у, кўнглим нозик**») мақолида *«ўзининг катта айби, нуқсони бўла туриб, буни тан олмайдиган, нозу-фироқ қиладиган, айби айтилганда, гина қиладиган»* одамларга нисбатан айтилади.

7. Қаҳр-ғазаб, ёвузлик маъноларида: «**Аямажуз – олти кун, қаҳр айласа қаттиқ кун**» мақоли мифологик қараш асосида шаклланган. Бу ҳақидаги ривоятлар Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва Қуръони Каримнинг Ал-Ҳоқу сураси, 7-оятидаги Од қавми ҳақидаги ривоятларда тилга олинган. Бунда **Аямажуз** «*қаҳр-ғазабни ифодаловчи образ*» сифатида келади.

8. Одоб-ахлоқ маъносида: «**Ақл Ҳасандир, одоб-Ҳусан**» мақолида «ақл билан одоб бир-биридан ажралмас бўлган»лиги учун экизақларга ўхшатиш. «**Ҳар ким ўз айбини билса, Вали бўлади**» мақолида ҳам «*инсон агар ўз айбини билса, етуклик сари қадам қўйган бўлади*», деган маъно англашилади.

Юқоридаги тасниф ва таҳлиллар асосида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБларнинг семантик мазмунида ўхшаш ва фарқли жиҳатларнинг мажудлиги авваломбор, шу тилларда гаплашувчи халқларнинг оғзаки ижоди, кундалик ҳаётидаги яхши ва ёмон кунлар, тарихий ҳодисаларга бориб туташганлигини кўрсатади. Таъкидлаш керакки, бу семаларни, биринчи навбатда, ФБлар таркибида келган номлар орқали англаш мумкин. Қолаверса, муайян семанинг доминантлашуви шу тилда сўзлашувчи халқларнинг асрлар давомида шаклланган урф-одат, анъаналарига ҳам боғлиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар учала тилдаги ФБлар таркибида келувчи ономастик бирликлар тинчлик, осойишталик, хотиржамлик ва фаровонлик; севги-садоқат, вафодорлик; орзу-истак; мақсад, интилиш; бойлик, мўл-кўлчилик; дўстлик; ҳазилкашлик; бахт, омад; донолик, ақл-заковат; адолат, одиллик ва ҳақиқат; ватанпарварлик каби ижобий; айёрлик, муғомбирлик, алдов, иккиюзламачилик; сафсата, қуруқ ваъда; кўрқитиш, азоб-уқубат ва шавқатсизлик; очкўзлик ва хасислик; тентаклик, ахлоқлик; жанжалкашлик, жиннилик; ишончсизлик; кўнгилсизлик, хавф-хатар; нодонлик,

фаҳмсизлик; адолатсизлик, ноҳақлик; ишёқмаслик ва дангасалик каби салбий семаларни билдиришга хизмат қилган.

§ 2.2. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг гендер (жинс) хусусиятлари

Маълумки, тилдаги ўзига хос фразеологик тизимнинг гендер хусусиятларини ўрганиш ҳозирги кунга келиб кўплаб тилшунос олимларнинг тадқиқот объектига айланган. Буни охириги йилларда тилга бўлган эътибор ва қизиқиш, айниқса, тилшуносликнинг гендерология соҳасида олиб борилаётган тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

XXI асрга келиб, ФБларнинг гендер белгиларини ўрганиш юзасидан ҳам бир неча тадқиқотлар амалга оширилди. Хорижий олимлардан М.М.Телбот, Г.А.Брандт, К.Кристинлар тил ва гендернинг ўзаро муносабатини¹, рус олимларидан И.В.Зыкова, В.А.Никольская, О.А.Васькова, К.Ш.Волошина, В.С.Самарина, З.М.Рамазанова ва М.А.Холевинскаялар ФБлар таркибида гендер хосланган компонентларнинг семантик ва структур, лисоний, когнитив ҳамда лингвомаданий хусусиятларини инглиз, немис ва рус тилларида қиёсий усулда ўрганишган бўлса², ўзбек тилшуносларидан

¹Talbot Mary M. Language and Gender. An Introduction. – Cambridge: Polity Press, 1998. – 267 p.; Brandt G.A. The Nature of Women as a Problem: The Concept of Feminism // Social Sciences and the Modern Age, 1998. – Vol 2, P. 167-189.; Christie Christine. Gender and Language: Towards a Feminist Pragmatics. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2000. – 386 p.

²Зыкова И.В. Гендерный компонент в структуре и семантике фразеологических единиц современного английского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: МГУ, 2002. – 219 с.; Никольская В.А. Гендерные асимметрии и стереотипы в английской фразеологии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Н. Новгород, 2005. – 25 с.; Васькова О.А. Гендер как предмет лексикографического описания (на материале фразеологии). Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 21 с.; Волошина К.Ш. Фразеологизм как средство концептуализации понятия «гендер» (на материале английского и русского языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Нальчик, 2010. – 25 с., Самарина В.С. Гендер во фразеологии: когнитивно-лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ставрополь, 2010. – 22 с., Рамазанова З.М. Сопоставительное исследование гендерной фразеологии в лакском, русском и английском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2011. – 25 с.; Холевинская М.А., Пузевич Т.В. Gender-marked phraseological units in the English, German and Russian languages // Филологические науки. – Материалы VII Международной научно-практической конференции. – Москва, 2014. – С. 277-279.

М.К.Халикова рус ва ўзбек ФБлари мисолида инсон ва унинг менталитетини тавсифлашнинг лексик-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятларини, Г.И.Эргашева ўзининг номзодлик диссертациясида инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспекти, Н.З.Насруллаева оламнинг инглиз ва ўзбек фразеологик манзарасида гендер концептлари шаклланиши жараёнининг моҳияти ҳамда уларнинг универсал ва миллий-маданий хусусиятларини, М.А.Абдувахабова эса инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида гендернинг тил воситаларида ифодаланиши каби масалаларни қардош бўлмаган тиллар мисолида тадқиқ этишган¹.

Замонавий тилшуносликда «гендер» тушунчаси олимлар томонидан турлича талқин этилади. Аслида «гендер» – эркак ва аёлларнинг тафаккури, менталитети, хулқ-атворининг хусусиятларини ўрганишни назарда тутадиган тушунчадир. Г.А.Брандтнинг таърифига кўра, «гендер» – эркак ва аёлни маънавий маънода маданиятлар таъсири натижасида ажратиб турадиган нутқ, хулқ-атвор ва шахсий хусусиятлар мажмуи»². Рус олимаси К.Ш.Волошинанинг фикрича, «ҳар бир маданиятда аёллар ва эркакларнинг оғзаки нутқиға хос бўлган ва хос бўлмаган воситалар борки, улар жамиятда ўзига хос маданий, анъанавий характерға эға ва бу алоқа воситалари эркак ва аёлларнинг ижтимоий-психологик ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади»³.

Г.И.Эргашева ўз тадқиқотларида шундай ёзади: «Кўплаб ижтимоий психологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёда

¹Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картины мира (на материале русского и узбекского языков): Дисс. канд. филол. наук.–Ташкент, 1999. – 142 с.; Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий - типологик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2011. – 170 б.; Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 71 б.; Абдувахабова М.А. Инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида гендернинг тил воситаларида ифодаланиши: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.

²Brandt G.A. The Nature of Women as a Problem: The Concept of Feminism // Social Sciences and the Modern Age, 1998. – Vol 2, P. 170.

³Волошина К.Ш. Фразеологизм как средство концептуализации понятия «гендер» (на материале английского и русского языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Нальчик, 2010. – С. 16-17.

эркакларга хос бўлган сифатларга: фаоллик, тажовузкорлик, рақобатдошлик, ботирлик, ишбилармонлик, ўзига бўлган ишонч, ҳақиқатгўйлик, қаттиққўллик, талабчанлик, мантикий фикр юритиш ва ҳ.к.лар киради. Аёлларга нисбатан кўпроқ хос бўлган сифатлар: қизиқувчанлик, сергаплик, миждовлик, ҳаёлпарастлик, иккиланувчанлик, юмшоқлик, заифлик, камтарлик, итоаткорлик ва ҳ.к.лардир»¹.

Айтиш керакки, замонавий тилшуносликда олимлар томонидан турли тилларда гендер кўрсаткичли бирликлар гуруҳларининг лисоний-маданий хусусиятлари қиёсий-чоғиштира тадқиқ этилмоқда.

Н.З.Насруллаева илмий изланишларида инглиз ва ўзбек ФБлари таркибидаги «эркак» ва «аёл» концептлари, уларнинг гендер компонент состави, эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий ва оилавий муносабатлардаги гендер ролларини ўрганар экан, шундай ёзади: «Инглиз ва ўзбек фразеологиясида гендер андазалар: 1) эркаклар стереотипи ва 2) аёллар стереотипига бўлинади... Жамият тараққиёти билан инсонларнинг эркак ва аёл андазалари тўғрисидаги фикрлар, гендер стереотип қарашлари ўзгариб туради, лекин, мазкур ўзгаришлар тил тизимида ва луғатларда акс топиши қийин кечади»².

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ФБларнинг гендер табиати аёл ва эркакларга хос бўлган хусусиятларни назарда тутди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ФБларнинг гендер хусусиятлари Г.И.Эргашева ва Н.З.Насруллаеваларнинг тадқиқотларида етарлича ўрганилган бўлса-да, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ФБларнинг гендер масаласи ономастик бирлик нуқтаи назаридан бир тизимда қиёсий таҳлил этилмаган.

ФБларнинг гендер хусусиятлари шу тилда гаплашувчи эркак ва аёлларнинг жамият, оиладаги мақоми ҳамда ички дунёсидан келиб чиқиб, тилда акс этади. Айниқса, ФБлар таркибида эркак

¹Эргашева Г. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент, 2011. – Б.130.

²Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 15.

ва аёлларнинг номлари иштирок этганда бу жиҳатлар ёрқинроқ намоён бўлади.

Ономастик компонентли ФБларнинг бир нечтасини мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан:

А) «**Marry in a haste, and repent at leisure**» (мақол) – «*шошилиб уйланган тез афсусланади*» мазмунида қўлланилган (эркакларга нисбатан) ушбу мақол аслида инглиз тилига француз тилидан (*qui se marie a la hate, se repent a loisir*) кириб келган. Ўзбек тилида ҳам бу мақолга муқобил бўла оладиган эквивалентини учратиш мумкин: «**Шошилган қиз эрга ёлчимас**» (фақат қиз болаларга нисбатан ишлатилади). *Гендерлик хусусияти*: инглиз тилида келтирилган мақолнинг таркибида қизларнинг исми «**Marry**» мавжуд бўлса-да, бу мақол фақат эркакларга нисбатан ишлатилади. Мақоллар орасидаги фарқ жинслараро номутаносиблик (қарама-қаршилиқ)да.

Б) «**The admirable Crichton**» – «*тенгсиз Крайтон*», «*олим*», «*маълумотли*», «*олим эр*». Мазкур иборанинг келиб чиқиши XVI асрда яшаган машҳур шотланд олими Дж. Крайтон номи билан боғлиқ. У 14 ёшида магистрлик унвонини олган бўлиб, ўзининг кўркем қиёфаси билан ажралиб турган. Бу ибора ўзбек тилига таржима қилинганда фақат эркак кишиларга нисбатан ишлатилиши мумкин. *Гендерлик хусусияти*: эркакларга хос кўркем ташқи қиёфа, яъни, физиологик хусусиятни ифодалайди.

В) «**Miss Nancy**» – «*нозикойим*», «*қиз бола*» (ёш йигит, ўспирин ҳақида), бу ибора оғзаки нутқда ишлатилиб, «**Miss-Nancyfied**», «**Miss-Nancyish**» – «*нозиктабиат*», «**Miss-Nancyism**» – «*эркалик*» («*нозиктабиатлик*», «*тантиқлик*» маъносида) шаклларида ҳам учрайди. Мазкур ФБ мазмунида эркакларга нисбатан аёллик хусусиятларини қўллаш салбий тус олади. Ўзбек тилида бу иборага яқин оғзаки нутқда «**хотинак**» сўзининг кўчма маъноси ишлатилади. *Гендерлик хусусияти*: аёл кишига хос бўлган хислатларнинг эркак киши характерида намоён бўлиши.

Г) «**Nancy (or pensy) boy**» – «*баччавоз*» (ўз жинсидаги киши билан яқин алоқада бўлган инсон), бу ФБ жаргон ҳисобланиб, жуда салбий маънода ишлатилади. *Гендерлик хусусияти*: ФБ фақат эркакларга нисбатан ишлатилади.

Д) «**Teddy boy**» (оғзаки нутқда йигитларга нисбатан ишлатилади) – «стиляга», «олифта» (*гайриоддий модага бериладиган ёш йигит*). Ўзига хос услубда кийинган инглиз кироли Эдуард (Edward)нинг лақаби. XX асрнинг 50-йилларида Эдуардга тақлид қилувчиларни «**Teddy boys**» деб аташган. Бу ёш инсонлар ўз даврининг жанжалкаш гуруҳларидан бўлишган. «**Teddy girl**» ибораси эса (қизларга нисбатан) – «гайриоддий модага бериладиган қиз» мазмунида ишлатилади.

Е) «**Man Friday**» – «Жумавой», «вафодор, содиқ хизматкор». Бу ибора Д.Дефонинг «Робинзон Крузо» романидаги қора танли содиқ хизматкор – «Жумавой» номидан келиб чиққан бўлиб, фақат эркак кишиларга нисбатан ишлатилади.

Ё) «**A girl Friday**» – «ёрдамчи», «ўнг қўл», «ишончли ходим» (котиба ҳақида), мазкур ФБ «**man Friday**» га қиёсан келиб чиққан.

Юқорида келтирилган мисоллар таҳлили асосида киши номлари билан келган ФБларни қуйидаги гендер хусусиятларига кўра ажратиш мумкин:

1. Эркак ва аёлларнинг ижтимоий хусусиятларини (ижтимоий мақоми, ижтимоий фаолияти) ифодаловчи қатлам: *Teddy boy, Teddy girl, a girl Friday*;

2. Аёл ва эркакларнинг психологик хусусиятларини (феъл-атвори, хулқи) ифодаловчи қатлам: *Marry in a haste, and repent at leisure, Miss Nancy, Nancy (pensy) boy, man Friday*;

3. Аёл ва эркакларнинг физиологик хусусиятларини (ташқи кўриниш) ифодаловчи қатлам: *the Admirable Crichton*.

Инглиз, рус ва ўзбек тилларида шахс номи билан келган ФБлар ҳам гендер хусусиятларга эга эканлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Бу бирликлар таркибида қўлланилган эркак ва аёл исмлари антропоним сифатида турли рамзий, ҳаётий маъноларни билдиришга хизмат қилган. Мулоҳазаларимизни инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБлар мисолида асослашга ҳаракат қиламиз. Дастлаб бундай бирликларни 2 га бўлиш мумкин:

I. Таркибида эркакларнинг номлари иштирок этган ФБлар;

II. Таркибида аёл исмлари иштирок этган ФБлар.

I. Таркибида эркакларнинг номлари иштирок этган ФБлар бир қанча маъноларга эга. Шу жиҳатдан уларни яна қуйидаги ички гуруҳларга бўлиб, таснифладик:

1. Ономастик компонент орқали эркакларга хос фазилатларни ифодалаш.

Инглиз тилида: «**Jack of all trades**» – «**Jack**» исми орқали «*ҳамма нарса қўлидан келувчи қўли гул инсон*»; «**(as) patient as Job**» ФБ таркибидаги «**Job**» номи орқали «*чидамлилик*» ва «*сабр*»; «**John Henry**» – «*баҳодир*», «*кучли одам*»; «**Mark Tapley**» – «*ҳар қандай вазиятда ўзини йўқотмайдиган одам*», «**good Samaritan**» – «*яхшилик қилиб, эвазига ҳеч нарса сўрамайдиган бегараз инсон*»; «**(as) wise as Solomon**» – «*донишманд, мулоҳазали, ақлли инсон*» мазмунида ишлатиладиган юқоридаги инглиз ФБларида эркакларга хос фазилатлар ифода этилган.

Рус тилида: «**Аверон не боится ворон, а на галки есть палки**» – «*ҳеч нарсадан қўрқмайдиган*», «*барча мушуқларни енгадиган инсон*»; «**черт (поп) Ваньку (Федьку) не обманет: Ванька (Федька) сам про него молитву знает (а Ванька попу правды не скажет)**» – «*уддабуронлик*»; «**Гарун-аль-Рашид наш**» – «*ақлли ва адолатли инсон*»; «**наш Гришка (Мишка) не просит (не берет) лишка**» – «*ишончга лойиқ инсон*»; «**Данила-мастер**» – «*меҳнаткаш инсон*»; «**наш Демид прямо глядит**» – «*ҳеч қачон алдамайдиган, тўғриси ўз инсон*»; «**Иван-царевич**» – «*кўркам йигит*»; «**Иосиф прекрасный**» – «*доно йигит*»; «**добрый Самаритянин**» – «*яхшилик қилиб, эвазига ҳеч нарса сўрамайдиган бегараз инсон*»; «**для доброго Федота не тягостна работа**» – «*меҳнатсевар инсон*»; «**Фома не купит ума – своего продаст**» – «*ақлли одам*» каби рус ФБларида ономастик бирлик орқали эркакларга хос фазилатлар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбек тилида: «**Ҳар ким ўз айбини билса, Вали бўлади**»¹ мақолида «**Вали**» антропоними эркакларнинг номи сифатида

¹Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекситон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 11.

катнашган. Аслида мантиқан «Вали» сўзи бу ўринда авлиё маъносида келган. Агарда «Вали» сўзи кичик ҳарф билан берилса, «ўз айбини тан олиш», «мардлик» маъноларини ифодалайди.

«Ишқда Тоҳир бўл, ишда моҳир бўл»¹ мақолида «Тоҳир» образи халқ оғзаки ижодида «ишқда вафодор йигит тимсоли»ни ифодалаб келади. Айнан шу маъно мақолга ҳам кўчиб, «чин муҳаббат», «садоқат» каби ошиқларга хос фазилатларни ифодалашга хизмат қилган.

«Мирзаи азимда минг Хоруннинг хазинаси-ю, туман Жамшиднинг давлати бор»² – мақолда «Хорун» ва «Жамшид» каби эркакларнинг исмлари қўлланилган. Тарихдан маълумки, Хорун ар-Рашид араб халифаси бўлиб, бойлиги ниҳоятда кўп бўлган. Жамшид эса Эрон шоҳи. Мазкур исмлар мақолда «бойлик», «барака» маъносини кучайтириш мақсадида ишлатилган.

«Отим – Овул, ҳар не десанг – қовул»³ мақолида қўлланилган «Овул» исми, аввало, шаклий жиҳатдан оҳангни таъминлаган. Мазмун жиҳатидан эса «камтаринлик» ва «мўмин-қобиллик» каби ижобий хислатларни ифодалаб келади.

«Сўзнинг Луқмон тилидан айтилгани – хўб»⁴ мақолида эса «Луқмон» исми «донолик» ва «ҳаким» тимсоли бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан мазкур ном ФБ таркибида «ақл-заковат» маъносини билдириб келади.

«Мулла Мирашир, қилмишига ярашир»⁵ иборасига синоним сифатида «Мулла Мирашир, топганини бизга ташир» варианты ҳам ишлатилади. Бунда «Мирашир» исми, аввало, шеърый оҳангдорликни таъминлаш учун қўлланилган бўлса, мазмунан «содалик», «қўли очиқлик»ни ифодалаб келади.

«Оти бор – Алпомиш»⁶ иборасида халқнинг шу номдаги достони бош қаҳрамони «Алпомиш» антропоними қўлланган.

¹Ўша манба. – Б. 155.

²Ўша манба. – Б. 218.

³Ўша манба. – Б. 278.

⁴Ўша манба. – Б. 326.

⁵Ўша манба. – Б. 223.

⁶Ўша манба. – Б. 263.

Маълумки, бу образ «мардлик», «вафо» тимсолига айланган. ФБ таркибида ҳам оти бор йигит Алпомишга тенглаштирилган. Демак, мазкур исм ФБ таркибида «куч қудрат», «мардлик», «жасурлик» маъноларини ифодалаш учун ишлатилган.

2. Ономастик компонент орқали эркакларнинг салбий хусусиятларини акс эттириш.

Инглиз тилида: «**Jack among the maids**» – «хотинларнинг кўнглини овловчи»; «**Jack of hearts**» – «жазман»; «**Jack the ripper**» – «шавқатсиз инсон»; «**John (Jack) Blunt**» – «кўпол одам»; «**don Juan**» – «хотинбоз»; «аёлларнинг кўнглини оловчи шахс», «**gay Lothario**» – «аёлларни шайдо қилувчи одам»; «**a doubting Thomas (a very Thomas)**» – «ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилмагунча, ишонтириш қийин бўлган инсон»; «**Tom Roper**» – «жаллод» каби инглиз ФБларида эркакларнинг исмлари кучли жинс вакилларининг салбий хусусиятларини ифодалашда хизмат қилган.

Рус тилида: «**Алеха сельский**» – «ўта мантанчоқ инсон»; «**Гришка Отрепьев**» – «ўғри», «қаллоб»; «**женился Данила на скорую руку, на долгое горе, терпенье, да муку**» – «ишининг уддасидан чиқа олмайдиган, лапашанг одам» ҳақида; «**Ерема в воду, Фома ко дну (оба упрямы, со дна не бывали)**» – «қайсар инсон» ҳақида; «**был Иван, а стал болван, а всё вино виновато**», «**отец Кирьян и в великую пятницу пьян**» – «ичкиликка берилган одам»; «**Рауль Синяя Борода**» – «ўз хотинига ёмон муносабат қиладиган рашкчи эр», «аёлларнинг қотили», «кўп хотинли эркак»; «**солдат Яшка, красная рубашка, синие ластовицы**» – «ўғри», «қароқчи» ҳақида; «**ну, Яшка, плоха твоя замашка**» – «ичкиликка берилган инсон» каби ФБларда эркаклар номи салбий хусусиятларни ифода этган.

Ўзбек тилида: «**Бўжи келди, Бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди**»¹ иборасида «**Чингиз**», «**Жўжи**» исмлари қатнашган. Маълумки, мўғуллар саркардаси Чингизхон ва унинг ўғиллари 1219 йилда Ўрта Осиёга беаёв ҳужум қиладилар. Чингизхоннинг ўғилларидан бирининг исми Жўжи бўлиб, халқ

¹Ўша манба. – Б. 62.

бу босқинчилардан ҳамиша қўрқиб яшаган. Шу маънода мазкур антропонимлар «қўрқув», «ваҳшийлик»ни англатиб келган.

«Миннатли Қовулнинг қовунидан беминнат Толибнинг тарраги яхши»¹ (бу ерда Қобил деган маънода) иборасидаги «Қовул» исми «қилган яхшилигини миннат қилиш» каби салбий ҳолатни ифода этиш мақсадида қўлланилган.

«Алининг аламини Валидан олибди»² иборасида қўлланилган «Али» ва «Вали» исмлари шаклий нуқтаи назардан оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилса, маъно жиҳатидан эса «аламзадаликдан кучи етадиган инсонга қаҳр қилиш, зулм қилиш» маъноларини англатади. Бу иборага синоним сифатида «Исонинг аламини Мусодан олибди»³ мақоли ҳам мавжуд.

«Искандар хўжа, бултурги жўжа, бола очади, ташлаб қочади»⁴ киноя тарзида ишлатиладиган ушбу ФБ таркибида «Искандар» исми иштирок этган бўлиб, «маишатпарастлик» ва «бевафолик» мазмунида ифода этилган.

«Иш буюрдим Алитозга, Алитоз қўйди ёзга»⁵ иборасига синоним сифатида «Ишонмагин Алитозга, Алитоз қўяр ёзга» варианты ҳам қўлланилади. ФБ таркибидаги «Алитоз» исми «ёз» сўзига оҳангдош сифатида келган ва «ишёқмаслик», «эринчоқлик»ни англатишга хизмат қилган.

«Асфандиёр хон бўлди, оғзи-бурним қон бўлди»⁶ иборасидаги исм тарихий. «Асфандиёр» – Хива хонларидан бири. У ҳукмронлик қилган даврда ўзбек уруғларига кун бермаган, кексалар, хотин-халажлар, ҳатто, бешикдаги гўдакларни бўлар-бўлмасга қаттиқ азобланганлар. Асфандиёр номи шу жиҳатдан «ваҳшийлик», «қаҳр-у ғазаб», «азоб-уқубат» маъноларини ифода этиш учун қўлланилган.

«Жанжал бошлаган Бердали, калтак еган Турдали» иборасидаги «Бердали» ва «Турдали» исмлари шеърӣ оҳангдорликни таъминлаган. Шу билан бирга кўчма маънода

¹Ўша манба. – Б. 218.

²Ўша манба. – Б. 138.

³Ўша манба. – Б. 138.

⁴Ўша манба. – Б. 137.

⁵Ўша манба. – Б. 139.

⁶Ўша манба. – Б. 296-297.

Бердали «шўхлик», «айёрликни», Турдали «бечоралик», «ноҳақлик»ни ифодалашга хизмат қилган.

«Ишни Эшмат қилади, Тошмат лоф уради»¹ иборасида қўлланган иккита исм: «Эшмат», «Тошмат» орқали юмористик мазмун англашилади. Яъни, «айёрлик», «муғобирлик» ва «адолатсизлик» каби иллатлар шу номлар орқали юзага чиқарилган.

«Бояғи-бояғи, бой Хўжанинг таёғи» иборасининг «Бояғи-бояғи, бой Хидирнинг таёғи», «Бояғи-бояғи, Ҳасан буванинг таёғи» тарзидаги маънодошлари мавжуд. Ушбу ФБларда «Хўжа», «Хидир», «Ҳасан» исмлари иштирок этиб, ишёқмас, эринчоқ кишиларга нисбатан мазкур номлар қўлланилган ва «аҳвол илгаригидан сира ўзгармаган, ёмон ҳол яхши бўлмаган», дейилмоқчи².

3. Ономастик компонент орқали эркакларга хос бўлмаган хусусиятларни ифодалаш.

Инглиз тилида: «**to Jack around**» – «дангасалик қилмоқ»; «**Jack-a-napes**» – «сурбет», «ишим»; «**to play the Jack with smb**» – «фирибгарлик»; «**Dr. Jekyll and Mr. Hyde**» – «иккиюзламачи»; «**John Thomas's man**» – «хотининг гапидан чиқмайдиган эр»; «**nosey Parker**», «**Paul Pry**», «**peeping Tom**» – «барча нарсага бурнини тиқиб юрадиган одам», «ўта қизиқувчан»; «**to stand Sam to somebody**» – «ёлгон ваъда бермоқ»; «**Tom Jones**» – «бемалолхўжа»; «**Tom (John) long the carrier**» – «имиллаб ишлайдиган, бирор нарсани секин етказиб берадиган киши»; «**Tom pepper**» – «ёлгончи»; «**Willy boy**» – «онасининг боласи», «эрка»; «**weary Willie**» – «суст, кучсиз киши» маъноларини англатувчи ФБларда ономастик компонентлар орқали эркакларнинг ўз жинсига номутаносиб жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Рус тилида: «**Ванька Ветров**» – «енгилтабиат инсон»; «**работать в бригаде Ваньки Шаталова**» – «ишсиз, бекор дайдиб юрмоқ»; «**валять Ваньку**» – «тентаклик», «масхарабозлик», «аҳмоқона ва бесамар ҳаракат қилмоқ»;

¹Ўша манба. – Б. 15.

²Ўша манба. – Б. 58.

«доктор Джекилл и мистер Хайд» – «иккиюзламачи»; «слепому Емельке все копейки» – «бирор нарсанинг қадр-қийматини англамайдиган одам»; «Иван Иванович и Иван Никифорович» – «бир-бири билан доимий равишда уруш қилиб юрадиган одамлар»; «Иван в дуду играет, а Марья с голоду умирает» – «бошқалар ҳисобидан айшу-ишрат қиладиган одам»; «строить из себя какого-то Ивана» – «кек сақламоқ»; «Иванушка – дурачок» – «аҳмоқ»; «кобылка бежит, а Ивашка лежит» – «ҳамма нарсага бепарво инсон»; «людях Илья, а дома свинья» – «мунофиқ одамлар» ҳақида; «наш Иуда ест и без блюда» – «ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан толмайдиган инсон»; «ни Миша, ни Гриша» – «ўзига ишонмаган инсон», «ҳеч вақога ярамайдиган одам»; «барон Мюнхгаузен» – «мақтанчоқ», «ёлгончи»; «у нашего Трошки задрожали ножки» – «қўрқоқ инсон» ҳақида; «двуликий Янус» – «иккиюзламачи» каби рус тилидаги ФБларда эркакларга хос бўлманган салбий коннотациялар ифода этилган.

Ўзбек тилида ҳам таркибида эркакларнинг исмлари қатнашган ФБлар ўз жинсига хос бўлмаган салбий характердаги маъноларни англатади. Масалан, «Ноз-ноз, кал-Ниёз»¹ мақоли «Бошим кал-у, кўнглим нозик» тарзида ҳам ишлатилади, яъни, «ўз айбини тан олмаслик», «нозу фироқ қилиш», «гина қилиш» маъноларида ёки «Аллон хўжа ирим этди, ирими кирин кетди»² ибораси «аёлларга хос ирим қилиш хусусияти» мазмунида ишлатилади. «Уқувсизлик», «ҳазилни тушунмаслик» маъноларида эса «Ҳазил, ҳазилни тушунмаган – кал Фозил»³. «Фозил» номининг ФБ таркибида келиши қофия, оҳангдошликни таъминлашга хизмат қилади. «Бир тангамнинг борида Холмат фаранг дедилар, бир тангамнинг йўғида Холмат гаранг дедилар» иборасида «Холмат» исми қўлланган бўлиб, мазкур антропоним «илгари катта-катта ишларни қилиб келган одам қариса ёки мансабдор амалидан тушса, ўзига мутлақо ярашмайлиган майда-чуйда ишларга аралашиб қолади» деган

¹Ўша манба. – Б. 57.

²Ўша манба. – Б. 136.

³Ўша манба. – Б. 433.

мазмунда ишлатилган¹. Ушбу ФБ майда-чуйда гап орқасидан гап талашиб юрадиган эркакларга нисбатан қўлланилади; «**Али жинни, Али жиннининг бари жинни**»² иборасида «Али» – эркаклар исми ишлатилган. Мазкур ном ўзбекларда анъанавийлашган бўлиб, айнан ФБ таркибида шу ном орқали «*тентаклик*», «*жиннилик*» каби эркакларга хос бўлмаган хусусиятлар ифода этилган.

II. Таркибида аёл исмлари иштирок этган ФБлар. Мазкур типдаги ФБлар ҳар учала тилда ҳам жуда озчиликни ташкил этади ва ўз навбатида 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди:

1. Ономастик компонент орқали аёлларга хос фазилатларни ифодалаш.

Инглиз тилида: «**dolly Varden**» – «*ёш, нафис аёл*»; «**Gibson girl**» – «*нозик*», «*куч-ғайратга тўла америкалик аёл*»; «**Cordelia's gift**» – «*аёлнинг нозик овози*» каби аёлларнинг исмлари қатнашган инглиз ФБларида нозик жинс вакилларига хос бўлган фазилатлар ифода этилган.

Рус тилида: «**Акулина Федосевна до чужих ребят милосердна**» ФБда «*аёлларнинг болаларга меҳрибонлик фазилати*» **Акулина Федосевна** исми орқали ифода этилган; «**Аринушка Маринушки не хуже**» ибораси таркибидаги «**Арина**» ва «**Марина**» исмлари «*яхшиликда бир-биридан қолишмайдиган аёллар*»нинг фазилатларини билдириб келган.

Ўзбек тилида: «**Зулфияхоним қизлари**»³ ибораси таркибидаги «**Зулфия**» исми орқали аёлларга хос «*гўзаллик*», «*иффат*», «*донолик*» каби хусусиятлар акс этган. «**Оти ёмон – Ойпора**» мақолида «**Ойпора**» исми ишлатилган. Бу исм халқ орасида тарқалган қуйидаги ҳикоя билан боғлиқ: ўтган замонда **Чиркиной** исмли чиройли бир қиз бўлган. Уни бир бой инсонга икки хотин устига узатишади. Бой бу қизни кўриб, бошқа хотинларига нисбатан камроқ эътибор қаратади. Бу нарса кундошларга ёқмайди ва улар кенжа хотинни камсита

¹Ўша манба. – Б. 18.

²Ўша манба. – Б. 13.

³Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. иловаси. – Тошкент, 2019. – Б. 178.

бошлайдилар. Унинг кичик айбларини ҳам катта қилиб кўрсатишади. Ҳатто, унинг исмини ҳам «Чиркин» деб атай бошлашади. «Бу яшшамагурнинг оти зотида Чиркиной эди-ю, бу ерга келиб Ойпора бўлиб қолдими энди», деб ҳақоратлашади. Шундан бошлаб, юқоридаги мақол халқ орасида кенг ишлатила бошланган. «**Ойпора**» осмондаги гўзаллик рамзи бўлмиш «сулув ойнинг пораси», яъни, бир парчаси, деган маънони англатади. Халқимиз орасида «**Ойпарча**», «**Барчиной**» («Парчиной»нинг фонетик ўзгарган шакли) исмлари ишлатилади¹. Сулув қизга нисбатан бу исм қўлланилган бўлиб, кундошларнинг кўролмаслиги, ҳасади туфайли гўзал қиз таҳқирланади. Демак, мақолнинг шакллангани ушбу ҳаётӣй воқелик билан боғлиқдир.

2. Ономастик компонент орқали аёлларга хос салбий хусусиятларни акс эттириш.

Инглиз тилида: «**dumb Dora**» – америкаликларнинг оғзаки нутқида ишлатиладиган мазкур ФБ «*бефаҳм, аҳмоқ қиз*» деган маънода аёлларнинг салбий хусусиятларини ифода этади. «**Mata Hari**» – «*мафтун этувчи айғоқчи аёл*». Бу ФБ таркибидаги исм тарихий бўлиб, Биринчи Жаҳон урушида немис айғоқчиси, Голландия раққосасининг исмига қўйилган. Кейинчалик, у Францияда ҳибсга олиниб, қатл этилган (ҳақиқӣй исми Гертруд Маргарете Зелле, 1876-1917 йй.)².

Рус тилида: «**Эллочка-людоедка**»³ – «*ўзини замонавий қилиб кўрсатадиган аҳмоқ қиз*» (Ильф ва Петровнинг «Ўн икки стул» номли романи қаҳрамонининг исми) ёки «**любопытной Варваре (на базаре) нос оторвали (любопытная Варвара)**»⁴ – «*ўзига таалуқли бўлмаган нарсалар билан қизиқмоқ*»; «*ҳаддан ташқари қизиқувчан*» маъноларида ишлатиладиган мазкур ФБларда ономастик компонент орқали аёлларга хос салбий хусусиятлар ўз ифодасини топган.

¹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекситон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 277.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 50.

³Ўша манба. – Б. 202.

⁴Ўша манба. – Б. 139.

Ўзбек тилида: «Омон бўлсак, кўрамиз Ҳалиманинг ҳолини»¹ иборасида анъанавий ўзбек миллий исмларидан «Ҳалима» қўлланилган. Шу жиҳатдан мазкур антропонимнинг қўлланиши ягона илмий асосга эга эмас. Фикримизча, бу исм ҳаётда қандайдир хатоликка йўл қўйган аёл номини ифодалаб келади.

Кузатишларимиз асосида шуни айтишимиз мумкинки, инглиз ва рус тилларининг фразеологик қатламида аёлларнинг исмлари орқали ўз жинсига мансуб бўлмаган хусусиятларни ифода этадиган ономастик компонентли ФБларнинг ҳам борлиги аниқланди. Бундай мисоллар гарчи жуда озчиликни ташкил этса-да, инглиз, рус ва ўзбек халқлари ҳаёти ва турмуш тарзида аёллар ўрнининг фарқ қилишини кузатиш мумкин. Масалан, инглиз тилида «**calamity Jane**» – «*шавқатсиз, қаҳрли, жангара аёл*» маъносида (камбағал Жейн – Марта Жейн Берк 1852-1903 йилларда яшаган америкалик овчи ва жангара аёл. У ўзининг 11 та эрини ҳам отиб ўлдирган)²; «**the daughter of Jezebel**» – «*жиноятчи*», «*итоатсиз аёл*»³ ёки рус тилида «**проворна Варвара на чужие карманы**»⁴ – «*ўзри*», «*фирибгар*» маъносида; «**наша Татьяна не евши пьяна**»⁵ – «*ичкиликка берилган инсон*» мазмунини ифодалаб келади. Бу жиҳатлар эса аёлларга хос эмас.

Кўринадики, инглиз, рус ва ўзбек тилларининг ФБлари таркибида эркак ва аёллар исмларининг иштирок этиши иборалардаги гендер хусусиятларни ифодалашдан ташқари, шу тилларда сўзловчи халқлар ҳаётида ҳар иккала жинс вакилларининг жамиятдаги ўрни, мақоми билан боғлиқ. Кузатганимиздек, ҳар учала тилдаги бундай бирликларда эркаклар исми кўп қўлланилган. Сабаби, эркакларнинг ҳаётда аёлларга қараганда фаоллиги ва тарихий ўрни билан боғлиқ. Эркак исмлари қатнашган ФБларда шу жинсга хос фазилатлар

¹Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, – 1984. Б. 161.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 40.

³Ўша манба. – Б. 41.

⁴Ўша манба. – Б. 139.

⁵Ўша манба. – Б. 191.

улуғланган, салбий хусусиятлар ва уларга хос бўлмаган жиҳатлар таъкидланган. Аёллар исми иштирок этган ФБлар бу жиҳатдан озчиликни ташкил этади. Бу исмлар кўпроқ ҳаётӣй асосга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ФБлар таркибида аёл ва эркак исмларининг акс этиши халқлар маданияти, тарихи, кундалик тумуш тарзи, диний дунёқараши ва урф-одатлари асосида шаклланиб, бир-биридан тубдан фарқ қилади.

§ 2.3. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий таҳлили

Ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигида ФБларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки, бу бирликлар асрлар давомида муайян миллатнинг ментал хусусиятларини ифодаб келган. Жамият ривожлагани сайин миллат тарихида янги исмлар, номларнинг кириб келиши ва асрлар оша бу бирликларнинг миллий-маданий хусусият касб этиши, албатта, ҳар бир халқнинг миллий тили ҳамда маданияти билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ш.С.Сафаров айтганидек: «Маданият ҳеч қачон қотиб қолган ҳодиса сифатида талқин қилинмаслиги лозим, чунки у тараққий қилиб боради, бир ҳолатдан иккинчисига ўтади, бошқа маданиятлар билан қоришиб боради»¹.

Ҳар бир халқнинг миллий бўёқдор ФБларида шу тилда гаплашувчи миллатнинг феъл-атвори, кундалик турмуш тарзи ва кўп асрлик руҳий кечинмалари акс этган бўлади. Тилнинг маданий компоненти сифатида ономастик бирликларнинг ФБлар таркибида учрашини номларнинг ички ҳамда экстралингвистик омиллар сабаб шаклланиши билан асослаш мумкин. Ономастик компонентли ФБлар эса жамият ҳаётининг барча даврларини ўз ичига олган тилнинг ўзига хос қисқартирилган тарихидир.

XXI асрдан бошлаб ФБларнинг лингвомаданий хусусиятларини қиёсий усулда ўрганиш хорижий олимларнинг

¹Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах. 2006. – Б .63.

тадқиқотларида ҳам кузатила бошланди. Ғарб олимларидан С.Сушинскене таркибида инсон ҳамда жой номлари иштирок этган инглиз тили ФБларининг лингвомаданий жиҳатларини¹, М.Л.Бешай инглиз ва албан тиллари ФБларининг лисоний ҳамда стилистик хусусиятларини², М.Хайдук инглиз тилидаги ономастик компонентли ФБларнинг этномаданий жиҳатларини³, А.Врбинц, М.Врбинцлар эса инглиз ва славян тиллари мисолида ономастик компонентли ФБларни чоғиштира усулда ўрганишган⁴.

Рус олимларидан О.А.Дмитриева⁵, С.В.Иванова⁶, З.В.Корзюкова⁷, А.В.Уразметова⁸, В.В.Ловянникова⁹, В.А.Хохловалар¹⁰ илмий изланишларида ономастик компонентли ФБларнинг лингвомаданий жиҳатларини инглиз, француз, немис, рус ва украин тиллари мисолида қиёсий усулда тадқиқ этган бўлсалар, ўзбек олимларидан фақатгина Г.С.Қурбонова ўзининг тадқиқотини француз ва ўзбек тилларидаги ономастик

¹Solveiga Susinskiene. Personal and Place Names in English Phraseology // Acta humanitarica universitatis Saulensis, 2011. – № 8, P. 320–328.

²Beshaj Ma. Lediana. Phraseological Units Used in the Functional Styles in English and Albanian Language // Mediterranean Journal of Social Sciences// pub. by MCSER-CEMAS-Sapienza University of Rome: Vol - 4 № 2, May 2013. – P. 453 - 456.

³Haiduk M. Linguistic and ethnocultural peculiarities of phraseological units with onomastic components in English language // Humanity, Computers and Communication. – Lviv, 2015. – P. 164-165.

⁴Vrbinc A., Vrbinc M. Phraseological units with onomastic components: The case of English and Slovene // Revista de Lingüística Teórica y Aplicada. Concepción (Chile), 52 (1), I Sem. 2014, P. 133-153.

⁵Дмитриева О.А. Культурно-языковые характеристики пословиц и афоризмов (на материале французского и русского языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 19 с.

⁶Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. докт. филол. наук. – Уфа, 2003. – 367 с.

⁷Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 234 с.

⁸Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – 196 с.

⁹Ловянникова В.В. Ономастическая фразеология в лингвокультурологическом аспекте: на материале немецкого языка: Дисс. канд. филол. наук. – Владикавказ, 2008. – 260 с.

¹⁰Хохлова В.А. Фразеологические единицы с топонимическим компонентом в английском и украинском языках: лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Донецк, 2017. – 26 с.

компонентли ФБларнинг миллий-лисоний хусусиятларини ўрганишга бағишлади¹. Қиёсий тилшуносликда ономастик компонентли ФБларнинг лингвомаданий хусусиятларини қардош бўлмаган тилларда, хусусан, инглиз, рус ва ўзбек тиллари кесимида чоғиштира усулда текшириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тўғри, миллий-маданий хусусият касб этувчи ФБлар юзасидан бугунги кунда жаҳон ва ўзбек олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ФБларнинг миллий-лисоний жиҳатлари лингвомаданий нуқтаи-назардан ўрганилиб, уларнинг бошқа тиллар билан қиёсий-чоғиштира таҳлиллари олиб борилган. Масалан, А.А.Носиров ўзининг докторлик тадқиқот ишида француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятларини қиёсий ўрганган². Унинг фикрича, «Тил бирликлари ичида миллий-маданий хусусиятларни энг равон, аниқ, ихчам қилиб ифодаладиган тил бирлиги ҳам, халқ тилининг кўзгуси ҳам бу ПФлардир. Бадиий адабиёт, халқ оғзаки ижоди уларнинг иштирокисиз ширасиз ҳисобланади, нутқнинг гўзаллиги, мазмуннинг сержилолиги, тил бойлиги, кўпроқ, ПФларда намоён бўлади»³. Шунингдек, у илмий изланишларида рус ва ўзбек тилларидаги айрим ономастик компонентли ФБларнинг ўзига хос ҳамда умумбашарий жиҳатларини таҳлил этган (ўзбек тилида: «Тошкентнинг таригини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади»; «тентакка Тўйтепа йўлми»; «Гап десанг қоп-қоп, иш десанг Самарқанддан топ»; «Хонқалининг бойини, Хивалининг камбағалини билиб бўлмайди»; рус тилида: «Всяк Еремей про себя разумеет»; «Далеко кулику до Петрова дня»; умубашарий ФБлар: «Сўраб-сўраб Маккани топибди»; «Язык доведёт до Киева»)⁴. Лекин, инглиз,

¹Қурбонова Г.С. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2019. – 50 б.

²Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 96 б.

³Ўша манба. – Б. 27.

⁴Ўша манба. – Б. 29-30.

рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБларнинг лингвомаданий жиҳатларини чоғиштира усулда ўрганишга бағишланган алоҳида тадқиқот ишлари мавжуд эмас.

ФБлар аллақачон инсонларнинг кундалик мулоқот жараёнига сингиб кетган, шунинг учун ҳам улар халқнинг тарихи, маданияти ва бадиий меросини ўрганишда асосий факторлардан ҳисобланади. Ономастик компонентли ФБлар шу тилда гаплашувчи халқнинг ижтимоий-маданий, тарихий-сиёсий, шунингдек, маиший ҳаётини акс эттирибгина қолмай, миллий руҳ, миллий характерга эга бўлади.

Олима М.Врбинцнинг фикрига кўра, келиб чиқиши ягона асосга эга бўлган кўпгина ФБларнинг маданий-тарихий шаклланиши турли тилларда умумбашарий хусусиятга эга бўлиши мумкин¹.

ФБларнинг кўпгина қисми миллий негиз асосида юзага келиб, халқнинг кўп асрлик маънавий ижоди маҳсулидир. Ономастик компонентли ФБларда бошқа маданиятдан ўрин эгалламаган воқеа-ҳодисалар тасвирланганлиги сабабли, улар иккинчи бир тилга фразеологик йўл орқали таржима қилинмаслиги мумкин, ФБларнинг миллий ўзига хослиги уларнинг мана шу жиҳатларида ифодаланади.

Инглиз тилида мавжуд ономастик компонентли ФБлар миллий-маданий жиҳатдан ўзига хос илмий тизимни ташкил этади. Уларнинг катта қисми инглиз халқи менталитети, дунёқараши, урф-одат ва анъаналари асосида шакллангани боис мазкур бирликлар таркибида қатнашган номлар фақат шу миллат хусусиятларини ифода этади. Айни вақтда улар орасида умуммаданий, умуминсоний жиҳатларни акс эттирувчи номлар ҳам борлигини таъкидлаш лозим («*the tower of Babel*», «*Вавилонская башня*»; «*Sodom and Gomorrah*», «*Содом и Гоморра*»; «*Aesopian language*», «*Эзоповский язык*», «*Эзоп тили*»).

¹Vrbinc A., Vrbinc M. Phraseological units with onomastic components: The case of English and Slovene // *Revista de Lingüística Teórica y Aplicada*. Concepción (Chile), 52 (1), I Sem. 2014, P. 138.

А.В.Уразметова топоним компонентли ФБларнинг лингвомаданий жиҳатларини ўрганар экан, ФБларда маданиятнинг акс этиши нуқтаи назаридан уларни 2 гуруҳга бўлади:¹

1) *миллий-маданий ФБлар*;

2) *маданиятларнинг ўзаро таъсири асосида пайдо бўлган ФБлар*.

Ономастик компонентли ФБлар ижтимоий-тарихий ходисалар, халқ оғзаки ижоди, кундалик ҳаёти, расм-русумлари асосида юзага келиб, узок ўтмиш ва тарихий воқеалар, муайян халқнинг урф-одат ва анъаналари билан боғлиқ. Ономастик компонентли ФБларда миллий маданиятнинг илдизлари мавжуд бўлиб, фақатгина кросс маданий ва этимологик таҳлил усуллари орқали уларнинг миллий-маданий ўзига хос томонлари ёритиш мумкин. Бу жиҳатларни айрим мисоллар орқали ифода этишга ҳаракат қиламиз.

Инглиз тилида: **«to go to Canossa»** – «мағлублигини тан олган ҳолда гуруридан воз кечмоқ», «бирор киши олдида паст кетмоқ» маъносида ишлатилиб, 1077 йилда Каноссада герман императори Генрих IV мағлублигини тан олган ҳолда Рим папаси Григорий VII олдида тиз чўқади. Мазкур ФБ юқоридаги тарихий воқеа-ҳодиса асосида келиб чиққан²; **«Brummagen button»** (эскирган ФБ) – «сохта танга» (айниқса, мис хусусида). **«Brummagen»** – «Birmingham»нинг бузиб айтилган шакли бўлиб, у ерда XVII асрда кумуш тангаларни сохталаштирганлар. Мазкур ибора Birmingham (тарихий жой) номи билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунга келиб истеъмолдан чиққан³; **«be born within the sound of Bow-bell»** – «Лондонда тугилмоқ» маъносида. Лондон шаҳри марказида **St. Mary-le-Bow** черкови жойлашган бўлиб, бу черков бутун мамлакат бўйлаб ўзининг кўнғироқ жаранги билан

¹Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – С. 102.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 17.

³Ўша манба. – Б. 107.

машхур, шунинг учун ҳам бу ибора «*Лондонда тугилмоқ*» деб таржима қилинади¹; **«have kissed the Blarney stone»** – «*тилёғламачи, хушомадгўй бўлмоқ*». Ирландияда **Бларни** қасри олдида катта бир тош бўлиб, инглиз халқи афсоналарига кўра, бу тошни ўпган одам хушомадгўйлик, лаганбардорлик қобилиятига эга бўлади, **ФБнинг** келиб чиқиши мана шу афсона билан боғлиқ²; **«go for a Burton»** – «*ўлмоқ*», «*дунёдан кўз юммоқ*», «*изсиз йўқолмоқ*», «*банкротга учрамоқ*». **«Burton»** – Стаффордшир вилоятидаги пиво ишлаб чиқарадиган кичик шаҳар. Бу **ФБни** британиялик учувчилар биринчи марта Иккинчи Жаҳон уруши даврида ўзларининг урушда ҳалок бўлган қуролдош дўстларини эслаб ишлатишган³; **«Kilkenny cats»** – «*ашаддий душманлар*». XVII асрда **Kilkenny** ва **Irishtown** шаҳарлари ўртасида бешавқат уруш бўлиб, урушдан сўнг шаҳарларнинг ҳар иккаласи ҳам вайронага айланади. **ФБ** шу тарихий воқеа асосида келиб чиққан⁴; **«London particular»** – «*қалин туман*», мазкур **ФБ** Ч.Диккенс томонидан биринчи марта истеъмолга киритилган⁵; **«to grin (smile) like a Cheshire cat»** – «*истеҳзоли илжасаймоқ (кулмоқ)*», Чешир вилояти ўзининг мазали пишлоқлари билан машхур бўлиб, корхона пишлоқларининг бир турида кулиб турган мушукнинг боши тасвирланган эди, бу тимсол корхонанинг тамғаси бўлган. Гарчи, мазкур **ФБ** анча олдин пайдо бўлган бўлса-да, Льюис Кэролланнинг «*Алиса мўъжизалар мамлакатада*» номли китоби нашр қилинганидан кейин машхур бўлган⁶; **«Tweedledum and Tweedledee»** – «*бир-*

¹Ўша манба. – Б. 14.

²Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – С. 104.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 16.

⁴Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – С. 104-105.

⁵Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 47.

⁶Ўша манба. – Б. 16.

бирига ўхшаши», «икки томчи сувдек ўхшаши», мазкур ФБ Ж.Байрон (1692-1763 йй.) томонидан амалга киритилган бўлиб, XVIII асрда бир-бирига ўхшаш иккита мусиқа мактабларининг номидан келиб чиққан¹; «**Canterbury story**» – «узун зерикарли ҳикоя», Д. Чосернинг «**Кентербери ҳикоялари**» асари номидан келиб чиққан²; «**send somebody to Coventry**» – «бирор кишини тошбўрон, қувғин қилмоқ», «**Ковентри**» – Англиянинг марказий шаҳарларининг бирида жойлашган кичик туман. Ковентри фуқаролари аскарларни шу даражада ёмон кўришганки, улар билан гаплашиб турган аёлни кўрганларида шу заҳотиёқ тошбўрон қилишган. Ковентрига юборилган аскарлар билан шаҳар аҳолиси умуман алоқада бўлмаган. Кларендонинг «*Англияда Буюк Тикланиш ва Фуқаролар уруши тарихи*» асарида айтилишича, инглиз инқилоби даврида Ковентрида ашаддий роялистлар (монархия тарафдорлари) қамоқхонаси бўлган³. ФБ Ковентри тумани фуқароларининг юқорида айтиб ўтилган урф-одатлари асосида шаклланган. «**Gretna Green (Scotch) marriage**» – «ўсмирлар орасидаги никоҳ», **Гретна Грин** – Англия ва Шотландия чегаралари ўртасидаги кичкина қишлоқ. Шотландияда 1969 йилга қадар ўсмирлар орасида турмуш қуришга рухсат бўлган. Одатда ёш севишганлар турмуш қуриш учун ўша қишлоққа қочиб кетишган⁴. «**People North of Watford**» – «қолоқ халқ» (Уотфорд аҳолиси ҳақида). Лондон ва қўшни вилоятлар аҳолиси ўзларининг хулқ-атворларини оқсуякларникига хос деб билиб, Уотфорд вилоятининг шимолида яшовчи инсонларни қолоқ урф-одатлари ва тор дунё қарашлари учун менсимаганлар. Англиянинг шимолида ва пойтахтда яшовчилар ўзларини бошқа вилоятдагилардан анъанавий тарзда юқори табақадан деб билишган⁵; «**Harley street**» – «шифокорлар», «*Лондоннинг тиббиёт дунёси*», «**Харли стрит**»

¹ Ўша манба. – Б. 71.

² Ўша манба. – Б. 17.

³ Ўша манба. – Б. 20.

⁴ Ўша манба. – Б. 32.

⁵ Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – С. 106.

кўчасида Лондондаги машҳур шифокорларнинг касалхоналари жойлашган бўлиб, ФБ шундан келиб чиққан¹; **«custom or Kent»** – «бирор нарсани тенг тақсимлаш», Кент вилоятининг урф-одатларига кўра, отасининг ўлимидан сўнг васиятнома бўлмаган тақдирда ака-укалар орасида ерлар кенг тақсимланган. Мазкур ФБ Кент вилояти аҳолисининг расм-русумлари билан боғлиқ²; **«Billy Bunter»** – «*еб тўймас*», «*семиз*», «*бесўнақай ўсмир*» маъноларида ишлатилади. Ушбу ФБ таркибидаги исм Фр.Ричардснинг ҳикояларидаги қаҳрамон **Billy Bunter** – мактаб ўқувчиси номидан келиб чиққан³; **«the British lion»** – «Британия шери» (сўзма-сўз таржима) маъносида Буюк Британиянинг миллий тимсоли бўлиб, у давлат гербида тасвирланган. Мазкур ФБ дастлаб Джон Драйденнинг «*Қоплон ва буғу*» (1687 й.) қиссасида учрайди⁴.

Рус тилидаги ФБлар орасида ҳам фақат шу тил доирасидагина қўлланиладиган ономастик бирликлар мавжуд бўлиб, мазкур бирликларда рус халқи маданияти, дунёқараши, урф-одатлари, дини, тарихи ҳамда кундалик турмуш тарзи акс этади. Масалан, **«куда Макар телят не гонял»** ибораси орқали «*жуда узоқ*», «*одам оёғи етмаган жойлар*» назарда тутилади. Ибора Макар исмли бузоқбоқар билан боғлиқ афсона орқали шарҳланади. Бу ФБ ҳақида икки хил қараш мавжуд:

1) Кўпгина рус мақолларида Макар – оддий камбағал, бахтсиз инсон сифатида гавдаланади. Масалан, **«на бедного Макара все шишки валяются», «не рука Макару калачи есть» («не рука Макару с боярами знаться»)**. Макар камбағал, ерсиз деҳқон бўлиб, у бировларнинг бузоқларини узоқда, ташландик жойларда боқишга мажбур бўлган бир шахс⁵.

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 33.

²Ўша манба. – Б. 20.

³Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – Москва: Международные отношения, 1972. – С. 82.

⁴Ўша манба. – Б. 436.

⁵Бирих А.К., Мокиенко В.М., Степанова Л.И. Словарь русской фразеологии: историко-этимологический справочник. Санкт-Петербург, 1998. – С. 361-362.

2) Макар – бузоқчаларни бахт-саодат маконига ҳайдаган чўпон. Черков қўшиқларига кўра, бузоқ – гуноҳлари учун худога қурбонлик қилинган ҳайвон¹.

Демак, Макар – соф русча исм бўлиб, унинг ФБ таркибида келиши юқоридаги ҳаётий воқелик асосида шаклланиб, қадимда рус деҳқонининг ночор, қийин ҳаётига ишора қилинган.

«Вот тебе, бабушка, и Юрьев день» ибораси ўзбек тилида *«бирор нарсадан ёки бирор ҳодисадан умидсиз бўлмоқ»*, *«ихлоси қайтмоқ»* маъноларини билдиради. Мазкур ФБ Ўрта асрлардаги қадимги рус анъаналари билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Ўша даврларда деҳқонлар бир зодагоннинг қўлидан иккинчи зодагонга ўтиши мумкин эди. Иван Грозний чиқарган қонун (1497 й.) бўйича бундай «ўтишлар» фақат қишлоқ хўжалик ишлари тугагандан сўнг, айнан Юрий(Георгий)нинг кунига бир ҳафта қолганда (эски тақвим бўйича, 26 ноябрь – ер эгаларининг ҳомийси Буюк Георгий куни нишонланган вақт) ёки бир ҳафтадан кейин содир бўлиши керак эди. Юрьев кунига етти кун қолганда қонунга кўра, деҳқонлар учун шартнома имтиёзлари, қариб қолган деҳқонлар учун зодагон эгасининг қўлида ишлаган вақт мобайнидаги меҳнатлари учун мукофот пуллари масалалари кўриб чиқилган. Халқ ривоятларига кўра, Костромский ва бошқа губернияларнинг зодагонлари Юрьев кунига яқин қолганда ўтқир пиво ичимлигини тайёрлашар ва деҳқонларни пиво билан сийлашарди. Байрам кунини маст ҳолда ўтказиб, кейинги куни уйғонган соддадил деҳқонлар ҳуқуқларидан ўз вақтида фойдалана олмаганликларини афсус билан ёдга олишарди. Ер эгалари меҳнат кучига муҳтож бўлиб, деҳқонларни бир-бирларидан алдов йўли орқали тортиб олишарди. 1581 йилда Иван IV Юрьев кунида деҳқонларнинг зодагонлар қўлига ўтишини вақтинча тақиқлаб қўйган. Иван Грознийнинг ўлиmidан сўнг, Борис Годунов 1607 йилда бундай «ўтишлар»ни умуман ман қилган ва шунда деҳқонлар бор ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўлиб, бир умрга ер эгаларига бириктирилган. Мана шу тарихий жараён

¹Кондрашева Т.Н. История фразеологизмов с собственными именами // Фразеология и синтаксис. Казань, 1982. – С. 46-89.

асосида «вот тебе, бабушка, и Юрьев день» ибораси шаклланган¹. Демак, ФБ таркибида Юрий исмининг келиши рус деҳқонларининг тарихий кечинмалари билан алоқадор.

«Белгородский кисель» ибораси ҳам соф рус халқининг доно характери ақс эттиради. Маълумки, Россияда русларнинг севиб истеъмол қиладиган ичимликларидан бири кисель бўлиб, афсонавий кисельнинг яратилиши XII аср билан боғлиқ. Бу маълумот «*Вақтинчалик йилларнинг қиссаси*» йилномасида ҳам ақс этган. Бир замонлар бажанаклар **Белгород** шаҳрини қуршаб олиб, унинг деворини узоқ вақт қамал қилишган. Шу орада қуршовга олинганларнинг озиқ-овқатлари тугайди. Шунда бир қария уннинг қолдиқлари ва кепакдан кисель қайнатиб, уни ёғочдан ясалган қудуқга тўкиб, ёнида асал солинган идишни қўйишни таклиф қилади. Кейин бажанакларнинг вакилини музокара учун чақиртиришади. Вакиллар Белгородда аҳолига «озуқа берадиган тубсиз қудуқ»ни кўриб ҳайратланишади ва уни мўъжиза деб қабул қилишади. Шундан сўнг бажанаклар шаҳарни очарчилик билан сақлаб қолиш мумкин эмаслигини тушуниб, чекинишади². Кўринадик, юқоридаги ФБ таркибида қўлланилган Белгород топоними орқали рус халқининг тарихий воқеа-ҳодисалари билан танишиш имкони мавжуд. Белгород эса Россияда жойлашган шаҳар. Қолаверса, бунда донишманд қария қўллаган доно тадбир туфайли шаҳар халқи бажанакларнинг зулмидан омон қолган.

«(Ох) тяжела (ты,) шапка Мономаха!» ибораси «*огир меҳнат*», «*жавобгарлик*» маъносига тенг келади. **Владимир Мономах** – XII асрда ҳукмдорлик қилган Киевнинг буюк қироли. У қадимги Руснинг бутунлигини сақлаб қолиш учун кўпгина ишларни бажарган: қипчоқларга зарба беришда қиролларнинг кучини ва аскарларини бирлаштирган. Ривоятларга қараганда, Владимир Мономах буюк қирол бўлгандан кейин Византияни забт этмоқчи бўлади. Унинг чегараларига яқинлашганда, императорнинг ўзи уни ҳукумат нишонлари билан тақдирлайди.

¹Бирх А.К., Мокиенко В.М., Степанова Л.И. Словарь русской фразеологии: историко-этимологический справочник. Санкт-Петербург. – 1998. – Б. 37-38.

²Ўша манба. – Б. 261.

Уларнинг ўртасида подшолик тожи ҳам бўлган. Бу тож сувсар мўйнаси билан ўралган, қимматбаҳо тошлар ва чўқинтириш ишораси билан безатилганлиги учун жуда оғир эди. Кейинчалик, уни «**Мономах шапкаси**» деб аташган. Петр I гача ушбу тож подшоҳлик ҳукуматининг рамзи бўлган ва тож кийдириш маросимларида шоҳларнинг бошига кийдирилган¹. Демак, юқоридаги ФБнинг миллий хусусияти русларда анъана бўлган қадимий урф-одатлар билан боғлиқ.

«**От копеечной свечи (свечки) Москва сгорела**» ибораси «*майда-чуйда гаплар ёки нарсалар ҳам катта кулфатга олиб келиши мумкинлиги*» ҳақидадир. Россия тарихи йилномаларига кўра, Москва шаҳри 1493 йилда Қумлоқдаги Никола ибодатхонаси шамларидан, 1737 йил 29 май куни Милославский уйидаги шамлардан ёнган. Ёнғин ҳатто Кремль майдонигача етиб борган. Шу боис бутун бошли Россиянинг юраги бўлган Москва оддий шам туфайли ёнғин остида қолган. Мана шу тарихий ҳодиса сабаб халқ орасида юқоридаги ФБ шаклланган².

Юқорида таҳлил этилган рус тилидаги ономастик компонентли ФБлар славян халқларига мансуб бўлиб, рус миллатининг соф характери, тарихий кечинмалари, қадимий урф-одатлари каби хусусиятларни ўзида акс эттиради.

Ўзбек тилидаги ономастик компонентли ФБлар ҳам миллий-маданий хусусиятга эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, «**Дамачининг қовунини емабсиз-дунёга келмабсиз**» – «*мақташ*», «*мақтаниш*» маъносида қўлланиладиган мазкур ФБ таркибидаги **Дамачи** – Тошкент яқинидаги (ҳозирги Зангиота тумани) қишлоқ. Қува анори, Оққўрғон анжири билан қадимдан машҳур бўлгани каби, Дамачи ширин-шакар қовунлари билан машҳур эди. ФБ миллий характерга эга бўлиб, беқиёс меҳнаткаш ўзбек деҳқонларининг кундалик ҳаётлари билан боғлиқ. Мазкур иборани кўпроқ дамачилик деҳқонлар қовун сотаётганда ёки ўз қовунларини бировга таърифлаганда айтардилар³.

¹Ашукин Н.С., Ашукина М.Г. Крылатые слова. Москва, 1955. – С. 409.

²<https://www.fraze.ru/index.php/poslovitsy-pogovorki/poslov-na-bukvu-m/moskva-ot-kopechnoi-svechki-sgorela>.

³Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекситон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 74.

«Балонинг минги Сирда, бири қирда» – ушбу ФБ **Сирдарё** тўғрисида айтилган бўлиб, Сирдарё суви жиловланмаган замонларда баъзи йиллари тошқин бўлиб, дарё ёқасидаги қишлоқларни, экинзорларни ювиб кетган, чорва молларини ҳалок этган. Аксарият қишлоқларнинг аҳолиси бундай тошқин офатларидан кўрқиб, ёзни қирда (чорва моллари боқиб), қишни эса ўз қишлоқларида ўтказганлар. Мазкур ФБ – ўша замонларнинг маҳсули¹; **«Рамазон айтган билан тўяманми, бурунгининг одатини кўяманми?!»** (Рамазон – санаи Қамариянинг тўққизинчи ойи бўлиб, бу ой мобайнида мусулмонлар рўза тутадилар. Шу рўза кунлари кечқурун, «оғиз очилгандан» кейин болалар бир тўда бўлиб олиб, эшикма-эшик «рамазон» айтиб юришар, хонадон эгалари уларга нон, ширинлик, умуман, бирор егулик нарса ё чақа-пул олиб чиқиб, улашардилар²; **«Мард бўлсанг, Эскижўвада ҳангра»** – ФБ таркибидаги **«Эскижўва»** (қадимда Тошкентнинг энг катта бозори жойлашган жой) сўзи *«гавжум жой»* маъносида ишлатилган бўлиб, бу билан мажозан: «Сен ўзингни зўрман деб ўйлар экансан, зўравонлигингни, ёмонлигингни одам кам жойда, кучи етмас ожизларга қилма. Зўр бўлсанг, зўравонлигингни, ёмонлигингни одам гавжум бўлган жойда қилиб кўрчи. Ана унда кўрадиганингни кўрасан, кўпчилик адабингни бериб, тавбангга таянтириб қўяди», деган мазмун бор³; **«Бўжи келди, бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди»** – мазкур ФБ таркибидаги **Чингиз, Жўжи** исмлари тарихий номлар бўлиб, Чингизхон – 1219 йилда Ўрта Осиёга ҳужум қилган мўғуллар ҳукмдори, Жўжи эса Чингизхоннинг тўнғич ўғлидир. Чингизхон бошчилигида мўғуллар Ўрта Осиёга бостириб кириб, шаҳарларни узоқ вақт давомида қамал қилишади. Қамал ичида қолган халқ жон-жаҳди билан курашишига қарамай, охири енгилади. Мўғул босқинчиларининг ноҳақ қон тўкиши, болалар ва аёлларни қийнаб, маҳаллий эркакларни ўлдириши, шаҳарларни талон-тарож қилишлари сабаб улар устидан заҳарханда билан кулувчи бир қанча мақолларнинг юзага келишига сабабчи бўлган. Бизнинг

¹Ўша манба. – Б. 26.

²Ўша манба. – Б. 132.

³Ўша манба. – Б. 207.

давримизгача уларнинг айримлари етиб келган. Тилимизда ҳам ҳозир мавжуд бўлган ва болаларни ухлатаётганда жим ётишга ундаб ёхуд уларни йиғидан тиндириш учун кўрқитиб айтиладиган **«Анна бўжи келди»** (бўжи – жин, ажина, шайтон) ибораси юқоридаги мақолнинг қисқартириб талаффуз қилинган шаклидир¹.

Ўзбек тилида бадиий адабиёт ҳамда халқ оғзаки ижоди асосида шаклланган ономастик компонентли ФБларда бадиий қаҳрамонлар, персонажлар, халқ латифаларида учрайдиган тўқима образлар ва халқнинг диний дунёқариши билан боғлиқ муқаддас авлиёларнинг номларини ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, **«Замона охир бўлса, улоқнинг отини «Абдукарим» кўядилар»** (вар: **«Қиёмат яқинлашса, эчкининг оти «мулла Абдукарим» бўлади»**; **«Қишлоқда одам қолмаса, эчкининг оти «мулла Норқузи» бўлади»**). Халқ ўртасида бу иборалар билан боғлиқ бўлган бир ривоят бор: «Ўтган замонларда **Абдукарим** деган бир қассоб бўлиб, у қўй гўштига эчки гўштини аралаштириб қанорага осиб кўяркан-да, харидорларига эчки гўштини ҳам қўй гўшти деб сотаркан. Бунни сезиб қолган одамлар Абдукарим қассобга «Эчки» деган лақаб қўйиб, ҳамма ерда унинг устидан куладиган, лаънатлайдиган бўлган эканлар...» **«Эчкининг оти – Абдукарим»** ибораси ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, шу ибора асосида юзага келган мақол билан: *«Замона охир бўлса (яъни, замон бузилса) ёмон одамлар қутуради, яхши одамларга панд берадилар, уларни ҳар қандай йўллар билан эзишга ҳаракат қиладилар»*, дейилмоқчи²; **«Лайлини кўриш учун Мажнуннинг кўзи керак»**³. Бунда **Лайли** ва **Мажнун** – Алишер Навоий достони қаҳрамонлари номи. Маълумки, Лайли қорачадан келган қиз бўлиб, унинг қалб гўзаллигини ҳис этиш учун «Лайлига Мажнуннинг кўзи ила боқмоқ керак», деган маънода ФБ таркибида шу номлар тимсолий маъно касб этган.

¹Ўша манба. – Б. 62.

²Ўша манба. – Б. 122.

³Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент, Ўқитувчи, 1984. – Б. 25.

«Қоч, Баҳовуддин бўлсанг ҳам, кўзингга қамчи тегиб кетади» – «Ишим битди, эшагим лойдан ўтди» мазмунидаги муғомбир ва айёр одамларга нисбатан киноя тарзида қўлланиладиган бу мақолнинг юзага келиши қуйидаги латифа билан боғлиқ. «Бир куни Афандининг эшаги оғир юки билан келаётган вақтда лойга ботиб қолибди. Эшакни лойдан чиқаришга Афандининг қуввати етмай турганда қараса, кўчанинг нариги бетида бир одам ўтирган экан. Афанди уни ёрдамга чақирмоқ учун бир ҳийла йўлини ўйлабди-да, бор овози билан: «Мен Баҳовуддинга етти танга назр этган эдим. Кимда-ким менинг эшагимни лойдан ўтказиб қўйса, шу етти танга назрни ўша одамга бераман!», дебди. Ҳалиги одам буни эшитиб, югуриб келибди-да, эшакни лойдан чиқазиб, йўлга солиб юборибди. Афанди эшагини ҳайдаб, чурқ этмай кетаверибди. Ёрдам берган киши Афандининг орқасидан қараб: «Ҳой афандим, Баҳовуддинга аталган етти танга назр қани?», деб сўрабди. Афанди қамчисини бошидан айлантириб: «Қоч, Баҳовуддин бўлсанг ҳам, кўзингга қамчи тегиб кетади!», деб йўлига кетаверибди»¹.

«Кўнда Хизр бор» – мазкур ФБ таркибидаги «Хизр» мифологик образ бўлиб, у ўзбек фольклорида «*ҳомий, мададкор, чол қиёфасидаги зайриоддий кўмакчи*» вазифасини бажаради². Бошқа манбаларда «Хизр» – афсонафий пайғамбар сифатида гавдаланади³. Ушбу ФБда Хизр худди шу маънода ишлатилган. Юқоридаги ФБнинг шаклланиши Шарқ халқларининг қадимий эътиқодий тушунчалари билан боғлиқ: «Хизр» – «оби-ҳаёт» сувини ичган бўлиб, одамлар орасида кўзга кўринмай юрар, то қиёматгача ҳаёт кечирар эмиш. Вақти-вақти билан турли қиёфаларга (оппоқ соқолли мўйсафид, отлиқ қария ва ҳоказолар) кириб, ҳалокатга йўлиққан одамларни қутқазар, деҳқонлар ҳосилига барака ато қилармиш, кимки уни учратиб қолса, бахтли ва бой бўлармиш.

¹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекситон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 151-152.

²Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Тошкент, Чўлпон, 2018. – Б. 85.

³Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекситон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 196.

Шунинг учун ўтмишда эътиқодчилар «Хизрни бир кўрсам» деган ниятда хайр-эҳсонлар, ибодатлар қилиб юрганлар. Мазкур мақол ана шу эътиқодий тушунчадан келиб чиққан¹.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мифонимлар ўзбек тилидаги ФБлар таркибида қатнашиб, халқнинг миллий қадрият ва урф-одатларини ифодалашга хизмат қилади. Шу асосда «Аёз, кўрган кунинг унутма, кўн чироғинг қуритма»; «Аямажуз – олти кун, қахр айласа қаттиқ кун»; «Қизил кўрса, Хизр йўлдан чиқар»; «Сўзнинг Лукмон тилидан айтилгани – хўб»; «Хасни кўрсанг, Хизр бил»; «Қизил»ни кўрса, Хизр ҳам йўлдан озади»; «Қизил» Хизрни айнатур» каби мифонимлар қатнашган мақол ва ФБлар таркибида «Аямажуз», «Хизр», «Лукмон» номлари Шарқ халқлари ҳаётини акс эттириши нуқтаи назаридан ҳам миллий тил бирлиги ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлил этилган мисоллардан кўриниб турибдики, ономастик компонентли ФБларнинг аксарият қисми кишиларнинг кундалик ҳаёти, расм-русумлари, урф-одатлари, тарихий кечинмалари ва диний дунёқарашлари билан боғлиқ. Инглиз рус ва ўзбек тилларида қўлланилувчи ономастик таркибли ФБлар тарихий асосга эга эканлиги билан эътиборни тортади. ФБлар таркибида қатнашган ономастик birlikлар, асосан, кўчма, рамзий-тимсолий маъноларни билдириб келади. Қолаверса, бу номлар муайян халқнинг миллий-маданий хусусиятларини намоён этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий хусусиятга эга ФБларнинг ижтимоий-тарихий шароитлари аллақачон йўқолганлигига қарамай, мазкур birlikлар ҳозирги кунгача ишлатилиб келинмоқда. Натижада уларнинг аввалги қиёфаси янги маъно ва мазмун билан шаклланган. Мисолларнинг таҳлили асосида таркибида ономастик компонентлар иштирок этган ФБларнинг аксарият қисми миллий-маданий шароитда вужудга келиб, тилнинг фразеологик қатламини бойитишига гувоҳ бўлдик. Зеро, бундай ФБлар халқнинг кундалик турмуш тарзи, қадриятлари, урф-одатлари, оғзаки ижодида тасвирланган руҳий

¹Ўша манба. – Б. 196.

кечинмалари, миллийлиги, бугунги ва эртанги орзу-истаклари ифодаси асосида дунёга келади.

Боб бўйича хулосалар

Инглиз, рус ва ўзбек тиллари тизимида ономастик компонентларнинг ФБлар таркибида ўзига хос маъно ва мазмун ифодалаши шу тилда гаплашувчи халқларнинг бадий ва халқ оғзаки ижоди, диний эътиқоди ҳамда кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиб, улар халқнинг кундалик мулоқот жараёнига шунчалик сингиб кетганки, ўзининг асл маъносини аллақачон йўқотиб бўлган. ФБлар таркибидаги исм ва номлар ўтмишда яшаб ўтган ва тарихда қайсидир ҳодиса сабаб из қолдирган инсонлар ёки тарихий жой номи билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун ҳам аксарият ономастик компонентли ФБлар инсоннинг характери, унинг ички ва ташқи фазилатлари, ижтимоий мақоми, ҳаракат ва ҳолатларини баҳолашда ишлатилади.

Инглиз, рус ва ўзбек тиллари турли тизимли тиллар оиласига мансуб бўлса-да, ҳар бир тилнинг лексик қатламидаги ономастик компонентли ФБлар бир тизимда 11 та ижобий ва 11 та салбий маъноларни ифода этувчи гуруҳларга ажратиблиб ўрганилди. Қолаверса, ҳар бир тилнинг ўзига хос, бошқа тилда учрамайдиган маъноларга эга ономастик компонентли ФБларнинг борлиги ҳам аниқланди.

ФБлар таркибида киши номларининг ўрганилиши тилшуносликда гендерология соҳасининг ривожланишига туртки бўлди. Ономастик компонентли ФБларнинг гендер хусусиятлари ўрганиш орқали эркак ва аёлларнинг тафаккури, менталитети, хулқ-атвори каби жиҳатлари аниқланади. Бундай изланишлар натижасида тилшуносликнинг ҳали тадқиқ этилмаган қирралари орқали жамиятнинг миллий-маданий қадриятлари сақланиб, ҳар учала маданиятнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилади. Кузатишларимиз натижасида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБлар эркак ва аёлларга хос фазилатлар, уларга хос салбий хусусиятлар ҳамда хос бўлмаган хусусиятларни ифодалаши маълум бўлди.

Ономастик компонентли ФБлар жамият ҳаётининг барча давларини ўз ичига олган тилнинг ўзига хос қисқартирилган тарихидир. Миллий-маданий ФБларнинг кўп қисми халқнинг кундалик турмуш тарзи, расм-русумлари ва урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Уларнинг ижтимоий-тарихий шароитлари аллақачон йўқолганлигига қарамай, бундай ФБлар ҳозирги кунгача қўлланмоқда. Натижада уларнинг аввалги қиёфаси янги маъно ва мазмун билан тўлади.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли ФБлар халқнинг кундалик турмуш тарзи, қадриятлари, урф-одатлари, оғзаки ижодида тасвирланган руҳий кечинмалари, миллийлиги, бугунги ва эртанги орзу-истаклари ифодаси асосида дунёга келади.

III БОБ. ОНОМАСТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

§ 3.1. Ономастик бирлик ва ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг таржимашуносликдаги ўрни

Таржима халқлар, миллатлар орасидаги кўп йиллик алоқа воситаси бўлиб, икки ва ундан ортиқ миллат вакиллариининг маданияти ва кўп асрлик тарихи ҳақида маълумот олишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунга келиб таржиманинг миллат ва жамият тараққиётидаги роли янада ортиб бормоқда. Таржима орқали бир-бирига қардош бўлмаган халқлар ўзга халқларнинг яшаш тарзи, маданияти, тарихи, жамиятдаги ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳар бир халқнинг сўзлашув тилида ўзига хос миллий тил бойликлари борки, улар асрлар оша авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Шундай лисоний бойликлар орасида ономастик бирликлар ва ономастик компонентли ФБлар тил эгаси бўлган халқнинг маънавий маданиятини, урф-одати, касби, яшаш шароити, интилиши, воқеликка муносабати билан узвий боғлиқдир¹.

Таржимашуносликда ономастик бирликлар ва ономастик компонентли ФБлар масаласи ҳанузгача тилшунос ва таржимашунос олимларнинг назаридан четда қолган эмас. Ономастик компонентли ФБлар таржимаси таржимон учун ҳам, тадқиқотчи учун ҳам мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Ғ.Саломов айтганидек, «таржима тенг қийматли, тенг сифатли бўлиши лозим. Бинобарин, таржимон ҳам муаллиф билан бўйлаша ва беллаша оладиган «эквивалент ижодкор» бўлмоғи даркор»².

Охирги йилларда миллий бўёқдор ФБларнинг таржимасига бағишланган тадқиқотларнинг сони орта бошлади. Мазкур

¹Ўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Самарқанд, 2013. – Б. 3.

²Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1983. – Б. 49.

тадқиқотларда асосан ФБларнинг миллий-лисоний хусусиятлари икки ёки уч тил доирасида қиёсий ўрганилган. Масалан, Н.К.Абдиракматова Ч.Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романидаги ФБларни асар тилидан немис ва қирғиз тилларига таржима қилиш усуллари¹, З.Қ.Тешабоева «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги ФБларни², Н.А.Тўхтаходжаева бадиий таржимада ФБларнинг лингвомаданий хусусиятларини³, Г.М.Адашуллоева тожик ва ўзбек тиллари материаллари асосида шахс хусусиятини ифодаловчи ФБлардан бадиий нутқда фойдаланишнинг миллий ўзига хослиги ва унинг таржимада акс этиши муаммоларини⁴, Ф.С.Азизова ФБларни таржима қилиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни, уларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишга ўргатиш методикаси ҳамда лингвомаданий хусусиятларини⁵, Ш.П.Рахимова инглиз тили ибораларини ўзбек тилига ўгиришда эквивалентлик, муқобиллик, образлилик масалалари, шунингдек, таржиманинг семантик, миллийлик хусусиятларини⁶, М.К.Бабаджанов қардош бўлган ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ФБларининг бадиий матндаги лингвомаданий, муштарак ва ўзига хос жиҳатларини, таржимадаги мазмуний мувофиқлик, номувофиқлик ва уларнинг

¹Абдиракматова Н.К. Особенности межъязыковой транспозиции фразеологических единиц (исследования лингвокультурологической специфики переводов романа Ч.Айтматова «И дольше века длится день» на немецкий и кыргызский языки): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Бишкек, 2011. – 166 с

²Тешабоева З.Қ. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

³Тўхтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 42 б.

⁴Адашуллоева Г.М. Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б.

⁵Азизова Ф.С. Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Филол. фанл. бўйича фалс. докт. (PhD) автореф. – Тошкент, 2018. – 56 б.

⁶Рахимова Ш.П. Инглиз тили идиоматик ибораларини ўзбек тилига ўгиришнинг лисоний хусусиятлари: Филол. фанл. бўйича фалс. докт. автореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.

юзага келиш ҳолатлари¹ каби масалаларни ўз тадқиқотларида қардош ва қардош бўлмаган тиллар мисолида атрофлича ўрганишган.

Гарчи ФБларнинг таржима муаммолари турли тиллар кесимида чоғиштира усулда ўрганилган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар ономастик бирликлар ва ономастик компонентли ФБларнинг таржима муаммоларига бағишланган алоҳида тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Кўринадикки, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик бирликлар ва ономастик компонентли ФБлар таржимаси таржимашуносликда мураккаб масалалардан бири сифатида тилшунос ва таржимашунос олимлар томонидан ўрганилиши керак бўлган долзарб мавзулардан бўлиб қолмоқда.

Таржима шундай бир қийин жараёнки, унда рассом ўз санъат асарига турли жилолар билан гўзаллик бахш этганидек, таржимон ҳам таржима қилаётган асарни лисоний бирликлар орқали қайта яратади. Лисоний бирликлар сифатида энг бўёқдор, ўзига хос ономастик компонентли ФБларни мутаржим ўзгача қобилият ва моҳирлик билан китобхонга шундай етказа олиши керакки, таржима жараёнида ФБларнинг миллийлик хусусияти сақланиши лозим, тилшунос олима З.Қ.Тешабоева айтганидек, «ҳар бир барқарор бирикма китобхонга тарихий шахс ва воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот олиш ва уларни хотирада сақлаш имкониятини беради»².

Миллий хусусиятга эга ФБларнинг айримлари бошқаларига нисбатан умумбашарий бўлиши мумкин, уларнинг метафорик маъноси тез тушунилади ҳамда улар осон таржима қилинади. Тилда уларнинг ўз «илдизлари» бўлади. Энг кўп истеъмолда бўлган ФБларнинг «илдизлари» узоқ ўтмишга бориб тақалади ва улар генетик жиҳатдан бир оилага мансуб бўлган кўпгина тилларда қўлланилиши мумкин. Бундай ФБларнинг бошқа тилларда ҳам эквивалентлари бўлиб, улар халқаро тил

¹Бабаджанов М.К. Ўзбекча-қорақалпоқча бадий таржималарда фразеологизмларнинг ифодаланиши: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2020. – 44 б.

²Тешабоева З.Қ. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – Б. 17.

бирликлари туркумига айланади ва биз уларнинг нафақат умумбашарий хусусиятлари ҳақида, балки, маданий ўзига хос томонлари ҳақида гапиришимиз мумкин. Бундай ФБларнинг аксарият қисми қардош бўлмаган тилларга таржима орқали кириб келади.

Ономастик бирликлар дастлаб ўз маъносида ишлатилиб, кейинчалик ФБлар таркибида тимсолий маъно касб эта борган. Масалан, О.К.Мжельская ўзининг тадқиқотларида **Иуда** – «сотқинлик» рамзи, **Авель** – «айбсиз қурбон», **Фома** – «бадгумон, ишончсиз кишилар», «қайсар инсон» тимсоли сифатида ифода этади¹. Аслида ҳам, Инжил ривоятларига асосланадиган бўлсак, Иуда Исо (а.с.)нинг шогирди Искарриот номидан келиб чиққан. У ўз устози Исога хиёнат қилиб, диний таълимотларда «сотқинлик» рамзи сифатида ном қолдирган. Иуданинг номи билан боғлиқ ФБларнинг шаклланиши ҳам шу ривоятлар билан боғлиқ. Инглиз тилида «**(a) Judas kiss**» иборасини рус тилига «**поцелуй Иуды**» деб таржима қилиш мумкин. Лекин, ўзбек тилига бу икки ФБларни «*Иуданинг бўсаси*» деб таржима қилиш нотўғри, бизнингча. Чунки, Иуда ўзбек менталитетига нотаниш тимсол. «**(A) Judas kiss**», «**поцелуй Иуды**» ФБларини ўзбек тилига «*хоинлик*», «*мунофиқлик*», «*сотқинлик*» деб таржима қилиш мумкин. Яна бир мисол, инглиз тилидаги «**Benedict Arnold**» ибораси америкалик генерал **Бенедикт Арнольд** номидан келиб чиққан бўлиб, у мустақиллик учун бўлган урушда инглизлар устидан ғалаба қозонган. Лекин, кейинчалик инглизлар томонига ўтиб, Вест-Поинт (Ғарбий Поинт)ни топширишга ҳаракат қилган ва тарихда сотқин, хоин сифатида ном қолдирган². Мазкур ФБ рус тилига «сотқинлик» рамзи – Иуда номи орқали таржима қилинади.

¹Мжельская О.К. Семантическая специализация и концептуализация заимствований (на материале ономастических компонентов библейской фразеологии): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Барнаул, 2008. – С. 8-9.

²Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 12.

Инглиз тилидаги «(as) wise as Solomon» иборасининг рус тилида ҳам «**мудрый как Соломон**» деган эквиваленти мавжуд. ФБлар мазмунидан маълумки, улар халқларнинг диний тафаккури асосида шаклланган. Таржимон ФБ таркибидаги «**Соломон**» номини ўзбек тилига таржима қилмаслиги мумкин. Чунки, одатда исмлар таржима қилинмайди. Шунда таржимон «**Solomon**» ҳақида маълумот тўплашга ҳаракат қилади ва «**Сулаймон**» деган номга дуч келади. Бундай пайтда таржимон ономастик бирликнинг таржимасига эмас, унинг шаклланиш манбасига эътибор қаратиши лозим бўлади. Чунки, ўзбек тили лексикасида Сулаймон деган исм мавжуд. Лекин, ким у Сулаймон? Инглиз ва рус тилларидаги ФБлар таркибида қандай маънони ифодалаб келган? «Сохта» таржимонлар учун албатта, бу қийин масала. Инглиз ва рус тилларида сўзловчи халқларнинг маданиятидан хабардор ва ислом дини ҳақида тасаввурга эга таржимонгина Solomon ва Соломонлар **Сулаймон (а.с.)** пайғамбар эканлигини англайди. Чунки, ислом таълимотида Сулаймон (а.с.) – «*доно, оқил, донишманд инсон*» сифатида тилга олинади. Ўзбек тилида ҳам Сулаймон (а.с.) билан боғлиқ бир неча ФБлар бор. Демак, ономастик компонентли ФБларни таржимада беришда мутаржим нафақат аслият тили (асар тили), балки, таржима қилаётган тилда гаплашувчи халқларнинг маданияти, тарихи ва диний дунёқарашидан хабардор бўлиши таржиманинг тушунарли бўлишида муҳим аҳамият касб этади ёки «**Авель**» ва «**Каин**» тимсолларини таҳлил қилсак, христианларнинг китоби Инжилда улар ака-укалар сифатида тилга олинади. Ислом динининг каломи – Қуръони Каримда ҳам **Қобил (Каин)** ва **Ҳобил (Авель)** Одам (а.с.)нинг ўғиллари деб таълимот берилади. Диний қарашларга кўра, Каин (Қобил) ўз укаси Авель (Ҳобил)ни ўлдириб, инсоният тарихида оғир гуноҳ – қотилликка қўл уради ва дин тарихида «*қотил*», «*жиноятчи*», «*сотқин*» деб ном қолдиради. Кейинчалик, бу тимсолий номлар асосида халқ орасида «**Cain-coloured**» - «**рыжий**» - «**малларанг**» (Каин малларанг соқолли инсон кўринишида тасвирланган), «**(the) brand of Cain**» - «**Каинова печать**» - «*жиноятнинг таиққи белгилари*» каби ФБлар шаклланган.

К.Жўраев шундай дейди: «Агар миллий колоритни белгиловчи ҳар бир сўзни таржимасиз қолдираверсак, текст ниҳоятда миллийлашиб кетади ва ҳатто, китобхон у ерда ўзини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш учун миллий бўёғи унчалик кучли бўлмаган, маълум даражада нейтрал характердаги хос сўзларни контекстга шундай жойлаш керакки, бундаги вазият таржима қилинмаган хос сўзни тушунишга ёрдам қилсин»¹. Бу фикрларга асос сифатида инглиз тилидаги «**Noah's ark**» ва унинг рус тилидаги «**Ноев ковчег**» эквивалентини таҳлил қиладиган бўлсак, «**Noah**» ва «**Ной**» номлари ўзбек миллатига умуман ёт ономастик бирликлар. Шунинг учун таржиманинг муваффақиятли бўлиши учун таржимон таржима қилаётган тилда гаплашувчи халқнинг маданияти, тарихи, бадиий ва халқ оғзаки ижоди ҳақида билимга эга бўлиши керак. Шундагина таржима соф, миллий характерга эга бўлади. Халқнинг диний таълимотларидан хабардор бўлган таржимонгина **Noah** ва **Ной** исмлари ўзбек тилига **Нух (а.с.)** деб таржима қилиниши кераклигини англайди. Лекин, юқоридаги ФБлар ўзбек тилига «**Нух кемаси**» деб сўзма-сўз таржима қилинса, нисбийлик вужудга келиб қолиши мумкин. «**Нух кемаси**» ҳақидаги қисса Инжил ҳамда Қуръони Каримнинг «**Нух**» ва «**Анкабут**» сураларининг 15-оятларида тилга олинади. Бу ўринда инглиз тилидаги «**Noah's ark**» ва унинг рус тилидаги «**Ноев ковчег**» эквиваленти ўзбек тилига «**нажот кемаси**» сифатида таржима қилинса, рамзий маънони ёрқин ифодалаш мумкин бўлади.

ФБлар таркибидаги ономастик компонентларнинг таржима қилиниши таржимашуносликда мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. ФБларни таржимада бериш жараёнида халқлар орасидаги маданий алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Соф, юқори даражадаги таржима ФБларни адекват таржима орқали беришни тақозо этади. Бунда эквивалент таркибидаги ономастик компонентлар шу тилда гаплашувчи халқнинг ментал хусусиятларини ифода этади. Шунинг учун ҳам «таржимон олдида иккита асосий вазифа туради: биринчиси – аслият

¹Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 53.

(таржима қилинаётган асар тили) маъно мазмунини тўғри ва теран тушуниш, иккинчиси ана шу мазмунни таржимада тўғри ва тўлиқ ифодалашдир»¹.

Таржимашунос олимлар Ғ.Саломов ва Н.Комиловлар таржима санъатини аслиятни айнан такрорлаш санъати эмас, балки, қайта тиклаш, асарни бошқа тилда қайта яратиш санъати эканлигини алоҳида таъкидлайдилар². Ҳақиқатан ҳам, мазкур фикр асосида тил бирликлари бир тилдан иккинчи тилга ўгириладиган бўлса, лисоний бирликлар ижодкор услубини қайта яратиш маҳсули эканлиги ва таржимоннинг таржима қилаётган асар муаллифи мансуб миллатга хос урф-одатлар, яшаш тарзи, тарихи ва маданиятини билиши билан боғлиқдир.

Ғ.Саломов ўзининг «Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир» китобида **«Яхшилик қил дарёга от, балиқ билар, балиқ билмаса, Холик билар»** мақолини таҳлил қилган. Унинг фикрича, **«Сотвори добро и брось в воду, вода не примет – рыба примет, рыба не примет – творец примет»** таржимасидаги *суб, балиқ* ва *яратувчи* сўзлари маъно жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам бир-бирига мос эмас³. Мана шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, диний ибораларни эквивалентлар ёки муқобил вариантлар билан алмаштариб бўлмаганда, сўзма-сўз таржима энг мақбул йўл. Чунки, **Холик** (Аллоҳнинг сифатларидан бири) фақат ислом динини қабул қилган халқлар учун танишдир. Таржима қилинган ФБ таркибидаги **«Холик»** рус тилида **«Бог»** худо сўзи билан алмаштирилган. Чунки, **«Холик»** сўзи яратувчи маъносини англатади. Бу ўринда ФБ сўзма-сўз таржима қилинганда ҳам, ибора мазмуни бутунлигича сақланган.

Ономастик компонентли ФБлар миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда бошқа тилга ўгирилса, қиёсий таҳлил орқали

¹Мирзаев И. К. Таржимада муқобиллик масаласи// Чет тиллар ўқитишда коммуникатив ёндашув: тил, тафаккур, маданият. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Бухоро, 2017. – Б. 153.

²Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 39.

³Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент: Ўқитувчи, 1961. – Б. 46-47.

таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни аниқлаш имкони пайдо бўлади.

Ғ.Саломов айтганидек, «дунёдаги ҳамма тилларда ҳам образли асоси киши номларидан иборат мақол, матал, идиома ва сўз ўйинлари кўп учрайди. Буларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш анча қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчиликлар шундан иборатки, агар биз таржимада «оддий» мақол билан иш кўрсак, унинг эквиваленти ёинки муқобил варианты билан алмаштирамиз, агар бўлмаса, унинг шакл ва бирлигини сақлаган ҳолда ўз тилимизга таржима қилиб, баъзан янги мақол ясаймиз»¹. Олимнинг фикларини мисолларимиз таҳлилида кўриб чиқамиз. Масалан, инглиз тилидаги «**(a) nosey Parker**», рус тилидаги «**любопытная Варвара**» ФБлари ўзбек тилига «*ҳаддан ташқари қизиқувчан инсон*» маъносида ишлатилади. Лекин, мазкур ФБларни ўзбек тилига таржима қилишдан олдин «**Parker**», «**Варвара**» образларига бироз таъриф бериш керакдай назаримизда. «**Parker**» – Метью Паркер (Matthew Parker) 1504-1575 йилларда яшаган Кентербери архиепископи. У ўзининг ҳаддан ташқари қизиқувчанлиги туфайли ибодатхона ва руҳонийларнинг ишлари билан доим қизиқиб юрган². «**Варвара**» ҳам рус халқи ривоятларида ўзининг қизиқувчанлиги туфайли бурнисидан айрилиб қолган қизнинг исми сифатида талқин қилинади. Юқоридаги ФБлар ўзбек тилидаги «**қизиқувчан Матмуса**» иборасига мазмунан мос келади, лекин, улар ўзаро эквивалент бўла оладими? «**Матмуса**» ҳам ўзбек болалар шеъриятида ўзининг қизиқувчанлиги туфайли симёғочга осилиб, байрам куни янги кўйлагини бўёққа бўяган ўсмир боланинг исми сифатида тилга олинади. Бизнинг назаримизда «**(a) nosey Parker**», «**любопытная Варвара**» ва «**қизиқувчан Матмуса**» ФБлари таржимада бир-бирининг ўрнини бемалол тўлдира олади. Чунки, ҳар учала ФБлар мазмунида антропонимлар «*ҳаддан ташқари қизиқувчан*» инсонларнинг номларини билдириб келган. Яна бир мисол, инглизча «**shipshape and Bristol fashion**» иборасини ўзбек

¹Ўша манба. – Б. 63-64.

²Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 563.

тилидаги «**Боғдодда ҳаммаёқ тинч**» ибораси орқали таржима қилиниши мумкин. **Bristol** – ўз даврида гуллаб-яшнаган Буюк Британиядаги шаҳар¹. **Боғдод** – «Алоуддиннинг сеҳрли чироғи» номли эртаклар туркумидаги шаҳарнинг номи. Ҳар иккала шаҳар ҳам ўз даврида *бойлик, тинчлик* рамзи сифатида тарих ва адабиётда ном қолдириб, ФБлар таркибида улар «*ҳаммаси жойида*» деган мазмунни ифодалашга хизмат қилган. Бизнингча, бундай миллий бўёққа эга ФБларни аслиятдан таржима тилига ўгиришда ФБлар таркибидаги ономастик компонентларга изоҳ бериб ўтиш жоиз. Натижада таржима орқали ономастик компонентли ФБларнинг бошқа тиллардаги муқобиллари шаклланади.

«Идиомаларнинг таркибида тор маҳаллий маънода ишлатилган, топонимика хусусиятларини ўзида акс эттирувчи, халқнинг тор доирадаги ўзига хос урф-одатлари ва маросимларининг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, миллий бўёққа бўялган сўзлар бўлса, улар бошқа тилдаги идиомаларга мазмунан ўхшасалар ёки яқин бўлсалар ҳам эквивалент бўлолмайдилар» – деб ёзади Ғ.Саломов². Яъни, тилнинг фразеологик қатламида топоним қатнашган бўлиб, улар қардош бўлмаган тилларда берилишда мантиқан тўла мос келадиган ФБ орқали таржима қилинса ҳам, улар доимо бир-бирининг мазмунини тўлиқ англатмайди ва айнан ўша ономастик бирлик сақланган ҳолда таржима қилинмайди. Бу жиҳатдан ономастик таркибли ФБларни турли тизимли тилларга таржима қилишда юзага келадиган қийинчиликлар уларнинг ментал хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, инглиз тилида «**talk Billingsgate**» ибораси мавжуд бўлиб, ибора таркибидаги «**Billingsgate**» – Лондондаги катта балиқ сотиладиган бозор номини билдиради³. Мазкур топоним ФБ таркибида рамзий маънода «*жанжаллашадиган жой*» мазмунини ифода этади.

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 12.

²Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент, Ўзбекистон Фанлар академияси, 1961. – Б. 66.

³Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 15.

Ўзбек тилида ҳам бозор номи билан келган «**Мард бўлсанг, Эскижўвада ҳангра**» ибораси мавжуд. Чунки қадимда **Эскижўва** Тошкентнинг энг катта бозори жойлашган сергавжум жой бўлган¹. Тарихдан маълумки, одатда бозорларда ҳар доим жанжаллар бўлиб турган. Гарчи, «**talk Billingsgate**» ва «**Мард бўлсанг, Эскижўвада ҳангра**» ФБлари мазмунан бир-бирига яқин бўлса-да, инглиз тилидаги ФБ ўзбек тилига «*ади-бади айтишмоқ*», яъни, «*жанжаллашмоқ*», деб таржима қилинади. Чунки, «**Billingsgate**» – инглиз тилида «жанжаллар бўлиб турадиган жой номи»ни билдиради. «**Мард бўлсанг, Эскижўвада ҳангра**» иборасида эса «*сен ўзингни зўрман деб ўйласанг, зўравонлигингни одам кам жойда эмас, одам гавжум жойда қил*» деган маъно бор. Демак, таҳлиллардан англашиладики, ҳар иккала ФБлар таркибида бозорлар номи «гавжум жой» мазмунида ифода этилса-да, улар ўзаро эквивалент бўла олмайди.

Инглиз тилида шундай ономастик компонентли ФБлар ҳам борки, уларни таржима қилиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Масалан, инглизларнинг оғзаки тилида ишлатилаган «**be (jump) over the Moon**» ибораси ифодалаган мазмунни осон тушуниш мумкин. Маълумки, **Moon** – Ой астроним сифатида инсонлардан узоқ масофада жойлашаган, ФБ таркибидаги «*be*» – *бўлмоқ*, «*jump*» – *сакрамоқ*, яъни, сўзма-сўз таржимада «**be (jump) over the Moon**» «ойда бўлмоқ» ёки «ойга сакрамоқ» деб ўзбек тилига таржима қилинади. Мазкур ФБнинг мазмунига мос ўзбек тилида ҳам *хурсанд бўлмоқ* маъносида «**еттинчи осмонда бўлмоқ**», «**осмонга сакрамоқ**», «**дўпписини осмонга отмоқ**» каби ФБлар учрайди. Шунинг учун бу каби ФБларни тушуниш ўқувчига осон кечади. Яна шундай ФБлар ҳам борки, уларнинг мазмуни ҳам, таркибида иштирок этган ономастик компонентлар ҳам образлилик жиҳатидан таржимада бир-бирига тўла мос келади. Масалан, «**Jack is no judge of Jill's beauty**» ибораси ўзбек тилидаги «**Лайлини кўриш учун Мажнуннинг кўзи керак**» иборасига мазмун жиҳатидан ҳам, персонажларнинг адабиётдаги образлилик нуқтаи назаридан ҳам

¹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 207.

тўғри келади. Мазкур образларни таҳлил қиладиган бўлсак, **Jack** ва **Jill** – XVIII асрда дунёга келган инглиз шеъриятидаги севишган қари эр-хотиннинг номлари¹. **Лайли** ва **Мажнун** образлари эса А.Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» номли достони қаҳрамонлари. Улар севги-садоқатда тилларда достон бўлиб, ҳозирги кунгача ўзбек тилида севишганларнинг рамзи ҳисобланади. Ҳар иккала ФБлар ҳам «*Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига*», «*Тўнғиз ҳам тунда боласини оппоғим дебди*» ёки рус тилидагидек «*не красивая красива, а любимая*» каби мақоллари ифодалаган мазмунни билдиради.

Шуни айтиш жоизки, гарчи биз ўз тадқиқотимизда ономастик компонентли ФБларнинг таржимашуносликдаги ўрни, вазифалари ҳақида изланишлар олиб борган бўлсак-да, бу мавзунинг ечилиши керак бўлган қирралари ҳали кўп. Чунки, замонавий тилшуносликда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати масалалари тадқиқи, таржимашуносликнинг антропоцентрик назариялар орқали ўрганилиши халқларнинг тиллараро, маданиятлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиз, рус ва ўзбек тиллари турли тизимли тиллар оиласига мансуб бўлса ҳам, ҳар бир тилда халқнинг тарих зарвақаларидан, диний тафаккури, урф-одатлари, руҳий кечинмалари, орзу-истаклари, бадий ва халқ оғзаки ижоди, шунингдек, кундалик турмуш тарзидан дарак берувчи ономастик бирликлар ва ономастик компонентли ФБлар борки, уларни ўрганиш, таржима қилиш ҳамда аслият тилидан таржима тилига тушунарли етказиш мутаржимдан моҳирликни талаб қилганидек, қардош бўлмаган тиллар тизимида миллий хусусиятга эга ФБларни чоғиштириб таҳлил қилиш таржимашунослик йўналишидаги масалаларнинг ўз ечимини топишида ва бўлажак таржимонларнинг касб маҳоратини ошириш имконини беради.

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 413

§ 3.2. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг таржима муаммолари ва усуллари

Таржимада ҳар қандай асар янгиланганидек, миллий хусусият касб этувчи ФБлар ҳам таржима жараёнида «ўз либосини алмаштириши» мумкин. Таржима қардош бўлмаган тиллар доирасида бўлганда ҳам, ФБлар мазмунидаги миллийлик, эмоционаллик хусусиятлари йўқолмаслиги керак. Бундай пайтда адекват таржимага эришиш учун синалган тажрибалардан, эришилган ютуқлардан фойдаланиш муҳимдир. Мана шу ўринда Ғ.Саломовнинг «Таржима нима? Таъбир жоиз бўлса, математика тили билан айтганда, бу – ёзувчи ёки шоир томонидан таржимонга берилган масала. Таржимон бошқа миллий, тарихий, адабий муҳитда, ўзга тил материали асосида мана шу масалани ечиши керак»¹ деган жумлалари ўринлидир.

Таржимашунослик замон талабига қараб ривожланаётган ҳозирги кунда ФБларнинг таржима жараёнидаги қийинчиликларини ўрганиш долзарб масалалардан бўлиб қолди. Миллий бўёқдор ФБларнинг таржима муаммолари бир қатор тадқиқотларда ўрганилаётган бўлса-да, бу масала ўз ечимини ҳали топганича йўқ. Турли тиллар таржимасида ФБларнинг семантик мазмуни ўхшаш ҳамда фарқли бўлиши мумкин, бунинг асосий сабабларидан бири тилларнинг қардош ёки турли тизимли тиллар оиласига мансублиги билан белгиланади. Чунки тил бамисоли чегарасиз уммондир. Бу хусусда Ғ.Саломов шундай дейди: «Муштарак адабий анъаналарга эга бўлмаган халқларнинг тилларидан ўзаро таржима қилганда жиддий қийинчиликлар сезилади. Бу ўринда «яқинлик» ва «узоқлик»ни фақат масофа маъносидагина тушунмаслик керак. Халқларнинг макони узоқ бўлгани билан улар ўртасидаги адабий-тарихий яқинлик, муштараклик сезилиши ва аксинча, яқин масофада яшаганлари ва ҳатто, генетик томондан қардош тилларда сўзлашганлари билан ҳам улар ўртасида тарихан таркиб топган муштарак адабий

¹Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1983. – Б.105.

жараён бўлмаса, бу таржимада муайян қийинчиликлар туғилишига сабаб бўлади»¹.

Миллий ва тарихий колоритни акс эттирувчи ономастик компонентли ФБларнинг бошқа тилда муқобили бўлмаслиги мумкин ва табиийки, улар таржиманинг умумий қоидаларига мос келмайди. Шунинг учун ҳам соф миллий ФБларни бошқа тилга ўгириш учун алоҳида ёндашув зарур.

ФБларнинг таржимасига оид масалалар Ғ.Саломов, Ю.Пўлатов, Ў.С.Абидходжаева, И.Ғафуров, О.М.Мўминов, Н.М.Қамбаров² каби ўзбек олимларнинг ишларида атрофлича ўрганилган. Ғ.Саломов ўзбек таржимашунослик мактабининг буюк олимларидан бири сифатида тилга олинади. У бир неча асарлар, луғатларнинг муаллифи ҳисобланса, Ю.Пўлатов бадий асарларда номлар таржимасини, Ў.С.Абидходжаева ФБлар таржимасида миллий-прагматик аспект масаласини, И.Ғафуров, О.М.Мўминов, Н.М.Қамбаровлар эса таржиманинг фразеологик муаммоларини ўз тадқиқотларида ўрганишган.

Жаҳон тилшуносларидан К.В.Нгуен ўз изланишларида инглиз тилидаги ономастик компонентли ФБларнинг вьетнам тилига таржима қилишнинг муаммоларини ўрганар экан, шундай деб ёзади: «Таржимон ҳар доим маълум бир ономастик компонентли ФБни тушуна олмаслиги аниқ, айниқса, у турли маданиятга хос маъноларга эга бўлса»³.

Айрим ҳолларда ономастик компонентли ФБлар умуман бошқача усулда, яъни, улар таркибидаги антропонимлар орқали кишиларнинг касби билан таржима қилиниши мумкин. Олимнинг юқоридаги фикрларига қўшилиб, бир неча мисолларни таҳлил қилсак. Масалан, инглиз тилида «**Florence Nightingale**», «**Jack ketch**» каби ФБлар мавжуд. Улар таркибида кишиларнинг

¹Ўша манба. – Б. 39.

²Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 145 б.; Пўлатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 68 б.; Абидходжаева Ў.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2002. – 128 с.; Гафуров. И., Мўминов О.М., Қамбаров Н.М. Таржима назарияси // Олий ўқув юртлар учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012. – 280 б.

³Nguyen V.K. Challenges in Translation of English Phraseological units with Onomastic constituents into Vietnamese Equivalents // VNU Journal of Foreign Studies, Vol. 37, №. 3, 2021. – P. 60-78.

исмлари иштирок этган бўлиб, таржима жараёнида мутаржим бу каби ФБларга дуч келса, қийин бир вазиятга тушиб қолиши ҳеч гапмас. Чунки, «**Florence Nightingale**» – «*ҳамишра*», «**Jack Ketch**» – «*жаллод*» деб таржима қилинади. Шунда таржимон **Florence Nightingale** ва **Jack Ketch** ҳақида маълумот излаб, уларнинг ким бўлганлигини аниқлаши лозим. Исмлар орқали таржима аниқ чиқмаса, бу номларнинг кўчма маънода келганлиги матн мазмунидан намоён бўлади. Аслида **Florence Nightingale** – 1820-1910 йилларда яшаган инглиз ҳамшираси. У 1853-1856 йилларда Қримда бўлган жангларда тиббиёт ҳамширалари отрядини бошқарган¹. **Jack Ketch** – XVII асрда яшаган инглиз жаллоди. У ўзининг шавқатсизлиги билан тарихда ном қолдирган². Бу каби ФБлар таркибида номлар рамзий кўчма маъно билдириб, тарихда яшаган шу инсонларнинг касби билан таржима қилинади.

Шундай ҳоллар бўладики, таржима тилида аслият тилидан на эквиваленти ва на ўхшаш фразеологик бирикма топилади. Аслиятда ифодаланган фикрни акс эттира оладиган бирликнинг на эквивалент ва на ўхшаши бўлганда, фразеологик бирлик шаффоф бўлмаса, калькалаш усулидан фойдаланишнинг иложи бўлмаганда, фразеологик бирликлар тасвирий йўл билан таржима қилинади³. Масалан, инглиз тилидаги «**French kiss**» ибораси рус тилига «**эротический глубокий поцелуй**» деб таржима қилинади, лекин, ўзбек тилига иборани «**французча бўса**» деб таржима қилиш соф таржимани юзага келтирмайди, шунда тасвирий йўл билан таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. «**French kiss**» – «*чуқур ва эҳтиросли бўса*» шаклидаги таржима китобхон учун тушунарли бўлади ёки «**be (all) Greek (Hebrew) to somebody**» иборасини сўзма-сўз таржима қилиш мавҳумликка олиб келиши мумкин. Мазкур ФБ рус тилига «**Китайская грамота**» тарзида, ўзбек тилига эса «*тушуниб бўлмас мавҳум нарса*» ёки «**жумбоқ**» деб таржима қилинади. Демак, тасвирий ифода орқали таржима

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 28.

²Ўша манба. – Б. 38.

³G'afurov I., Mo'minov O., Qamrarov N. Tarjima nazariyasi. – Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2012. – 216 b.

қилиш мутаржим учун эркин таржима усули бўлиб, таржиманинг гўзал ва тушунарли бўлиш имконини беради.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллардан кўриниб турибдики, бир тилга мансуб бўлган ономастик компонентли ФБни бошқа тилга таржима қилиш таржимон учун баъзи қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Чунки номлар ва исмлар тилнинг ички имкониятлари асосида пайдо бўлиб, бошқа халқлар учун ёт ҳисобланади.

ФБларнинг таржимаси хусусида Ш.Д.Абдуллаев шундай деди: «Агар маълум тилда яратилган асарни бошқа тилга таржима қилиш лозим бўлса, хусусан фразеологизмларни ўгириш жараёнида тилда мавжуд бўлган муқобил вариантлари, синоним ёки эквивалентлардан фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида таржимондан моҳирлик, билимдонлик талаб қилади ва иккала тил хусусиятлари, қонун қоидаларини тўла ўзлаштирган бўлишини тақозо этади. Қолаверса, бу халқлар маданияти, миллий қадриятлари, турмуш шароити билан таниш бўлмоғи даркор. Чунки ҳар қандай фразеологизм ўша халқнинг турмуш тарзи, миллий маданияти билан бевосита боғлиқ бўлади. Уларни таржима қилишда мавжуд эквиваленти ёки муқобилини топиб ўгириш керак. Маълум тилдаги иборанинг таржима қилинаётган тилдаги муқобили ва шу маънони берувчи вариантини топиб ўгириш мутаржимдан катта маҳорат талаб қилади»¹.

Миллий бўёққа эга ФБлар таркибида фақат ўша тилда гаплашувчи халқ ҳаётига мансуб инсон ва географик жой номлари ёки тилда учрайдиган бошқа атоқли отлар учраганда таржимон учун уларни ўзга тилга ўгириш бирмунча қийинчилик туғдириши табиий ҳол. Бундай ҳолатда миллий хусусиятли ФБлар қуйидаги усуллар орқали таржима қилинади.

1. Адекват таржима (эквивалентлар ёрдамида таржима қилиш). Турли халқларнинг ўтмишдаги кечинмалари, турмуш шароитлари, диний қарашлари ёки урф-одатлари бир-бирига ўхшаб, уларда учрайдиган миллий хусусиятга эга ФБлар ҳам бир хил образли асосдан иборат бўлиши мумкин. Икки тилда ҳам

¹Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбек таржимаси асосида): Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2007. – Б.10-11.

айнан бир хил кўринишга эга ФБлар таржимада ўзаро эквивалент ҳисобланиб, адекват таржимани юзага келтиради. Масалан, инглиз тилидаги «**listen for the wings of Azrael**» ФБнинг рус тилида «**слышать крылья Азраила**» варианты мавжуд. Бу ерда «**Азроил**» ўлим фариштасининг номи. Ривоятларга кўра, Азроил ҳеч кимга раҳм-шавқат қилиб ўтирмасдан, инсоннинг умри интиҳоси тугадини эслатиб, унинг жонини олиш учун келади. Юқоридаги инглиз ва рус тилларида келтирилган мисоллар маъно ва услубий жиҳатдан бир-бирига мос ва улар таржимада бир-бирини бемалол алмаштира олади.

Инглиз тилида «**the Chinese wall**» иборасининг рус тилида «**Китайская стена**» варианты мавжуд. М.Содиқова ўзининг «Қисқача русча-ўзбекча барқарор бирикмалар луғати» («Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений». – Ташкент: Ўқитувчи, 1994. – 96 с.)да юқоридаги икки ФБларнинг ўзбекча эквивалентини ҳам келтиради. Олиманинг луғатида «**Хитой девори**» – «*темир қўрғон*», «*ўтиб бўлмас тўсиқ*» мазмунида келтирилган. Ҳар учала тилда ҳам мавжуд бу ФБнинг тарихий асоси қадимги Хитой давлатининг куч-қудрати сифатида ҳозирги кунгача нутқимизда ишлатилади. Ривоятларга қараганда, ҳажми ва узунлиги билан ҳаммани ҳайратда қолдирган қадимий деворнинг узунлиги 6 минг км, баландлиги 10 метргача ва кенглиги 7 метргача етган¹.

Рус тилидаги «**Москва слезам не верит**» – 1) «*кўз ёшларга ҳожатнинг йўқлиги*»; 2) «*ўзини бўшаитирмаслик*» ҳақидаги ушбу ФБнинг инглиз тилида ҳам «**Moscow does not believe in tears**» эквиваленти учрайди. Мазкур ФБ инглиз тилига рус тилидан таржима орқали кириб келган бўлиб, улар ўзаро эквивалент ҳисобланади².

Инглиз тилидаги «**ascend Parnassus**», «**join Parnassians**» ФБларининг рус тилида «**всходить (взойти) на Парнас**» варианты ҳам бор. «*Шоир бўлмоқ*» маъносида ишлатиладиган бу ФБларнинг шаклланиши қадимги юнон афсоналари билан

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 159.

²Ўша манба. – Б. 173.

боғлиқ. Афсоналарга кўра, **Парнас** – Юнонистоннинг тоғли чўққиларидан бўлиб, унинг баландлиги 2457 метрни ташкил этган, бу тоғда Апполон худоси ва илҳом парилари яшашган¹. Шунинг учун ҳам **«ascend Parnassus», «join Parnassians», «всходить (взойти) на Парнас»** ФБлари *«шоир бўлмоқ»* деган маънони англатади.

«Hamlet» without the Prince of Denmark – **«все равно что «Гамлет» без принца Датского»** ФБлари инглиз ва рус тилларида ўзаро эквивалент ҳисобланиб, уларнинг ўзбек тилида *«тухумсиз саригисиз, денгиз сувсиз, ўрмон дарахтсиз бўлмагани сингари»* мазмунидаги муқобили мавжуд².

2. Муқобил вариантлар ёрдамида таржима қилиш. Ушбу таржима усулида фразеологик бирликка эквивалент топилмаса, кўп ҳолларда таржима муқобил вариантларни бериш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолатда ФБлар ўзаро муқобиллик муносабатида бўлади, яъни, таржима қилинаётган ФБ мазмунига мос келадиган ва миллийликни ўзида сақлаб қолган бошқа ибора орқали берилиши мумкин. Масалан, қадимий **Тула** ўзининг самоварлари, **Ньюкасл** шаҳри эса кўмир саноати билан машхур. Шу асосда рус ва инглиз тилларидаги **«ездить в Тулу со своим самоваром»** ва **«to carry coals to Newcastle»** ФБлари ўзаро муқобил ҳисобланади³. Юқоридаги ФБларга синоним сифатида ўзбек тилидаги **«қовун полизига қовун кўтариб бормоқ»** иборасини ишлатса бўлади.

Рус тилидаги **«покажу Кузькину мать»** ўзбек тилидаги **«онангни Учқўрғондан кўрсатаман»** иборасига мантиқан мос келади. Бироқ, **Кузька** рус тилидаги антропоним ҳисобланади. **Учқўрғон** эса ўзбек тилидаги топонимдир. **Кузька** ва **Учқўрғон** ономастик бирликлари турли халқларнинг миллий бирлиги бўлса-да, ўзбек тилидаги ФБ рус тилидаги иборага муқобил бўла олади ва **«покажу Кузькину мать»** ибораси ўзбек тилидаги **«онангни Учқўрғондан кўрсатаман»** тарзидаги пўписа маъносини англатувчи вульгар иборага синоним сифатида ишлатилади.

¹Ўша манба. – Б. 56.

²Ўша манба. – Б. 33.

³Ўша манба. – Б. 53.

«Я про Фому, а он про Ерёму» ФБнинг ўзбек тилида **«Мен боғдан келсам, у тоғдан келади»** варианты мавжуд. Эътибор берилса, рус тилидаги антропоним компонентли ФБ таржимасида киши номи сақланмаган, фақатгина мазмун сақланган. Шу ўринда айтиш жоизки, таркибида киши номлари бўлган ФБларнинг аксарият қисми маълум бир тарихий воқеа-ҳодиса асосида шаклланади. Бора-бора бирор тарихий воқеанинг ёки ривоятинг хулосаси ФБнинг келиб чиқишига асос бўлади, ўзи эса халқ хотирасидан унутилиб кетади.

Ўзбек тилидаги ономастик компонентли ФБларнинг рус тилида ҳам муқобил вариантлари мавжуд бўлиб, уларда мазмун тўлиқ ифода этилган, бироқ, таржима жараёнида ономастик компонент сақланмаган. Мисол учун, **«Аёз, кўрган кунинг унутма, кўн чироғинг қуритма»** ибораси рус тилига **«При сытости помни голод, при богатстве – убожество»** тарзида ўгирилган, яъни *«бир кун келиб бойиб кетсанг ҳам, асл қандай бўлганингни унутма»* маъносида қўлланмоқда¹. Эътибор берилса, ўзбекча ФБ таркибида **Аёз** ўтмишда яшаган бир чўпоннинг исми бўлиб, у донолиги, ақл-заковати туфайли султон даражасигача кўтарилади ва ўз ўтмишини унутмаслик мақсадида сарой дарвозасининг тепасига ўз чориқларини илиб қўяди. Бу ФБнинг ўзбек тилида яна **«Атлас кийсанг бўзингни унутма, кимхоб кийсанг – алагингни»** варианты ҳам ишлатилади².

«Алихўжа – Хўжаали» иборасининг рус тилида **«Что в лоб, что по лбу»**, **«Все равно 18, что без двух 20»** каби муқобиллари учрайди³. Ўзбекча **Алихўжа, Хўжаали** исмлари кўчма маъно ифодалаб келган ва рус тилидаги вариатларда киши номлари таржима қилинмаган. Лекин, ўзбек тилидаги мазмун русча мақолда бутунлигича сақланган.

«Туркистонда қўй бир сўм, кела-кела ўн бир сўм» ибораси рус тилига ўгирилганда **«Рыба в море не имеет цены»**, **«За морем телушка – полушка да рубль перевоз»** тарзида

¹Абдурахимов М. Узбекско-русский словарь афоризмов. – Ташкент, 1986. – С. 12.

²Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 10.

³Абдурахимов М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент, 1990. – С. 12.

таржима қилиниши мумкин¹. Бундан кўриниб турибдики, «Туркистон» сўзи таржима жараёнида тушиб қолган. Топоним рус тилида бошқа жой номи билан таржима қилинмайди, чунки, бу компонент ўзбек халқига мансуб ономастик бирлик. Бироқ, ўзбек тилидаги мазмун синонимик вариантларда сақланган.

3. Калька усулида таржима қилиш. Калька усулида таржима қилиш деганда, бошқа тилдаги ФБни ўз тилига сўзма-сўз таржима қилиш тушунилади. Фразеологик калькалаш тилда ўзлашма ФБларнинг шакалланишига замин яратади.

«Ўзлашма ибораларнинг тилда вужудга келиши узлуксиз жараён бўлиб, тилнинг тараққиёти шу тил эгаларининг бошқа халқлар иқтисодий, маданий-маърифий алоқалари билан узвий боғлиқдир», дейди Г.М.Адашуллоева².

Калька усули орқали таржима қилинган ФБлар таркибидаги номлар даврлар оша ўша тилда гаплашувчи халқнинг сўзлашув нутқига сингиб кетиши мумкин. Мана шундай вазиятда ономастик бирликнинг қайси тилга тегишли эканлиги аниқлаш биров қийин кечади. Миллатнинг маданияти, тарихи ва адабиётини чуқур ўрганиш орқали бу масаланинг ечимини топиш мумкин. Чунки, давр ўтгани билан ономастик бирликлар муайян тилда гаплашувчи халқ орасида аллақочон истеъмолда қўлланилган бўлади. «Хеч бир тил фразеологик бирликлари ҳаётдаги барча жиҳатларни қамраб ололмасликлари туфайли бир тилда муайян тушунчани ифода этадиган ибора бошқа тилда ўхшаш вариантга эга бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолда сўзма-сўз таржима қилинади. Бу усул калькалаш деб номланади»³.

«Волшебный дворец Аладдина» иборасининг шаклланиши қадимий араб эртақларига бориб тақалади ва инглиз тилида **«Aladdin's palace»** тарзида ишлатилади. Мазкур ФБ **«Минг бир кеча»** туркумидаги **«Аловуддин ва унинг сеҳрли чироғи»** эртаги асосида шаклланган. Аловуддиннинг сеҳрли қасри — эртакона қаср бўлиб, эртақда **«Аловуддиннинг сеҳрли**

¹Абдурахимов М. Узбекско-русский словарь афоризмов. – Ташкент, 1986. – С. 156.

²Адашуллоева Г.М. Тоҷик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили: Филол. фанл. бўйича фалс. докт. афтореф. – Самарқанд, 2018. – Б. 13.

³Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент: Ўқитувчи, 1961. – Б. 78.

чирог» турли мушкулотларни енгигашга ёрдам берувчи сеҳрли восита сифатида талқин этилади¹. Демак, Аловуддин антропоними эртак қаҳрамонини англатиб, бу ном кўчма маънони кучайтиришга хизмат қилади.

Инглиз тилидаги **«try to sweep back the Atlantic with a broom»** иборасининг рус тилига калькалаш орқали кириб келган сўзма-сўз таржимасини учратиш мумкин. *«Кучи етмайдиган ишга қўл уриш»* мазмунида ишлатиладиган ушбу ФБ рус тилида ҳам **«пытаться вымести Атлантику метлой»** тарзида худди шу маънони беради².

«Прометеев огонь» ибораси (**«Прометей олови»**) икки хил маънода қўлланилади: 1) *«ўзининг олий мақсадлари сари интилмоқ»*, *«юксакликка интилмоқ»*; 2) *«ҳаёт»*. Мазкур ФБ инглиз тилида **«Promethean fire»** тарзида қўлланилади. Қадимги юнон мифологиясига кўра, паҳлавонларнинг бири Прометей оловни илоҳий кучлардан ўғирлаб, одамларга келтириб беради. У одамларга олов ишлатишни, ҳар хил ҳунар ва санъатларни ўргатади. Бундан ташқари, Прометей инсонларга ёзиш, чизиш, темир, олтин, кумуш ва мис қазиб олишни, дориворлар тайёрлашни ва касалликларни енгитишни ўргатади. Мазкур ҳолат одамларнинг илоҳий кучларга бўлган ишончини сусайтиради ва бу қилмишлари учун Прометейни Зевс Кавказнинг чўққиларига *«михлаб қўяди»*. Бургутлар унинг жигарини эрталабгача чўқишарди, бироқ, эртасига эрталаб Прометейнинг танасида яна янги жигар ўсиб чиқарди. Мазкур жараён бир неча йил давом этади. Бир неча йиллардан сўнг, Геракл уни озод этади³. Демак, Прометей биринчи бўлиб одамларга олов келтирган мифологик қаҳрамон сифатида ҳозирга қадар адабиётда яшаб келмоқда. Шу билан бирга мазкур образ инглиз ва рус халқларининг сўзлашув нутқида ишлатиладиган ФБларнинг ҳам шаклланишига асос бўлган.

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 5.

²Ўша манба. – Б. 9.

³Ўша манба. – Б. 183.

«**Big Berta**» ибораси «узоқ масофага отадиган қурол» маъносини билдириб, рус тилига «**Большая Берта**» тарзида калькалаш орқали кириб келган. Аслида ушбу ФБ немислар Биринчи Жаҳон урушида Парижни узоқ масофали қуролда ўққа тутганларидан сўнг истеъмолга кирган. **Big Berta** номи билан аталувчи ушбу қурол фабрика эгасининг хотини **Берта Круп фон Болен** номига атаб қўйилган¹.

«**Barkis is willin**» – «*Баркис жон деб турибди*», «*Баркис рози*» (сўзма-сўз таржима) маъносида. Мазкур ФБ Ч.Диккенснинг «Давид Копперфилд» романидан олинган бўлиб, инглизларнинг оғзаки нутқида учрайди. Аравакаш Баркис бир неча бор хизматкор қиз Пеготтига уйланишни таклиф қилганда, у ўз қалб сўзларини шу ибора билан бошлаган².

«**Ньютоново яблоко**» ибораси ўзбек тилига «**Ньютон олмаси**» тарзида сўзма-сўз таржима қилинади ва «*бирор бир катта кашфиётга ундаган ҳодиса*» маъносини беради. Маълумки, Исаак Ньютон XVII-XVIII асрларда яшаган инглиз физиги ва математигидир. У фан ва техниканинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Олим кузатган ҳодисалар кашфиёт даражасига кўтарилган. Унинг бутун дунёга машҳур – «ернинг тортишиш кучи қонуни» бир неча асрлар давомида кутилмаган ҳодиса, деб қабул қилинган. Ньютон бу қонунни боғда сайр қилаётган вақтда дарахтдан тушган олмага қараб кашф этган³. Шу асосда халқ орасида шундай ФБ шаклланган.

Келтирилган мисоллар асосида шуни айтиш мумкинки, ономастик компонентли ФБларнинг таржима муаммоларини ўрганиш таржимашуносликдаги долзарб масала сифатида алоҳида ёндашувни талаб қилади. Миллий ва тарихий колоритни акс эттирувчи ономастик компонентли ФБлар таржиманинг умумий қоидаларига мос келмайди.

Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ономастик таркибли ФБларни ўзаро таржима қилишда ҳар доим ҳам номлар

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 77-78.

²Ўша манба. – Б. 66.

³Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 176.

сақланмаган, бироқ, ифода этилган фикр, мазмун ўз аксини бутунлигича сақлаб қолган. Қолаверса, ФБлар таркибидаги миллий номларни таржимада айнан бериш ментал хусусиятларга алоқадор бўлиб, ономастик компонентли ФБлар таржимасида номувофиқ ҳолатларни келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ономастик компонентли ФБлар уч йўл орқали таржима қилинади: адекват таржима, муқобил вариантлар ёрдамида таржима ва сўзма-сўз таржима. Инглиз ва рус тилларидаги ФБларнинг аксарияти таржимада бемалол бир-бирини эквивалентлар ёрдамида ўрнини тўлдиради. Ўзбек ҳамда рус тилларида ономастик компонентли ФБларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиб, бир қатор ибораларда тўлиқ синонимлик кузатилади. Улар таркибида акс этган антропоним ва топонимлар ментал хусусият касб этгани учун ФБлар қардош бўлмаган тилларда берилишида ономастик компонент сақланмаган. Шундай бўлса-да, рус тилидаги маъно ва мазмун ўзбек тилида ифода этилган. Демак, ономастик компонентли ФБларда учрайдиган антропоним ва топонимлар миллатга хос хусусиятларни ифодаловчи миллий тил бирликлари ҳисобланади.

§ 3.3. Ономастик компонентли фразеологик бирликлар – инглиз, ўзбек ва рус тилларида мулоқот воситаси сифатида

Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ФБлар таркибида ономастик компонентлар эмоционаллик ва экспрессивликни оширишдан ташқари, кўчма маънони ҳам кучайтиришга хизмат қилади. Сўнгги йилларда инглиз, рус ва ўзбек тилшунослигида миллий-маданий тил бирликлари ҳисобланган ФБлар луғатини тузиш, уларни бошқа тиллар билан чоғиштира усулда таҳлил ва тасниф этиш ишлари ўзига хос илмий йўналишга айланди. Жумладан, К.Мусаев¹, Г.Н.Хидирова², Ў.С.Абиходжаева¹,

¹Мусаев К. Перевод лексических фразеологических единиц как проблема частной теории перевода (на материале переводов русского и узбекского языков: Автореф. дисс. канд. филол. наук.—Тбилиси, 1988.—42 с.

²Хидирова Г.Н. Вариантность фразеологических единиц (на материале фразеологических словарей русского языка): Автореф. дисс. канд. филол. наук. — Ташкент, 2000. — 22 с.

И.Н.Исабеков², Г.И.Мансурова³, Ш.Д.Абдуллаев⁴,
Л.Э.Холмурадова⁵, З.Қ.Тешабоева⁶, Н.З.Насруллаева⁷,
М.К.Бабаджанов⁸ каби олимларнинг ишларида ФБлар замонавий
ёндашувлар асосида ўрганилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, инглиз ва рус тиллари ўзбек тили билан қардош бўлмаганлиги сабабли ушбу тилларда гаплашувчи халқларнинг маданияти, тарихи, адабиёти, халқ оғзаки ижоди, анъана ва урф-одатлари ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Фақатгина адабий-тарихий манбаларни ўрганиш, миллатнинг ўзига хос миллий-маданий қадриятларни таржимада адекват тарзда акс эттириш йўли орқали ўзаро маданий мулоқотни ифода этиш мумкин. Маданий мулоқот эса халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги кўп йиллик муносабатларнинг ҳар томонлама мустаҳкам ва манфаатли бўлишига хизмат қилади.

Ономастик компонентли ФБлар турли тизимли тиллар нуқтаи назаридан ҳам ўзига хосликларга эга. Маълумки, бундай ФБлар ҳар бир халқнинг ментал хусусиятлари, лингвомаданий жиҳатлари асосида шаклланади ва таржима орқали уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентлари шаклланади. Инглиз, рус ва

¹Абиходжаева У.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2002. – 23 с.

²Исабеков И.Н. Фразеологизмы и проблемы их перевода (на материале киргизского и русского языков): Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Бишкек, 2004. – 24 с.

³Мансурова Г.И. Когнитивный аспект перевода фразеологических единиц: Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – 29 с.

⁴Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2007. – 157 б.

⁵Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган тематик-идеографик талқини (лингвомовдвий аспект): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. атореф. – Тошкент, 2017. – 50 б.

⁶Тешабоева З.Қ. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

⁷Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 71 б.

⁸Бабаджанов М.К. Ўзбекча-қорақалпоқча бадий таржималарда фразеологизмларнинг ифодаланиши: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2020. – 44 б.

ўзбек тилларидаги ономастик таркибли ФБларнинг эквивалентлигини ўрганишда уларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ҳар уч тил доирасида ономастик компонент сақланган ФБлар;

2. Икки тил доирасида ономастик компонент сақланган ФБлар;

3. Фақат бир тил доирасида ономастик компонент сақланган ФБлар.

1. Ҳар уч тил доирасида ономастик компонент сақланган ФБлар катта миқдорни ташкил этмайди. Чунки, инглиз, рус ва ўзбек тиллари турли тизимли тиллар оиласига тегишли бўлганлиги сабабли муайян бир ФБнинг эквивалентини ономастик компоненти сақланган ҳолда ҳар учала тил доирасида учратиш қийин. Бу каби ФБлар тилга жаҳон адабиётидан таржима орқали кириб келади ёки иборанинг мазмунини тўлиқ сақлаган ва фақат таркибида бир тилга хос бўлган ономастик компонент қатнашган бошқа ФБ орқали берилади.

Инглиз тилида **«to rub Aladdin's lamp»** ибораси рус тилида **«потереть лампу Аладдина»**, ўзбек тилида **«Алоуддиннинг сеҳрли чироғини ишқаламоқ»**¹ шаклида мавжуд. Бунда **«Алоуддин»** антропоними уч тилда ҳам сақланганини кўриш мумкин. Демак, бу ономастик бирликнинг ҳар уч тилда сақланиши жаҳон фольклоридаги худди шу образ билан боғлиқ. Яна бир мисол, инглиз тилидаги **«since Adam was a boy»**, **«(as) old as Adam ribs»** иборалари рус тилида мавжуд **«оставшееся с дедовых времен»** ёки **«со времен царя Гороха»** (**«при царе Горохе»**)² ФБларига синоним сифатида ишлатилади. Ўзбек тилида ҳам юқоридаги ФБларнинг эквивалентини мисол сифатида келтириш мумкин. Масалан, **«Дакки Юнусдан қолган»** ибораси **«жудаям қадимий»**, **«эски»** деган маънони билдиради³. Кўринадики, **Адам**, **Горох**, **Юнус** номлари антропоним сифатида уч тилдаги ФБлар таркибида ҳам сақланган. Маълумки, **Юнус** – ислом дини эътиқодига кўра,

¹<https://kitobxon.com/uz/kitob/alovuddinning-sehrli-chirogi>

²Абдурахимов М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь.– Ташкент:Ўқитувчи, 1990. – С. 35.

³Ўша манба. – Б. 35.

Аллоҳ томонидан тайинланган пайғамбарлардан бири. Юнус (а.с.) ҳақида диний китобларда ҳам бир неча ривоятлар келтирилади. Бир қарашда мазкур ФБ Юнус (а.с.) қадимда яшагани учун «*Юнус замонидан қолган*» маъносида ишлатилади, деган фикр пайдо бўлиши табиий. Аслида ундай эмас. 1997 йили «Фан ва турмуш» журналининг «Тилимиз дурдоналари» сарлавҳаси остида Ф.Исоқовнинг «**Даққиюнус**» номли мақоласи чоп этилади¹. Унда айтилишича, «**Дақёнус**» – Рим империяси давридаги ҳукмдорларидан бири Диаклатионнинг номи бўлиб, Шарқ ривоятларида Диаклатионнинг талаффузи *Доққиюнус*, *Даққиюнус* кўринишида ўзгариб борган. Шайх Абдулазиз Мансур томонидан «Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири» қайта ишланган 5-нашрида «Каҳф» сурасининг 9-оятида «Дақёнус» ҳақида шундай изоҳлар келтирилади: «Машҳур муаррих ва сийратнавис Муҳаммад ибн Исҳоқ (80-150 х.й.)нинг ёзишига кўра, Исо (а.с.)дан кейин насроний динининг асл ва ҳақиқий таълимотига амал қиладиган диндорлар камайиб, ботил динларга эътиқод қилувчилар кўпайиб борган. Рум (Рим) мулкининг қайсари (шоҳи) Дақёнус худди шундай бутпарастликка ружу қўйган, насроний динидаги кишиларга зулм ўтказган ҳукмдор эди...»². **Горох** бўлса, қадимий рус эртакларида учрайдиган афсонавий ҳукмдорнинг номи. **Adam** – Одам Атонинг инглизча варианты бўлиб, қадимий Инжил ва Қуръони Карим китобларида тилга олинган, яъни, «**since Adam was a boy**», «**(as) old as Adam ribs**» иборалари ҳам «*жуда қадимий*», «*жуда эски*» маъноларида келади. Демак, бу ФБларни «*жуда қадимий*» деган маъно бирлаштириб туради. Уларда қўлланган атоқли отлар ҳам шу маънони асослашга хизмат қилган, фақатгина, улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, ҳар бир ономастик компонент ўз миллий менталлигига мансуб.

«**Эзоповский (Эзопов) язык**» – «*фикрларнинг аллегорик ифодаси*», «*фикрларни киноя, кесатиқ орқали ифодалаш усули*» маъносида ишлатилади. Мазкур иборани илк марта рус ёзувчиси

¹Исҳоқов Ф. Даққиюнус // Фан ва турмуш, 1997. – № 4. – Б.13-14.

²Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири (қайта ишланган 5-нашри). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – Б. 294.

М.Е.Салтыков-Щедрин ўз асарларида ишлатган бўлиб, инглиз тилида ҳам «**Aesopian (Aesopic) language**» шаклида қўлланилади. ФБ юнон масалчиси Эзоннинг номи билан боғлиқ. У эрамизгача бўлган VI асрда яшаган ва куллик вақтида ўз фикрларини аллегория шаклида ифодалаган¹. Ўзбек тилида ҳам шу хусусиятлардан келиб чиқиб, аччиқ кинояга асосланган «**Эзон тили**» ибораси ишлатилади². Эътибор берилса, ҳар учала тилнинг ФБларида антропоним сифатида Эзон номининг сақланиш асоси шу билан белгиланади. Демак, юқоридаги ўзаро эквивалент ФБлар ҳар учала тилда ҳам бир хил маънога эга.

Инглизча «**discover America**» иборасининг рус тилидаги эквиваленти «**открыть Америку**»³ тарзида, ўзбек тилида эса «**Америка очмоқ**»⁴ каби шаклида кўп учрайди. Бу ФБ Шимолий Америка қитъасининг кашф этилиши билан боғлиқ бўлиб, аслида «**discover America**» ибораси инглиз тилидан ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган. Демак, Америка топоним сифатида «*ҳаммага маълум бўлган нарсани кашф қилмоқ, эълон қилмоқ*» маъносини ифодалашга хизмат қилган⁵.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллар асосида шуни айтиш мумкинки, уч тил доирасида ономастик компонент сақланган ФБларда икки хил ҳолат кузатилади:

1. Ҳар учала тилда ҳам айнан бир хил ономастик компонент сақланган ФБлар («*to rub Aladdin's lamp*», «*потереть лампу Аладдина*», «*Алоуддиннинг сеҳрли чирогини ишқаламоқ*»; «**Aesopian language**», «**Эзоповский язык**», «**Эзон тили**»; «**discover America**», «**открыть Америку**», «**Американи очмоқ**»). Бу каби ФБлар тилга таржима асарлари ёки халқларнинг маданий алоқалари орқали кириб, маданиятлараро мулоқотнинг ифода воситаси сифатида хизмат қилади.

¹Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 201.

² <http://idum.uz/archives/9952>

³Садыкова М. Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений. – Ташкент: Ўқитувчи, 1994. – С. 69.

⁴Ўша манба. – Б. 69.

⁵Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: Приложение дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 6.

2. Уч тил доирасида ҳам ментал хусусиятларидан келиб чиқиб, ўз миллий хусусиятига эга ономастик компонент сақланган ФБлар («*since Adam was a boy*», «*(as) old as Adam ribs*», «*со времен царя Гороха*», «*при царе Горохе*», «*Даққи Юнусдан қолган*»).

2. Икки тил доирасида ономастик компонент сақланган ФБларга хос хусусиятлар шунда кўринадикки, инглиз тили ёки рус тилидаги мисолларда миллий хусусиятлар яқин бўлганлиги учун уларнинг таржимасидаги айтилмоқчи бўлган асосий фикрлар бир-бирига мос бўлади. Айрим ҳолларда айнан ономастик компонентнинг ўзи сақланиши мумкин ёки таржима қилинаётган тилдаги ФБ таркибида ономастик компонент қатнашмаган, лекин, маъносига мос бошқа ибора билан берилиши мумкин. Мисол учун, «**A labour of Sisyphus**»¹ иборасининг рус тилида «**Сизифов труд**» деган шакли мавжуд. Ўзбек тилига бу ФБ сўзма-сўз таржима қилинганда эса «*Сизиф меҳнати*» деб таржима қилинади. Лекин, ўз-ўзидан савол туғилади: «Ким у Сизиф?». **Сизиф** – қадимги юнон афсоналарига кўра, Коринф шаҳри ҳукмдори ҳисобланиб, худоларни алдагани учун илоҳий кучлар томонидан бир умрлик азоб-уқубатга гирифтор қилинади: у тоғнинг тепасига улкан харсангтошни катта қийинчилик билан думалатиб олиб чиқарди, тош эса яна пастга тезлик билан қуларди. Яъни, мазкур ФБ «*туғамас бефойда иш*», «*огир ва фойдасиз меҳнат*» маъносида ишлатилиб, уни биринчи бўлиб Рим шоири Проперций милоддан аввалги I асрда ишлатган². Кўринадикки, қадимги юнон афсоналари қаҳрамони *Сизиф* номи инглизча ва русча ФБларда ономастик компонент сифатида иштирок этган. Лекин, мазкур ономастик бирлик ўзбек тилига ёт бўлганлиги учун бу ФБнинг маъносига яқин «*Беҳуда ҳаракат – бел синдиради*»³ мақолини ишлатишимиз мумкин.

Инглиз тилидаги «**be safe and comfortable as if in Abraham's bosom**» ибораси таркибида **Abraham** ономастик

¹Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1984. – С. 431- 432.

²Ашукин Н.С., Ашукина М.Г. Крылатые слова. – Москва: Художественная литература, 1955. – С. 498.

³Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 43.

бирлиги иштирок этган. Келиб чиқиши жиҳатдан Инжилда тилга олинган *Abraaham* Иброҳим (а.с.)нинг инглизча номидир. Мазкур ФБнинг эквиваленти сифатида рус тилидаги «**как у Христа за пазухой**» иборасини мисол қилиб олиш мумкин. Лекин, русча ФБ таркибидаги **Христос** – Исо (а.с.)нинг номи, инглиз тилидаги ФБ таркибида *Abraaham* номи иштирок этган бўлса-да, ҳар иккала ибора ҳам ўзбек тилида «*онасини қўйнида яшагандек*» мазмунига тўла мос келади. Шунинг учун ҳам улар ўзаро эквивалент бўла олади. Яна бир мисол, инглиз тилида «**to carry coals to Newcastle**»¹ ибораси ўзбек тилида «*Нюскалга кўмир олиб бормоқ*» деб сўзма-сўз таржима қилинади. **Нюкас** эса Англия кўмир саноатининг маркази ҳисобланади. Рус тилида мавжуд «**ехать в Тулу со своим самоваром**»² ибораси юқоридаги иборага эквивалент бўла олади. Яъни, «*Тулага самовар билан бормоқ*» маъносини беради. **Тула** эса Россиянинг самовар ишлаб чиқарадиган марказидир. Ўзбек тилида ҳам бу ФБларнинг муқобиллари мавжуд: «**қовун полизига қовун кўтариб бормоқ**»³, «**денгизга сув қуймоқ**»⁴ каби ибора ва мақоллар юқоридаги мисолларга мантиқан мос келади.

Кўринадикки, рус ва инглиз тилларидаги ФБларда ономастик компонент (Нюкас, Тула) сақланган, ўзбек тилида эса бу ФБларга мазмун жиҳатдан мос келадиган вариантлари мавжуд. Лекин, таркибида ономастик компонент иштирок этмаган.

Инглиз тилида «**Tweedledum and Tweedledee**» ибораси ўзбек тилида «*икки томчи сувдек ўхшаш*» маъносини беради, яъни, бир-бирига ўхшаш бўлган иккита нарса, фақат фарқи номида акс этган. Мазкур ФБ инглиз шоири Дж. Байрон (1692-1763 йй.) томонидан биринчи марта истеъмолга киритилган бўлиб, киноя шаклида ишлатилади. «**Tweedledum**» ва «**Tweedledee**» XVIII асрнинг биринчи ярмида бир-биридан кўриниш жиҳатдан деярли фарқ қилмайдиган иккита инглиз

¹Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 246.

²Ўша манба. – Б. 246.

³Садыкова М. Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений. – Ташкент: Ўқитувчи, 1994. – С. 23.

⁴Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – С. 246.

музыка мактаблари номларидан келиб чиққан¹. Бу ФБнинг ўзбек тилида «**Алихўжа – Хўжаали**»² ёки рус тилида эса бунга мазмунан мувофиқ келадиган «**Что в лоб, что по лбу**»³, «**Похоже как две капли воды**»⁴ варианлари мавжуд.

Демак, бу мисолларда инглиз ва ўзбек тилларида ономастик компонент сақланган. Лекин, инглиз тилидаги мисолда топоним компоненти, ўзбек тилидаги мисолда эса антропоним компоненти иштирок этган.

Инглиз тилидаги «**East or West home is best**»⁵ иборасининг ўзбек тилида «**Шарқ-у Ғарбдан ўз уйинг афзал**»⁶ варианты учрайди. Шу билан бирга «**Ўз уйинг – ўлан тўшагинг**» мақоли ҳам юқоридаги инглизча иборага мазмунан мос келади. Ватан мавзусидаги бу ФБнинг рус тилида «**В гостях хорошо, а дома лучше**»⁷ варианты мавжуд. Эътибор берилса, инглиз ва ўзбек тиллари ФБларида ономастик компонент (*East, West; Шарқ, Ғарб*) сақланган. Рус тилидаги мақолда эса ономастик бирлик сақланмаган, бироқ, мазмун ифода этилган.

Инглиз тилида «**Rome was not built in a day**» («*Рим бир кунда барпо бўлмаган*») иборасининг рус тилида «**Москва не сразу строилась**»⁸ варианты мавжуд. ФБлардаги **Rome** ва **Москва** топонимлари географик, ҳудудий жиҳатдан ономастик компонент сифатида ҳар бир тилнинг ўзига хослигини кўрсатиб турибди. Бунда дунёдаги ҳар икки шаҳарнинг жуда катта меҳнат ва кўп вақт давомида бунёд этилганига ишора бор. Ўзбек тилида

